



Vědecko vydavatelské centrum «Sociosféra-CZ»  
Shadrinsk State Pedagogical Institute  
Tashkent State Pedagogical University named after Nizami

## **FORMATION A CULTURE OF INDEPENDENT THINKING IN THE EDUCATIONAL PROCESS**

Materials of the international scientific conference  
on November 10–11, 2015

Prague  
2015

**Formation a culture of independent thinking in the educational process** : materials of the international scientific conference on November 10–11, 2015. – Prague : Vědecko vydavatelské centrum «Sociosféra-CZ», 2015. – 170 p. – ISBN 978-80-7526-061-1

#### **ORGANISING COMMITTEE:**

**Dilnoz I. Ruzieva**, doctor of pedagogical sciences, professor of Tashkent State Pedagogical University named after Nizami.

**Bekzod H. Khodzhaev**, Ph.D., Associate Professor, Head of the Department of «General pedagogy» of the Tashkent State Pedagogical University named after Nizami.

**Narzulla A. Muslimov**, doctor of pedagogical sciences, professor, director of training and retraining of teachers at Tashkent State Pedagogical University named after Nizami.

**Noilya N. Azizhodzhaeva**, doctor of pedagogical sciences, professor of the Department of the Department of «General pedagogy» of Tashkent State University named after Nizami.

**Anargul S. Kaldybekova**, Ph.D., professor of the Department of «General pedagogy» of Tashkent State University named after Nizami.

**Sergey V. Sidorov**, candidate of pedagogical sciences, assistant professor in the department of psychology and sociology of Shadrinskij State Teachers' Training Institute.

**Elena V. Zvonova**, candidate of pedagogical sciences, assistant professor of Moscow State Pedagogical University.

**Ilona G. Doroshina**, candidate of psychological sciences, assistant professor, chief manager of the SPC «Sociosphere».

*Authors are responsible for the accuracy of cited publications, facts, figures, quotations, statistics, proper names and other information.*

These Conference Proceedings combines materials of the conference – research papers and thesis reports of scientific workers and professors. It examines the problematic of formation a culture of independent thinking in the educational process. Some articles deal with questions of Theoretical and methodological issues of creating a culture of independent thinking in the educational process. A number of articles are covered educational methods and means of formation of independent thinking. Some articles are devoted to reflection of national cultural features in the field of education in modern society. Authors are also interested in Interactive learning as an effective means to strengthen independent thinking.

**UDC 37**

**ISBN 978-80-7526-061-1**

*The edition is included into Russian Science Citation Index.*

© Vědecko vydavatelské centrum  
«Sociosféra-CZ», 2015.  
© Group of authors, 2015.

# CONTENTS



## I. THEORETICAL AND METHODOLOGICAL ISSUES OF CREATING A CULTURE OF INDEPENDENT THINKING IN THE EDUCATIONAL PROCESS

<b>Абдуқодиров Г., Самикова З. Ж., Бойматов Н. М.</b>	
Узлуксиз таълим самарадорлигини ошириш тамойиллари.....	8
<b>Абдуллаева Ў.</b>	
«Таълим тарғиботи» педагогик муаммо сифатида.....	11
<b>Валиева С.</b>	
Вақт, унинг жамият ва инсон ҳ аётидаги ўрни .....	14
<b>Kaldibekova A. S., Norboyev F. Ch.</b>	
Internet vositasida talabalar mustaqil ishlarini tashkil etishning pedagogik shart-sharoitlari .....	16
<b>Каюмова Н. А., Суропов Б. М.</b>	
Таълим жараёнида интеграциялашган мұхит .....	19
<b>Солощенко М. Ю., Малышева И. Ю.</b>	
Развитие самостоятельного мышления учащихся на уроках математики с помощью программы «Живая геометрия» .....	22
<b>Мардонов Ш. Қ., Эргашев Р.</b>	
Таълим-тарбияда таълимий қадриятлар.....	25
<b>Мелибаева Ш. М.</b>	
Ёшларда мустақил фикрлашни шакллантириш – бугунги кун педагогикасининг энг долзарб вазифаси сифатида .....	28
<b>Meliqo'ziyeva M.</b>	
Oliy ta`lim muassasalarida talabalarga mustaqil ta`lim berish orqali ijodiy fikrleshga o'rgatish – dolzarb muammo sifatida .....	30
<b>Мирзаева С. Р.</b>	
Олий таълимда низоли вазиятларни бартараф этиш.....	33
<b>Рўзиева Д. И.</b>	
Мустақил фикрлашга ўргатишнинг мазмuni ва моҳияти .....	36
<b>Юзликаева Э. Р.</b>	
Ўқитувчилар фаолияти самарадорлигини оширишга тизимли ёндашув....	39
<b>Юсупов М. М.</b>	
Ўқувчини мустақил фикрлашга ўргатиш жараёни: муаммолар ва ечимлар .....	42

## **II. EDUCATIONAL METHODS AND MEANS OF FORMATION OF INDEPENDENT THINKING**

### **Абиджанова М. А.**

Педагогик фасилитация воситасида ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этишнинг ўзига хосликлари ..... 45

### **Berdieva M., Meliboeva Sh.**

Amaliy mashg`ulotlar orqali talabalarni mustaqil, ijodiy fikrlashga o'rgatish yo'llari ..... 48

### **Valiyev A. N., Gulyamova M.**

Interyer rasmini chizishda perspektiva qoidalaridan mustaqil foydalanish ..... 49

### **Зафаров А. А.**

Талабалар билимини холисона баҳолаш – уларнингижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантиришнинг муҳим омили ..... 53

### **Kulakhmedova A. S.**

Methods and means of forming independent thinking ..... 56

### **Косимова Д. Х.**

Инглиз тилини ўргатишда лексик материални киритишнинг ўзига хос хусусиятлари ва юзага келадиган қийинчиликлар хусусида ..... 58

### **Рўзиева Д. И., Мухаммадиев Б., Файзиева Ф. С.**

Репетиторлик фаолияти – мустақил таълим шакли сифатида ..... 62

### **Халметова Ш. А.**

Мустақил фикрлашнинг ўсишига таъсир этувчи омиллар ..... 65

### **Эргашев Д. У.**

Талабаларда мустақил фикрлаш маданиятини шакллантиришнинг айrim методологик масалалари ..... 69

### **Тоджибаева К. С.**

Интеграцион ёндашув асосида педагогика коллежи ўқувчиларида касбий сифатларни шакллантириш ..... 73

### **Хайдаров X. X., Тожибоев О., Ибрагимова Г. Н**

Маҳсулот сифатини бошқариш критериялари ..... 76

### **Yusupova N., Mirxaitova S.**

Mustaqil ishlar – talabalar mustaqil fikrlashlari omili sifatida ..... 80

### **III. REFLECTION OF NATIONAL CULTURAL FEATURES IN THE FIELD OF EDUCATION IN MODERN SOCIETY**

<b>Байтураева Н., Шеранова М.</b>	
Халқ педагогикасида ёш авлодни ахлоқий тарбиялаш.....	83
<b>Қодирова Х. Б.</b>	
Миллий ўзликни англаш .....	86
<b>Қаҳхорова М. М., Йўлдошева С. М.</b>	
Миллий-ахлоқий камолотга эришишнинг ўзига хос жиҳатлари .....	90

### **IV. INTERACTIVE LEARNING AS AN EFFECTIVE MEANS TO STRENGTHEN INDEPENDENT THINKING**

<b>Акрамов А. А., Нематжонова О. Б.</b>	
Интерфаол технологиялар орқали бўлажак ўқитувчиларда фуқаролик позициясини шакллантириш .....	97
<b>Begmatova M. N.</b>	
Mustaqil o‘qitishning zamonaviy usulini shakllantirishda masofaviy ta’lim tizimining o‘rnni .....	99
<b>Джумабаева Ф. И., Холмухаммедова З. Т.</b>	
Вопросы моделирования учебного процесса при преподавании начертательной геометрии и инженерной графики .....	102
<b>Джумабоева Ф. И.</b>	
График таълимда мустақил фикрлашни мустаҳкамловчи интерфаол методларнинг тадбиғи.....	105
<b>Ибрагимова Г. Н., Ибрагимова Г. Т.</b>	
Талабаларда креативлик функцияларининг интерфаол таълим шароитида намоён бўлиши.....	107
<b>Конева С. Х.</b>	
Повышение культуры умственного труда посредством информационно-коммуникативных технологий.....	109
<b>Marasulov B., Mirhayitova S.</b>	
Talabalarda mustaqil fikrлашни shakllantirishda treninglarning o‘rnni .....	113
<b>Сидоров С. В.</b>	
Возможности интерактивной анимации в учебном процессе.....	115
<b>Халимов М. К., Ташимов Н. Э., Маликов К. Г.</b>	
Чизмачилик фанини ўқитишида дидактик ўйинлардан фойдаланиш методикаси .....	118

<b>Хужамкулов А. Ш.</b>	
Замонавий таълим технологиялари асосида	
баркамол авлодни тарбиялаш .....	122

**V. USEING THE MUSEUM PEDAGOGY CAPABILITIES  
AS AN IMPORTANT AREA OF EDUCATION  
OF COMPREHENSIVELY DEVELOPED PERSON**

<b>Валеева Н. С.</b>	
Возможности музейной экспозиции в деле просвещения	
и популяризации наук о Земле среди молодёжи .....	125

**VI. AKMEOLOGICAL AND VALEOLOGICAL APPROACHES  
TO THE IMPLEMENTATION OF THE INTELLECTUAL POTENTIAL  
OF THE STUDENTS**

<b>Абдужалилова Ш. А.</b>	
Ёшларнинг valeologik маданияти.....	130
<b>Jo'rayeva G. S.</b>	
Akmeogramma – bo'lajak o'qituvchilarda ijodkorlik qobiliyatini	
shakllantirish vositasi sifatida.....	133

**VII. THE RELATIONSHIP OF HISTORICAL CONSCIOUSNESS  
AND A POSITIVE PROCESS OF SELF-AWARENESS  
OF YOUNG PEOPLE**

<b>Valiyev A. N., Xamidov X. S.</b>	
Ajdodlar me'rosi – milliy g'urur manbai.....	137
<b>Мирсагатова Н. С.</b>	
Ёшларда маънавий-моддий ҳаёт уйғунлиги фазилатларини	
ривожлантириш жараёни .....	140
<b>Ходжаев Б. Х.</b>	
Развитие самостоятельного исторического мышления у школьников	
в современных условиях .....	142

## **VIII. THE CULTURE OF INDEPENDENT THINKING AS A GUARANTEE OF A STRONG SELF-DEFENSE AGAINST THE NEGATIVE IMPACTS OF INFORMATION**

<b>Алтыбеева И. А.</b>	
Культура как аспект формирования личности .....	145
<b>Галушко В. Г.</b>	
Культура мышления и преемственность в мышлении и культуре .....	147
<b>Мокшев Д. П.</b>	
К вопросу о сущности гражданско-правовой культуры.....	152

## **IX. INDIVIDUAL STUDENT PREREQUISITES FOR INDEPENDENT THINKING**

<b>Молчанова И. Ю.</b>	
Формирование самостоятельного мышления старшеклассников в процессе изучения английского языка .....	155
<b>Рахматуллаева Д. Ш., Туракулова Ф. А.</b>	
Фикр – инсоннинг маънавий сифат маҳсули .....	158
<b>Saydaliyev S. S.</b>	
Umumiyl o‘rta ta’lim muassasalarida tasviriyl san’at darslarining sifat va samaradorligini oshirish .....	161
План международных конференций, проводимых вузами России, Азербайджана, Армении, Болгарии, Белоруссии, Казахстана, Узбекистана и Чехии на базе Vědecko vydavatelské centrum «Sociosféra-CZ» в 2015–2016 годах.....	164
Информация о журналах «Социосфера» и «Paradigmata poznání» .....	167
Издательские услуги НИЦ «Социосфера» – Vědecko vydavatelské centrum «Sociosféra-CZ».....	168
Publishing service of the science publishing center «Sociosphere» – Vědecko vydavatelské centrum «Sociosféra-CZ».....	169



# I. THEORETICAL AND METHODOLOGICAL ISSUES OF CREATING A CULTURE OF INDEPENDENT THINKING IN THE EDUCATIONAL PROCESS



## УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Г. Абдуқодиров,  
З. Ж. Самикова,

Н. М. Бойматов

Ўқитувчилар,  
Низомий номидаги  
Тошкент давлат педагогика  
университети, Тошкент, Ўзбекистон  
ўқитувчи,  
Гулистан давлат университети  
Гулистан шаҳри, Сирдарё вилояти,  
Ўзбекистон

**Summary.** Disclosed questions the relationship of continuous education of science production and society. Given the findings on ongoing work on the development of entry requirements to specialists based on conditions in the light of the national program for training and customers. The basic of principles training and education in conditions of social development.  
**Keywords:** continuous education; training; social development.

Хозирги асосий вазифалардан бири мактаб ўқувчилари га хунар ўргатишнинг миллий-анъанавий асосларини ишлаб чиқиш ва уларни ҳаётга татбиқ қилишдир деган сўзнинг асл маъносини изоҳлаб беришимиз хунар-муайян тайёргарлик талаб этиладиган ва тирикчилик манбаи бўлган ижодий меҳнат фаолиятидир.

Узлуксиз таълимда фан ва ишлаб чиқариш давлат ва жамият билан ўзаро боғлиқ. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури бўйича ишлаб чиқариш кадрларга бўлган эҳтиёжни, унинг сифатига талабларни белгиловчи буюртмачидир. Таълим ва тарбия жамият тараққиётини таъминловчи муҳим омилдир. Чунки, таълим тизими жамият тараққиётининг муайян босқичидаги ижтимоий буюртмасини бажаришга йўналтирилган бўлади. Президентимиз И. А. Каримов таълим тарбия соҳасига миллий дидактик нуқтаи назардан ёндашиб, уни қуйидагича таърифлайди: «Таълим Ўзбекистон халқи маънавиятига яратувчилик фаолиятини бахш этади. Ўсиб келаётган авлоднинг барча яхши имкониятлари унда намоён бўлади, касб-кори, маҳорати узлуксиз такомиллашади, катта авлодларнинг доно тажрибаси англаб олинади ва ёш авлодга ўтади».

Таълим мазмунини ташкил этиш илмийлик, фаоллик, тушунарлилик, таълим ва тарбиянинг бирлиги, кўргазмалилик ва мунтазамлилик, узвийлик, изчиллик каби дидактик тамойилларлар асосида амалга

оширилади. Ана шу тамойиллардан бири таълим тизимида узвийлик бўлиб, у касбий-педагогик таълимини ташкил этишда етакчи тамойилларлардан ҳисобланади. Касбий-педагогик таълимда узвийлик тамойиллари ўтилган ўқув материали билан келгусида ўтиладиган ўқув материали ўртасидаги мантиқий боғланишни тақозо этади. Бу тамойилларнинг моҳиятига кўра ўтилган ўқув материали янги ўтилиши керак бўлган ўқув материали учун асос яратади.

Узлуксиз таълим тизимида узвийлашган фан дастурларининг мавжуд бўлиши ва уни ўқув жараёнига жорий қилинганлиги катта аҳамиятга эга. Демак, узлуксиз таълим тизимида методик таъминотни: Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва ўқув дастурларининг аҳамияти, таълим сифатини оширишда, узлуксиз таълимни такомиллаштиришда узвийлашган дастурларнинг яратилиши ва изчиллик билан амалиётга татбиқ этилиши муҳим аҳамият касб этади. Касбий педагогик таълим самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишларидан бири таълим турлари узлуксизлигини такомиллаштириш ва фанлараро узвийликни таъминлашдир. Олий касбий таълим босқичлари ўртасидаги узвийликнинг таъминланиши – таълимнинг кейинги босқичи мазмуни аввалги босқичдаги мазмунни бевосита давом эттирибгина қолмай, балки мазмун жиҳатдан узвий боғланган тарзда, айрим фанларни кенгайтирилган ва чуқурлаштирилган ҳолда такомиллаштириши ва бойитишида ҳамда фанлараро узвийликнинг таъминланиши асосида ноўрин такрорланишларга чек қўйишида ўз ифодасини топади.

Олий касбий-педагогик таълим тизимида меҳнат бозорида ўз ўрнини топадиган юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини кўп жиҳатдан умумкасбий ва маҳсус фанларни юқори даражада ўқитиши белгилайди. Умумкасбий фанлар фундаментал фанлар ҳисобланиб, умумтаълим фанлар негизида ўқитилади ва маҳсус фанлар йўналишидаги билимларни кенгайтиради, чуқурлаштиради ҳамда шу маҳсус фанни ўргатиш учун асос яратади. Маҳсус фанларни ўқитиши амалий билим кучли ва ишлаб чиқаришга боғлиқ билимлар билан боғланган бўлганлиги, ўзлаштирилган назарий-амалий билимлари асосида ишлаб чиқариш муаммоларини ҳал қилишга йўналганлиги сабабли ўзига хосликни намоён этиб, ўқув мақсадларини белгилашда ҳам ўзига хосликни талаб этади.

Талабаларни касб-хунарга йўналтиришда маҳсус фанлар бутунлигича (мазмуни ва билими даражаси бўйича) шу касб хусусиятига мос тушиши, фаолият турлари тўлиқ ёритилиши керак. Умумкасбий ва маҳсус фанлардан таълим мазмунини белгилашни, ўқув жараёнини ташкил этишини ўқитишининг методик тавсия ва талаблари асосида амалга оширилади. Фан дастурларидаги мавзуларнинг мазмуни ва тузилиши ўқув материалларининг мантиқий кетма-кет қўйилишини, ўқитиши методларини, дидактик қўлланмалар характерини белгилайди. Ўқитиши методлари унинг

элементлари ва улар орасидаги боғлиқликларни ўрганишда унга тизимли ёндашиш зарурлигини ҳам эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир.

Олий касбий-педагогик таълим тизимида умумкасбий ва махсус фанларни ўқитишда узвийликни таъминлашга қуидаги тамойилларни қўллаш мақсадга мувофиқдир:

1. Мақсадга йўналтириш тамойиллари;
2. Таълим ва тарбиянинг бирлиги тамойиллари;
3. Ўзаро алоқадорлик тамойиллари;
4. Мукаммаллик тамойиллари;
5. Изчиллик тамойиллари.

Бу тамойилларлар методик тизим компонентларини амалга оширишда юзага келади ва узвийликни тизимли амалга оширишда асосий қурол бўлиб хизмат қиласди. Олий касбий-педагогик таълим тизимида узвийлик тамойиллари аввалги ўтилган ўқув материали билан келгусида ўтиладиган ўқув материали ўртасидаги мантиқий боғланишни тақозо этиб, таълим мақсади, мазмуни, таълим методи ва воситаларини аниқлашда ҳамда талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этишда катта аҳамият касб этади.

Олий касбий-педагогик таълим тизимида умумкасбий ва махсус ўқув фан дастурларини узвийлаштиришни илмий-услубий ва амалий аҳамияти шундан иборатки, жамиятдаги демократик ўзгаришлар, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий-иктисодий ислоҳотлар ва уларнинг натижаларини инобатга олган ҳолда узвийлашган ўқув фан дастурлари яратилади. Таълим тизимида узвийлашган фан дастурларининг қўлланилиши авваламбор ноўрин такрорланишларга барҳам беради, талабаларга бериладиган билим, кўникма ва малакаларни тизимлаштирилиб, уларнинг билимларидағи бўшлиқларни тўлдиришда ҳамда таълим сифати ва самарадорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Узлуксиз таълим тизимида касб таълими ўқитувчиларининг касб эгаллаш ва касбий қобилиятларини такомиллаштириш имкониятларини янада оширишда таълимнинг узлуксизлигини барқарорлаштириш, умумтаълим ва касбий тайёргарлигини доимо янгилаб ҳамда чуқурлаштириб туриш, мазкур таълим жараёнида узвий кетма-кетликка эришиш, уларнинг касбий маҳоратини педагогик ва ахборот технологиялар асосида ошириб бориш кабилар асосий омил бўлади, деб ҳисоблаймиз. Ана шундай муҳим ишларни амалга оширишда олий касбий-педагогик таълим тизимида узлуксизлик ва узвийликни янада такомиллашувига хизмат қилувчи янги услугубий шакл, восита ва тажрибаларни кенгроқ жалб қилиш мақсадга мувофиқдир.

### **Библиографик рўйхат**

1. Каримов И. А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т., 1997.

- Муслимов Н. ва б. Т. Мехнат таълими ўқитиши методикаси : ўқув кўлланма. – Т. : 2009. – 427 б.
- Толипов Ў. К., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг назарий ва амалий асослари. – Т., 2006.

## «ТАЪЛИМ ТАРГИБОТИ» ПЕДАГОГИК МУАММО СИФАТИДА

Ў. Абдуллаева

Ўқитувчи,  
Низомий номидаги,  
Тошкент давлат  
педагогика университети,  
Тошкент, Ўзбекистон

**Summary.** This article reveals the thought of notion «promote of education» and the specifics of its essence, the relevance of this issue.

**Keywords:** promote of education; educational problem.

Ўзбекистон таълим тараққиётининг ҳозирги босқичида ўзига хос муайян миллий тажрибалар тўпланди. Бу тажрибаларда таълим ва тарбия ишларига бутунлай янгича ёндашувлар алоҳида ўрин тутади [1; 5]. Шу маънода мамлакатимизда ўзига хос *таълим тарғиботини* ташкил қилиш мухим вазифалардан бири ҳисобланади.

«Таълим тарғиботи» тушунчаси икки сўз бирикувидан иборат: таълим ва тарғибот. «Таълим» сўзининг ўзаги «илм» бўлиб [4], у «илм», «билим», «ўқитиши» маъноларини англатади. Педагогик атама сифатида «таълим» – маҳсус тайёрланган мутахассислар ёрдамида таълим олувчига билим бериш, унда қўникма ва малакани шакллантириш жараёнини билдиради [5, б. 463].

«Тарғибот» сўзининг эса ўзаги «рағбат» [4], у «рағбат», «даъват», «ишонтириш» маъноларини англатади. Атама сифатида «тарғибот – бу шахсни муайян ғоя, фикр, таълимот ва қарашларга даъват қилиш жараёни»дир [3, б. 16]. «Тарғибот» тушунчасининг муқобили «ташвиқот» у шавқ бериш маъносини билдиради [3, б. 17]. Айни пайтда, «тарғибот» тушунчаси «ташвиқот» тушунчасига нисбатан кенг маънога эгадир. Шу сабабли «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августда қабул қилинган Қарори, Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самародорлигини ошириш тўғрисида» деб номланган [2, б. 17–18].

Эътибор берилса, таълим тарғиботи тушунчаси кенг қамровли маънога эга. Шу маънода биз мазкур тушунчанинг педагогик мазмунини қуидагича таърифлаймиз:

Таълим тарғибот – бу шахсни билим олиш ва тарбиялашига изчил дават қилиб бориш жараёнидир, бу билан шахсада билим қўникмаси ва ахлоқ малакасининг шаклланишига рағбат уйғотилади. Дикқат қилинса,

бизнинг мазкур ёндошувимизга кўра, таълим тарғиботи тушунчаси атама сифатида қабул қилинади ва унинг негизида бир неча компонентлар бўлиб, улар таълим тарғиботи жараёнининг функционал вазифаларини ташкил қиласи. Бу компонентлар қўйидагилардир:

### **1. Шахсни билим олишга даъват қилиш.**

Ҳозирги техник-технологик ривожланиш жараёнида бу масала ниҳоятда долзарб тус олмоқда. Чунки шахс техник ва технологик имкониятларга меъёrsиз даражада ишона бошлади, натижада чукур билим олиш даражаси сусайиб бораётгани сир эмпс. Бу ҳол ахборот ва маълумотлардан ўринли фойдаланиш даражасига салбий таъсир кўрсатиши, маълумотларни таҳлил қила олмаслик ва бир ёқлама (технократик) фикрлашнинг таркиб топишига олиб келиши мумкин. Шу сабабли бизнинг назаримизда, шахсни билим олишига мудом ва изчил дават қилиб бориши муҳим педагогик вазифалардан бирига айланди. Шахсни билим олишга ёки илмли бўлишига дават қилиш ёки танламаслигини таъқидлаб ўтиш жоиз.

Шахс 3–4 ёшдан то умрининг охирига қадар билим олишга дават қилиб бориши керак.

### **2. Шахсни ўқишга даъват қилиш.**

Ўқиш ўз мазмун моҳияти жиҳатидан мақсад, вазифа, тамойил, мезон ва ҳаракатлар билан боғлиқ бўлиб, улар ёрдамида шахс маълум билимларни ўзлаштиради [5, б. 596]. Ўқишнинг негизини ўқиш ташкил қиласи. Шу маънода «ўқиш» деганда муайян билимларни керакли даражада ўзлаштириш ва ўқиб олиш назарда тутилади. Эътибор берилса, ўқиш шахснинг онглилиги билан боғлиқ ҳодисадир. Шу сабабли шахс таълим тарғиботи воситасида мудал ва узвий равишда ўқиб-ўрганишга даъват қилиб борилиши керак.

Кўп ҳолларда педагогик адабиётларда кўпроқ ўқишга даъват қилинади [2, б. 96], бу фойда келтиради, албатта. Айни пайтда, таълим тарғиботида *уқиб ўқииш тамойили* бирламчи ҳисобланади. Бу тамойил айниқса, ҳозирги замон ахборот асрида янада долзарб тус олди. Мазкур ўринда ҳам шахсни ўқишга тарғиб қилиш ёш танламаслигини эслатиб ўтиш керакю

**3. Шахсни тарбияланишга даъват қилиш.** Педагог олимларнинг фикрича, «таълим – инсон шахси маънавий қиёфасини шакллантиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар тизимиdir» [5, б. 449]. Шу жиҳатдан тарбия таълим тарғиботининг муҳим таркибий қисмларидан ҳисобланади.

Шахс мудом ва узвий равишда тарбияланишга даъват қилиб борилиши керак. Айниқса, бунда ўсмирлик ёшидан бошлаб то нафақа ёшига етгунга қадар шахс тарбия олишга ундашиб шарт.

Таълим тарғиботи турли усууллар ва воситалар ёрдамида шахснинг тарбияланиш жараёнига ҳисса қўшади.

**4. Шахсда кўникма ҳосил қилиш.** Бу таълим тарғиботининг муҳим компонетларидан бўлиб, унда шахс ҳаётий кўникма олишга даъват қилинади. Мактабгача ёшдан тортиб олий маълумот олгунга қадар шахс ижти-

моий ҳаётга мослашиши ва унинг талабалари даражасида ижтимоий етуклашишига ундалиши керак. Бунинг учун билимли бўлишига ва онгли ҳаёт кечиришга даъват этилади.

**5. Шахса малака ҳосил қилиш.** Таълим тарғиботи воситасида шахс ахлоқий ва фаолият малакасини эгаллашга чақирилади. Ахлоқий малака яхши фазилатларни ўзлаштириш ва ёмон сифатлардан тийилишга кўнигириш билан, фаолият малакаси эса олган билимининг ва эгаллаган мутахассислигига таяниб ижтимоий фаолият юритишга кўнигириш билан ҳосил қилинади. Бунинг учун ана шу масалаларнинг аҳамиятини таълим тарғиботи шахсга доимий ва изчил равишда тушунтириб боради.

Зоро, бизнинг ёндашувимизга кўра, *таълим тарғиботи* тушунчаси-нинг маъно мазмуни ва унинг ўзига хос хусусиятларини ана шу беш компонент ташкил қиласиди. Бундан ташқари, таълим тарғиботига қуйидаги ху-susиятлар ҳам хос:

- таълим тарғиботи шахсни асосий объект деб билади, айни пайтда у бутун жамиятда кенг миқёсда олиб борилади;
- таълим тарғиботи таълим ва тарбия жараёнининг узвий ва узлуксиз ёрдамчи ҳамда амалий воситасидир;
- таълим тарғиботи мураббийлар, ўқитувчилар, жамиятнинг соғлом кучлари – умуман кенг жамоатчилик томонидан амалга оширилади;
- айни пайтда, таълим тарғиботи профессор-ўқитувчилар томонидан профессионал даражада олиб борилади ва ҳоказо.

Шундай қилиб Ўзбекистон таълим тараққиётининг бугунги риво-жланиш босқичида таълим тарғиботини ҳам илмий-педагогик асосда йўлга қўйиш долзарб вазифалардан бири бўлиб турибди.

### Библиографик рўйхат

1. Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т. : Маънавият, 2008.
2. Бардовская Н. В., Реан А. А. Педагогика. – СПб. : Питер, 2001.
3. Усмонов Н. Ў. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини миллий ғоя тарғиботига тайёрлаш технологиялари. – Т. : Фан ва технология, 2013.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғатии. Беш жилдлик. Учинчи жилд. – Т. : Ўзбекистон нашриёти, 2007.
5. Ҳасанбоев Ж ва бошқалар. Педагогика фанидан изоҳли луғат. – Т. : Fan va texnologiya, 2009.
6. Ҳасанбоев Ж. ва бошқалар. Педагогика – Т. : Noshir, 2010.

# ВАҚТ, УНИНГ ЖАМИЯТ ВА ИНСОН ҲАЁТИДАГИ ЎРНИ

С. Валиева

Профессор,  
Низомий номидаги  
Тошкент давлат  
педагогика университети,  
Тошкент, Ўзбекистон

**Summary.** This article analyzes the relationship “man – time”. Opinions about the place of the time factor in human life and society are comparatively studied. Social meaning of time is investigated, the effects of time on the formation and development of the spiritual aspect of man is analyzed.

**Keywords:** time; social time; relation to time; respect of time.

Мамлакатимизнинг 24 йиллик мустақил тараққиёт йўли, демократик давлат ва фуқаролик жамиятини кўриш вазифаларини амалга оширишда “инсон – вақт” муносабатларида содир бўлаётган ўзгаришларни ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга. Инсон ҳаётининг мазмун – моҳияти унинг вақтга муносабатида намоён бўлади. Нутқимизда қўлланадиган “лаҳза”, “аввал”, “кейин”, “хозир”, “шу пайт”, “ўтмиш”, “эрта”, “кеч” каби тушунчалар вақт ҳодисасини ифодалашга хизмат қиласди.

Фалсафий нуқтаи назардан вақт-олам, ундаги барча нарса-ходиса, жараёнларининг мавжудлик белгиси, давомийлиги, қайтарилмаслиги.

Инсон ва жамият оламнинг таркибий қисми, унинг ҳаёти ва тараққиёти вақт давомийлигига кечади ва “ижтимоий вақт” тушунчасида ўз ифодасини топади. Ижтимоий вақт ижтимоий ҳаёт, ижтимоий жараёнларининг мавжудлик шакли хисобланади. Ижтимоий вақт деганда, биринчидан, жамият барча соҳалари (иқтисодий, ижтимоий – сиёсий, маънавий) да кечадиган ижтимоий жараёнлар, ўзгаришлар назарда тутилади. Жамият ҳаётидаги муайян вақт давомида юз берадиган барча ўзгаришлар инсон, ижтимоий бирликлар фаолияти махсусли хисобланади, ва бу фаолиятнинг мазмуни, кўлами, натижалари ижтимоий вақтда ўз ифодасини топади. Иккинчидан, ижтимоий вақт деганда инсон, унинг ҳаётида кечадиган жараёнлар давомийлиги назарда тутилади. Инсон, унинг рухияти, маънавий дунёсида намоён бўлади.

Хозирги даврнинг ўзига хос жихати жамият ва инсоннинг вақтга муносабатининг тобора ўзгариб, янгича маъно, мазмун касб этаётганидадир. Жамиятнинг вақтга муносабати жамият ҳаётини ташкиллаш, ва бошқаришда ўз ифодасини топади. Мустақилликни қўлга киритган, ўз ижтимоий тараққиёт йўлини танлаб олган юртимиз ҳаётнинг барча жабхаларида изчил равишда олиб борилаётган ислоҳотлар ва уларнинг натижалари жамият тараққиётида “мақон-вақт” омилининг тутган ўрнини тўғри англашни натижаси хисобланади. Айни вақтда жамият мақсад-муддаолари муштарак бўлган инсонлар жамоасидан иборат

ижтимоий тизим. Унда инсон омилининг ўрни муҳим эканлиги, вақтга онгли муносабати билан бевосита боғлиқлигини эътиборга олиш лозим бўлади.

Вақтга муносабат вақтнинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрнини идрок этишда ўз ифодасини топади. Бу этиш қўп жихатдан инсоннинг дунёқарashi, ички дунёси, жамият ва ундаги ўз ўрнини тўғри англаш даражаси ва хусусиятларига боғлиқхолда намоён бўлади. Вақтга муносабат ижтимоий муҳит, инсон маънавиятининг муҳим томонини ташкил этади ва муносабатлар, таълим – тарбия жараёнида шаклланади. Вақтни идрок этиш инсон ҳаётининг турли даврларида ўзига хос тарзда кечади. Вақтни идрок этиш илк болалик давридан бошланади. Ёш психологияси фани маълумотларига кўра ёш болаларда вақтни идрок этиш дастлаб уларда вақт хақида шакллана бошлаган содда тасаввурларда ўз ифодасини топади. Бола онгининг шаклланишида ижтимоий муҳим, катталар таъсири, оила тарбияси муҳит ўрин тутади. Бу дастлаб ёш болада вақт ҳақида содда тушунчалар шаклланади. Ўсмирлик даврида вақт кеча-буғун-эртага оралиғи давомийлик тарзида идрок қилинади ва ёшлиқ (етуклик) даврида йигит-қиз “эрта” орасидаги сабабий боғланишларни англай олади. Бу йигит-қизда вақтга онгли муносабатнинг шаклланганлигидан далолат беради. Вақтга онгли муносабат вақтни қадрлаш деб юритилади. Вақтга қадриятли муносабат, инсонда уни қадрлаш туйғусининг шаклланишига бир қатор омиллар таъсир кўрсатади. Булар: а) инсоннинг ўзини, ўзлигини англаши даражаси; б) инсоннинг ҳаёт ҳақидағи қарашлари, тасаввурлари, орзу-умидлари, интилишлари; в) жамият ҳаёти, маънавияти, мафкураси.

Инсон ва жамият ҳаётидаги воқеа-ҳодисалар, кишилар тафаккуридаги ўзгаришлар муайян вақт оралиғида кечади. Вақтга онгли муносабат, уни қадрлаш, биринчи навбатда, инсоннинг олам ва ўзини англаши натижаси хисобланади, бу инсоннинг маънавиятида ўз ифодасини топади. Ўзлигини билган инсон яшашдан мақсади нима эканлигини тўғри англайди, унга эришиш йўлларини қидиради, ҳаётни қадрлашни ўрганади. Ва, нихоят, вақт қадрини англаш жамият маънавийятига унинг мафкуравий негизларига таянади. Шу нуқтаи – назардан қараганда вақтни “иш вақти” ва “ишдан ташқари вақт”, “зарурий” ва “бўш вақт”га бўлиш унинг моҳиятини тўғри англаш имкониятини бермайди. Вақт инсон ва жамиятнинг турмуш тарзи, фаолият турлари кечадиган муайян ўлчов, меъёр.“Вақтни қадрлаш” инсон ва жамият ҳаётида кечайтган ўзгаришларни ҳис қилиш, англаш асосида юзага келади ва инсон фаолиятида ўз ифодасини топади. Жамиятда кечайтган жараёнларни ҳис қилиб яшаш “замондан (вақтдан) орқада қолмаслик” инсон-маънавий оламнинг бойишига олиб келади ва, аксинча, вақтни ҳис этмаслик, қадрламаслик инсон ва, жамият ҳаётида салбий таъсир кўрсатади.

Вақт қадрини англаш туйғуси маънавиятлилик мезони ва у инсон дунёқарashiда акс этади. Ўз ҳаётини Ватан, халқ тақдири, унинг келажаги

билин уйғун ҳолда кўра оладиган маънавий баркамол, фаол инсонлар туфайли Ватан равнақи, юрт тинчлиги тамилланади.

### Библиографик рўйхат

1. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т. : Маънавият, 2008.
2. Тангриев А., Жуманиёзов К., Бекмуродов М., Насриддинов А. Кучли фуқаролик жамияти ва ёшлар тарбияси. – Т. : Ғафур Ўулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2012.
3. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: назария ва амалиёт. – Т. : Янги аср авлоди, 2006.

## INTERNET VOSITASIDA TALABALAR MUSTAQIL ISHLARINI TASHKIL ETISHNING PEDAGOGIK SHART-SHAROITLARI

A. S. Kaldibekova,  
F. Ch. Norboyev

*Pedagogika fanlari nomzodi, professor,  
magistrant,  
Nizomiy nomidagi Toshkent davlat  
pedagogika universiteti,  
Toshkent, O'zbekiston*

**Summary.** There was considered the requests of using of Internet and modern info-communication technologies on organizing student's independent works in this article. There was analyzed pedagogic conditions of organizing student's independent work by Internet. The authors research the efficiency of using of info – communication technologies in this process.

**Keywords:** pedagogical conditions; modern info-communication technologies; student's independent work.

Zamonaviy jamiyatda yangi g'oyalarni qidirish va yaratishga tayyor, innovatsion faoliyatga qodir bo'lgan, kasbiy jihatdan yetuk, ijodkor mutaxassislarga talab oshib bormoqda.

Mustaqil ishlar talabalarni o'qitish hamda tarbiyalashning muhim elementi hisoblanadi. Bu holda o'qituvchi bilimlar translyatoridan ta'lif oluvchilar bilish faoliyatini tashkillahituvchi va yo'naltiruvchi ta'limiylar jarayon menejeriga aylanadi. Mustaqil ishlar samaradorligi ko'p jihatdan ularni oqilona tashkil eta olish bilan bog'liq bo'ladi. Bugungi kunga kelib zamonaviy axborot – kommunikatsiya texnologiyalari va Internetning yuksak darajada taraqqiy etishi, ushbu texnologiyalar talabalar bo'sh vaqtining asosiy qismi sarflanuvchi o'ziga xos muhit yaratayotganligi, talabalar mustaqil ishlari bajarilish jarayonida nazorat zaifligi va bu jarayonda Internetning "ko'makchi" roli talabalar mustaqil ishlarini tashkil etishda Internetdan oqilona foydalanish imkoniyatlarini o'rganishni taqozo qilmoqda.

Talabalar mustaqil ishlarini tashkil etish jarayoniga zamonaviy axborot – kommunikatsiya texnologiyalari va Internetni jalb etish, ular imkoniyatlaridan

foydalanish mavzusi bugungi kunda tadqiqotchilar orasida keng muhokama etilayotgan mavzulardan hisoblanadi. Bu boradagi tadqiqotlarning asosiy qismi chet tillarni o'qitish jarayoni va masofaviy ta'limga oiddir.

Axborot texnologiyalari asosida tashkil etilgan mustaqil ishlar, o'quv bilish faoliyatini faollashtiradi, talim olganlik darajasini oshiradi, bilish faoliyati xarakteriga ijobiy ta'sir ko'rsatadi, o'qishning oqilonasi usullarini shakllantiradi, hissiy va psixologik qulaylik yaratadi, motivatsiyani oshiradi, bilish qiziqishini paydo qiladi, qayta aloqani ta'minlaydi; o'quv harakatlari ustidan nazoratni amalga oshiradi, aniq dastur algoritmi yordamida muammoli vaziyatlar yaratish imkonini beradi, bilishga oid va kasbiy vazifalarni hal etadi, mustaqillikni shakllantiradi [2, b. 20].

Internet vositasida talabalar mustaqil ishlarini tashkil etish texnologiyasini amalga oshirishning muhim shartlaridan biri ushbu texnologiya amalda qo'llanilishi uchun zarur bo'lgan pedagogik shart – sharoitlar mavjudligi hisoblanadi. Pedagogik shart - sharoit sifatida begilangan sifatlarga ega shaxsni shakllantirish imkonini beruvchi zamonaviy axborot texnologiyalari qo'llaniluvchi maqsadga yo'naltirilgan ta'limi jarayonni yaratish uchun zarur bo'lgan o'zaro aloqador shartlar jamlanmasi tushuniladi [1, b. 43].

G. D. Buxarova va S. A. Starixov bunday shart – sharoitlar sifatida quyidagilarni keltirib o'tishadi:

- Bo'lg'usi pedagoglarning mustaqil ta'lim olish, tadqiqotchilik ishi uchun axborot – kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanishga operatsional tayyorligi;
- Aspirant va tadqiqotchilarining mustaqil ta'lim olish uchun axborotlashtirish vositalarini qo'llashga motivatsion tayyorligi;
- Mustaqil ta'lim olish va pedagogik tadqiqotlar uchun axborot – kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanishga refleksiv tayyorlik;
- Oliy ta'lim bitiruvchilarining kompyuterlashgan muhitda ishlashga tayyorligi;
- Bo'lajak pedagoglarning kompyuterlashtirish va axborotlashtirish sohasidagi mahorat darajasini oshirish uchun sharoitlar yaratish;
- Ta'limni axborotlashtirish jarayonini ushbu muammo bo'yicha ilmiy, o'quv va metodik adabiyotlar bilan ta'minlash [1, b. 43].

O. D. Gnedaya o'quv predmetlari bo'yicha mustaqil ishlarni muvaffaqiyatli bajarishning quyidagi shart – sharoitlarini sanab o'tadi:

- o'quv topshiriqlarini asoslash;
- maqsad, vazifalarni aniq qo'yish;
- topshiriqni bajarish algoritmini aniqlashtirish;
- guruhiy va individual maslahatlar tashkil etish;
- hisobot shakli, natijalarni namoyish etish muddati va ish hajmini belgilash;
- topshiriqlarni individuallashtirish [2].

E. V. Zaxarova chet tilini o'rganishda talabalar mustaqil ishlarini tashkil etishga erishish uchun quyidagi pedagogik shart – sharoitlar amalga oshirilishi zarur deya hisoblaydi:

- mustaqil ishlarning boshqariluvchi xarakteri,
- mustaqil ishlarning topshiriluvchi xarakteri,
- o'quv faoliyati tuzilmasida mustaqil ishlar dasturlari adekvatligi,
- mustaqil ishlar predmeti ham o'quv faniga oid, ham umumo'quv bilim va ko'nikmalar bo'lishi zarur,
- mustaqil ishlar uchun topshiriqlarning individuallashtirilishi va tabaqlashtirilishi,
- mustaqil ishlar jarayonida turli xil faoliyat turlarining o'zaro aloqadorligi [3, b. 20].

Biz Internet vositasida talabalar mustaqil ishlarini tashkil etish texnologiyasi samarali amalga oshishi uchun quyidagi pedagogik shart – sharoitlar mavjud bo'lishi shart deya hisoblaymiz:

- Talabalarda Internetda ishlay olish kompetensiyalari shakllanganligi;
- Ularda axborot iste'moli madaniyati shakllanganligi;
- Ta'lim muassasasi Internetdan foydalanish uchun vosita va zahiralar bilan ta'minlanganligi;
- Internet tarmog'ida o'quv fani bo'yicha ilmiy, o'quv va metodik adabiyotlar yetarliligi.

Shunday qilib, talabalar mustaqil ishlarini tashkil etishda Internet va zamonaviy axborot – kommunikatsiya vositalaridan foydalanish mustaqil ishlar samaradorligini oshiradi. Mustaqil ishlarni tashkil etish metodlari va shakllari, ushbu jarayon amalga oshishining pedagogik shartlariga jiddiy e'tibor qaratish bilan bir qatorda mustaqil ishlarni bajarishda talabalarning mustaqilligiga jiddiy e'tibor qaratish talab etiladi. Chunki mustaqil ishlarning samaradorlik sharti va ijro maqsadi ham aynan talabada mustaqillik shakllanishi va takomillashishi hisoblanadi.

### **Bibliografik ro'yxat**

1. Бухарова Г. Д., Старикин С. А. Педагогические условия использования ИКТ // Новые информационные технологии в образование: сборник материалов. – Е. : РГППУ, 2014. – С. 42–44.
2. Гнедая О. Д. Организация самостоятельной работы студентов и формы ее контроля // электронный материал. – <http://nsportal.ru/vuz/pedagogicheskie-nauki/library/2011/09/17/>
3. Захарова Е. В. Организация самостоятельной работы студентов с использованием информационно-коммуникационных технологий (на примере иностранного языка) // автореф. дисс. ... канд. пед. наук. – Ярославль, 2008. – С. 20.

# ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ИНТЕГРАЦИЯЛАШГАН МУХИТ

Н. А. Каюмова,

*Педагогика фанлари номзоди,  
Тошкент ахборот технологиялари  
университети, Қарши филиали  
ассистент,  
Қарши мұҳандислик-иктисодиёт  
институти,  
Қарши шаҳри, Қашқадарё вилояты,  
Ўзбекистон*

Б. М. Суропов

**Summary.** This article shows integrative educational environment and its main problems.  
**Keywords:** educational environment; problems.

Ривожланган мамлакатларнинг таълим-тарбия соҳасида олиб бораётган амалий фаолиятлари шахснинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётдаги ҳамда жамиятни ахборотлаштириш шароитида компетент ривожлантирилишига эътибор қаратилган.


В. И. Слободчиков ғоясига кўра қаерда таълим муҳити мавжуд бўлса, унинг мазмун-моҳияти, алоқалари ва воситалари мавжуд бўлади.

Муҳит ўзининг чегараси ва таркибига эга бўлиб, В. И. Слободчиков фикрига кўра “муҳит асосини нималар ташкил этади?”, “унинг қандай алоқалари мавжуд?”, “муҳитнинг воситаси нима ва нималари билан ажralиб туради?” каби саволларга жавоб бериши керак [1].

Таълим муҳити қандайдир илгаридан белгилаб берилган, қандайдир бир маъноли нарса эмас. Таълим берувчи ва таълим олувчиларнинг учрашуви қаерда бошланса, ўша ердан таълим муҳити бошланади, қайсики улар биргалиқдаги фаолиятнинг манбаи сифатида алоҳида институтларда, таълим дастурлари, таълим субъектлари орасида таълим жараёни ташкил этилиб муҳит лойиҳаланади ва қурилади. Бундан муҳит таълимни ташкил этиш жараёнида субъект (ўқитувчи ва ўқувчи)ларнинг биргалиқдаги фаолиятининг фазоси сифатида изоҳланади.

Замонавий таълим-тарбиянинг асосий мақсади, аввало инсонни асосий бойлик деб қараш, қадрлаш, гуманистик тарбиялаш, шахсий сифатларни шакллантиришга йўналтиришга эътибор қаратишдир. Бундай ёндашувда таълимни бирдан-бир мақсади уни шакли, методи, технологиясини ўзгартириш эмас, балки, талабаларнинг шахсий ўз-ўзини шакллантиришлари учун юқори даражадаги қулай шарт-шароит билан таъминлаш лозимлигидир.

Бундай шарт-шароитларга биз таълимни инновацион педагогик ва ахборот коммуникация технологияларининг интеграциялашган муҳит билан таъминланиш жараёнини тушунамиз. Интеграциялашган муҳитни қўйидагича тасаввур этишимиз мумкин (1-расм).



*1-расм. Таълимнинг интеграциялашган мухити*

Интеграциялашган мухитни ташкил этувчи элементлардан бири **инновацион педагогик технологиилар** бўлиб бунга жуда кўплаб олимлар ўз таърифларини берганлар. Инновация-бу педагогик ҳақиқатнинг мумкин бўлган ўзгаришларнинг шундай мазмуники, у таълим ва тарбиянинг аввалдан маълум бўлмаган, аввалдан учрамаган ҳолат, натижа, ривожланадиган назарияси ва амалиётига олиб келади. Бу ҳолат педагогикада тўлиғинча, шунингдек унинг алоҳида ташкил этувчиларига хам тегишли бўлиши мумкин [2].

Таълим тизимида педагогик инновацион жараёнларни биз педагогик янгилик(фоя)ни яратиш, идрок этиш, ўзлаштириш, қўллаш ва баҳоланиши лозим бўлган бошқарилувчи жараён сифатида кўришимиз мумкин

**Ахборот коммуникация технологиилари** (АКТ). Ахборот коммуникация технологияси – ахборотни тўплаш, саклаш, излаш, унга ишлов бериш ва уни тарқатиш учун фойдаланиладиган жами услублар, қурилмалар, усуллар ва жараёнлар йиғиндисидир.

Ахборот коммуникация технологиилари лойиҳалаштирилаётган технологик таъминотининг мажбурий элементлари сифатида қуидагилар киради: ахборот, лингвистик, техник, дастурий, математик, ташкилий, ҳуқуқий ва эргономик таъминотларга.

Бугунги кунда таълим соҳасида қўлланилаётган ахборот коммуникация технологиилари иккита: техник ва дидактик мухитдан ташкил топади.

Ахборот коммуникация технологииларининг **техник мухити** ўз ичига асосий ва қўшимча қурилмалари мавжуд компьютер синфлари,

интернет ва тармоққа уланган компьютерлар, интерактив доска ва мультимедиали иловалар, WIFI алоқаси мавжуд бўлган электрон ўқув заллари ва ҳоказоларни олади

Ахборот коммуникация технологияларининг **дидактик муҳити** эса, бошқариш имкониятига эга бўлган ўқув-методик қўлланмалар, назорат қилувчи электрон таълим ресурслари, электрон ўқув-методик мажмуа ва методик кўрсатмалар, электрон ўқув модуллари (Moodle каби)лардан иборат бўлади.

**Педагнинг тайёргарлик муҳити** – бу ўқитувчи ва ўқувчи, педагог ва талабаларнинг ахборот-коммуникация технологияларидан, шу жумладан, шахсий компьютер, унинг асосий ва қўшимча қурилмаларига, компьютер тармоқлари, уларнинг ишлашини таъминловчи дастурий таъминотидан, бошқарилиш имкониятига эга бўлган дидактик воситалардан, ўқув-методик қўлланмалари, уларни талаблар даражасида яратиш ва фойдаланиш имконияти, уқуви мавжуд бўлган муҳитдир.

Замонавий таълим-тарбияни олиб бориш таълим жараёнида интеграциялашган муҳитни ташкил этиш ва ундан самарали фойдаланиш лозимлигини талаб этади.

### **Библиографик рўйхат**

1. Слободчиков В. И. Образовательная среда: реализация целей образования в пространстве культуры // Новые ценности образования: культурные модели школ. Вып. 7. Инноватор-Bennet college. – М., 1997. – С. 177–184.
2. Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълим ва тарбияда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш услубиёти. – Тошкент : Тафаккур, 2014. – 366 б.

# **РАЗВИТИЕ САМОСТОЯТЕЛЬНОГО МЫШЛЕНИЯ УЧАЩИХСЯ НА УРОКАХ МАТЕМАТИКИ С ПОМОЩЬЮ ПРОГРАММЫ «ЖИВАЯ ГЕОМЕТРИЯ»**

**М. Ю. Солощенко,  
И. Ю. Малышева**

*Кандидат педагогических наук, доцент,  
студентка,  
Башкирский государственный  
университет, Стерлитамакский филиал,  
Республика Башкортостан, Россия*

---

**Summary.** Article is devoted to use of information technologies in educational process, for the purpose of increase of level of independent thinking. Possibilities of formation at pupils of culture of independent thinking by means of a mathematics subject are considered, the corresponding examples are given.

**Keywords:** culture of independent thinking; the program “Live geometry”.

---

На сегодняшний день перед общеобразовательной школой стоит одна из главнейших задач не просто дать обучающимся знаниями, а способствовать формированию высокого уровня культуры самостоятельного мышления учащихся и активно включить их в исследовательскую, творческую деятельность, тем самым прививать умения, позволяющие учащимся самостоятельно добывать информацию.

Установлено, что развитие мышления человека неотделимо от развития его языка. Поэтому важнейшая задача в развитии мышления учащихся на уроках математики обучение их умению словесно описывать способы решения задач, называть основные элементы задачи, рассказывать о приемах работы, изображать и читать ее графические изображения [1; 2].

В связи с этим актуальным становится внедрение в учебный процесс технических средств обучения, которые способствуют формированию в значительной мере культуры самостоятельного мышления учащегося при обучении математики, использование таких средств как: интерактивные доски, научные диафильмы и видеоролики, мультимедийные презентации, а так же различных программных сред [3].

Для активизации учебного процесса, повышения интереса к математике, наглядности на уроке целесообразно использовать компьютерную программу «Живая геометрия». Программа помогает сделать процесс обучения наглядным и интересным, развивать их абстрактное, логическое и самостоятельное мышление, а так же творческую компетенцию учащихся.

Не менее важно создавать хотя бы элементарные проблемные ситуации, когда ученику приходится самостоятельно искать ответ на вопрос, так как самостоятельная работа мысли начинается тогда, когда перед человеком возникает проблемная ситуация. При этом более общая проблема расчленяется на ряд частных. Поэтому учителя должны организовывать уроки

так, чтобы перед учащимися чаще возникали проблемные ситуации, тем самым способствуя попыткам самостоятельного решения [4].

Используя программу «Живая геометрия», рассмотрим 3 треугольника (рис. 1). Один из треугольников – произвольный, то есть треугольник, который не обладает специальными свойствами, другой треугольник равнобедренный и третий равносторонний.




Рис. 1. Треугольники

Однако понятно, что последние два рассматриваемых треугольника, обладают некоторыми особенностями и свойствами. И более детально проанализировать их свойства и различия поможет нам данная программа. Начнем с рассмотрения желтого треугольника, подвигав каждую из его вершин, учащиеся могут сделать самостоятельный вывод, что его вершины можно перемещать, не зависимо друг от друга, то есть он является произвольным. Синий треугольник сконструирован так, что при перемещении вершин он остается равнобедренным, а зеленый треугольник является равносторонним, так как все его вершины зависят друг от друга.

Известно, что активная, самостоятельная работа мысли начинается только тогда, когда перед человеком возникает проблемная ситуация, вопрос. Поэтому учителя должны стараться так организовать занятия, чтобы перед учащимися чаще возникали проблемы, тем самым побуждая их к попыткам самостоятельно решать эти проблемы [4].

В программе «Живая геометрия» учащиеся самостоятельно могут открывать свойства геометрических фигур. Рассмотрим, к примеру, параллелограмм (рис. 2), при помощи команд меню «измерения» выделив две его противолежащие стороны, учащиеся могут экспериментально подтвердить, что при изменении вершин параллелограмма значения длин параллельных прямых будут меняться, но оставаться равными. Аналогично, учащиеся могут убедиться в равенстве углов параллелограмма.




Рис. 2. Параллелограмм




Рис. 3. Парабола

В рассматриваемой программе легко строить графики функций. Построим, например, график функции  $y = a \cdot x^2$ . Изменяя значения параметра учащиеся наглядно увидят изменения графика, а так же сделают самостоятельно выводы как изменяется график при изменении параметра (рис. 3). Так же можно рассмотреть график функции  $y = a \cdot x^2 + b \cdot x + c$ , где график зависит уже от трех параметров.

Заинтересовать учащихся и формировать культуру их мышления, привести к открытию математических фактов возможно только при условии использования различных педагогических и информационных технологий. Таким образом, можно сказать, что внутренняя мотивация учащихся к изучению предмета математики повысится вследствие применения учителями различных информационных технологий, в том числе и деятельностиных, что способствует формированию математической культуры мышления учащихся и развитию исследовательских и познавательных компетентностей обучающихся.

#### Библиографический список

1. Демидова Т. Е. Тонких А. П. Теория и практика решения текстовых задач. – М. : Издательский центр «Академия», 2008. – 467 с.
2. Болдов С. С., Солощенко М. Ю. Использование учебно-методического комплекта “Живая математика” в процессе обучения геометрии : сборник научных статей международной конференции «Ломоносовские чтения на Алтае: фундаментальные проблемы науки и образования», Барнаул, 20–24 октября, 2015. – Барнаул: Изд-во Алт. ун-та, 2015. – С. 1758–1762.
3. Малышева И., Солощенко М. Ю. Использование возможностей программы «Живая геометрия» в обучении школьников // Наука и образование: тенденции и перспективы: материалы II Международной научно-практической конференции (Уфа, 29–30 июня 2015 г.). – Уфа : РИО ИЦИПТ, 2015. – С. 20–25.
4. Шиянов Е. Н., Котова И. Б. Развитие личности в обучении : учеб. пособие для студентов педагогических вузов. – М. : Издательский центр «Академия», 1999. – 288 с.

# ТАЪЛИМ-ТАРБИЯДА ТАЪЛИМИЙ ҚАДРИЯТЛАР

Ш. Қ. Мардонов,

Профессор,  
Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон  
миллий университети,  
Тошкент, Ўзбекистон  
катта ўқитувчи,  
Қарши мұхандислик иқтисодиёт  
институты,  
Қарши шаҳри,  
Қашқадарё вилояти, Ўзбекистон

Р. Эргашев

**Summary.** This article devoted to training the individual teachers and students based on the values of education.

**Keywords:** values; the value of education; independent thinking; harmonios personality; qualified specialist.

Узлуксизтаълим тизимининг самарали фаолият қўрсата олиши, энг аввало, малакали педагог кадрлар томонидан йўлга қўйилаётган фаолият мазмунига боғлиқдир. Шу боис, жамиятда амалга оширилаётган таълимий ислоҳотлар «кадрлар тайёрлаш тизими ва мазмунини мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти истиқболларидан, жамият эҳтиёжларидан, фан, маданият, техника ва технологиянинг замонавий ютуқларидан келиб чиқсан ҳолда қайта қуриш» [1, с. 39] ниназарда тутади. Жамиятда кечаётган ижтимоий-иктисодий ва маданий ўзгаришлар эволюцион тарзда таълим тизимининг янги мазмун касб этишини таъминлайди, илғор ғояларни ўзида намоён этувчи таълимий қадриятлар шаклланади.

Ижтимоий қадриятлар, шу жумладан, таълимий қадриятлар ҳам шахсни шакллантиришга хизмат қилиши, унинг қадр-қимматини ошириши, педагоглар томонидан шахс омилиниң таълим-тарбия жараёнларининг етакчи субъекти ва обьекти сифатида тан олинишини таъминлаши, унда эркин ва мустақил фикрлаш, шунингдек, ижтимоий фаоллик кўникмаларини шакллантиришга ёрдам бериши мақсадга мувофиқдир. Бинобарин, баркамол шахс ва малакали мутахассисни тарбиялаб вояга етказишга бўлган эҳтиёж ривожланаётган ҳамда янгича ижтимоий муносабатлар қарор топаётган мавжуд шароитда янада долзарб маъно ва моҳият касб этади.

Мустақил ривожланиш, ўз-ўзини тарбиялаш, шахсий имкониятларни эркин рўёбга чиқаришга бўлган ижтимоий талабнинг қондирилиши, унинг қизиқиши, эҳтиёж ва ҳаётий мақсадларини инобатга олган ҳолда таълим-тарбия жараёнини табақалаштириш ва индивидуаллаштиришга эришиш асосида кечади. Шу боис таълим жараёнининг мазмуни, шакли, метод ва

воситаларининг таълимий қадриятлар ғояларига мос келиши мақсадга мувофиқдир.

Янгиланган жамият маънавий, интеллектуал қадриятлари, халқнинг бой анъаналари, умуминсоний ҳамда миллий қадриятлар, фан, техника, технологиялар ютуқларига таянган ҳолда, шунингдек, маънавий-ахлоқий анъаналарини қайта тиклаш ва ривожлантириш асосида ривожланади.

Қадриятлар ва улардан ижтимоий ҳамда педагогик муносабатларни ташкил этиш жараёнида фойдаланиш борасидаги вазифалар – таълим мазмуни, унинг жараёни ва «педагог-талаба» тизимидағи ўзаро муносабатларни ташкил этиш асосида қурилиши лозим.

Бу мураккаб ва кўп қиррали ижтимоийлашиш жараёни – бугунги кунда муҳим ижодий йўналганлик, ижтимоий-педагогик қадрият сифатида алоҳида эътиборни талаб қиласи. Таълимдаги янги қадриятлар шахснинг «таълим ва мутахассислик йўналишларини» танлаб ва педагогик фаолиятида ижодий имкониятларини фаоллаштирувчи, «Мен»-концепцияси негизида ўзини қадрлаш муносабатида бўлиши билан ўқувтарбиявий жараёнда ҳар томонлама ривожланган шахсни шакллантиришга қаратилган инновацион ўқитишни талаб этади: ўқувчиларнинг хусусиятлари ва қобилиятларини, уларнинг ички имкониятларини очиб беришга қаратилганлик; миллий ва умуминсоний қадриятларни педагоглар онгига сингдириш; шахс, жамият ва атроф-муҳитнинг муносабатларини уйғунлаштириш; муносабатларда қадриятлар, анъаналар асосида ўқитувчи ва ўқувчининг бир-бирини ҳурмат қилиши; ўқувчиларда эстетик бой дунёқарашни, юқори маънавийликни, маданиятилик ва ижодий тафаккурни шакллантириш; унинг тарих, халқ одатлари ва анъаналари билан Ўзбекистон халқлари маданиятини сақлаш ва бойитиш, таълимни миллий ривожланишнинг муҳим воситаси деб тан олиш, бошқа халқлар тарихи ва маданиятини ҳурмат қилиш билан узвийлигидан иборатдир; ижодий тафаккур, башорат қила олиш, муқобил фикрлашга имкон берувчи шакл, метод ва воситалардан фойдаланиб, ижтимоий аҳамиятли қарорлар қабул қилишга ўргатиш.

Бўлажак ўқитувчиларни, энг аввало, педагогика олий ўқув юртларида керакли даражада тайёрлашнинг педагогик, ижодкорлик муаммоларини ечиш учун методологик, назарий ва амалий асосларини аниқлаш зарурбўлади.

Таълимий қадриятлар ва уларнинг моҳиятини ўрганиш масаласи Ўзбекистонда Ш. Э.Курбонов, Э. Сейтхалиловларнинг ишларида ўз аксини топган бўлса, таълим-тарбия тизимиға инновацион, технологик ва ижодий ёндашув масалалари Л. В. Голиш, Г. Д. Баубекова, Г. Т. Халилова, У. Н. Нишоналиев, Р. К. Чориев, И. Турсуновлар томонидан олиб борилган тадқиқотларнинг обьекти сифатида эътироф этилган.

Янги ижтимоий-иктисодий шароитда таълим сифатни мавжуд талаблар даражасида таъминлаш йўлида амалий фаолият олиб борилди

ҳамда бу борада муайян ютуқларга эришилди. Чунончи, баркамол шахс ва малакали мутахассисни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш жараёнининг илмий асослари яратилди, янги мазмун ва йўналишда фаолият юритувчи узлуксиз таълим тизими шакллантирилди. Бу борада қуйидаги ишлар амалга оширилди: ўқитувчиларни тайёрлаш касбий даражасига қўйиладиган талабларни тартибга солувчи Давлат таълим стандартлари ҳамда таълим ва ўқитувчилар билимлари сифатини назорат қилувчи кўрсаткичлар, назорат тизими ишлаб чиқилди ва амалиётга татбиқ этилди; олий ўқув юртларини янги ўқув, ўқув-методик адабиётлар билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш мақсадида янги ўқув дастурлари, дарсликлар яратилди, айрим дарслик ва дастурлар қайта кўриб чиқилди; барча гуманитар фанлар мазмунида илгари сурилган ғояларни синтез қилиш асосида педагогик таълим мазмуни янгиланмоқда; таълим жараёнининг ички мантиқи ва қонуниятларини ўқувчиларнинг билиб олишлари ва англаб етишларига қаратилган психологик-педагогик шарт-шароит яратилмоқда; педагогика ўқув юртлари (олий, ўрта маҳсус, малака ошириш тизими) мавжуд талабларга мувофиқ малакали ўқитувчилар билан таъминланмоқда.

Бўлажак ўқитувчи кадрларни тайёрлаш мавжуд камчиликларни бартараф этиш йўлида, назаримизда, қуйидагиларнинг амалга оширилиши мақсадга мувофиқ: бўлажак педагог кадрларни тайёрлашга нисбатан ижтимоий ва педагогик талабларни кучайтириш; таълимий қадриятлар асосида педагог кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш; таълим тизимида илғор педагогик ва ахборот технологияларни жорий этиш; таълим жараёнида шахсни тарбиялаш ва ривожлантириш тамойилининг устуворлигини таъминлаш; ижтимоий ва табиий фанлар мазмунида миллий ва умуминсоний хусусиятга эга бўлган таълимий қадриятларнинг ўз аксини топишига эришиш; таълимнинг шахсни ҳар томонлама шаклланишига йўналганлигини таъминлаш, мазкур жараённинг инсонпарварлик ва демократик ғоялар билан бойитилишига эришиш.

Айни вақтда узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида фаолият олиб борувчи таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш, унинг мазмунига энг илғор инновацион педагогик ғояларни татбиқ этиш борасида белгиланган чора-тадбирларининг амалий тасдигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

### **Библиографик рўйхат**

1. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури//Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т. : Шарқ, 1997. – Б. 31–64.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т. : Ўзбекистон, 1999. – 47 б.
3. Юсупов Э. Қадриятлар ва уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни. – Т. : Университет, 1996. – 96 б.

# ЁШЛАРДА МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШНИ ШАКЛАНТИРИШ – БУГУНГИ КУН ПЕДАГОГИКАСИНинг ЭНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАСИ СИФАТИДА

III. М. Мелибаева

Ўқитувчи,  
Қўқон давлат педагогика институти,  
Қўқон шаҳри, Фарғона вилояти,  
Ўзбекистон

**Summary.** The article is devoted to development of independent thinking in young people. The interactive methods through which is formed a creative, independent thinking are offered.

**Keywords:** independent thinking; teaching science; education; upbringing; history of pedagogy.

Бугунги кунда бутун дунё таълим тизимида боланинг мустақил фаолиятини ташкил этишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Чунки, айнан мустақил фаолият таълим олувчиларда мустақил фикр, ижодкорлик, амалий малака ва кўнималарни шакллантиришга асос бўлиб хизмат қиласиди.

Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов таълим-тарбия ҳақида гапирад экан, ҳар бир фуқаро ўз ҳақ-хуқуқини танийдиган бўлиши, бунинг учун курашиши; ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билдира олиши лозимлигини уқтиради.

Тарихдан маълумки буюк файласуф, педагог ва психологларнинг педагогик қарашларида, айнан “*кишига балиқ бер ва уни бир кунлик очликдан асра; кишига балиқ овлашни ўргат ва уни бутун умрга очликдан асра*” деган Конфуцийнинг фикрлари бош ғоя бўлиб келган, яъни барча мутафаккирлар болани мустақилликка ўргатиш тарафдори бўлишган.

Мишель Монтењ (1533–1592) кўпроқ ўқувчилар гапириши, ўқитувчи эса кўпроқ эшитиши лозим, бола атроф муҳитдаги ҳодисаларга эътиборли бўлиши, ҳар қандай ахборотга кўр-кўрона эргашиши эмас, аксинча уни синаб кўриб, ўз муносабатини билдира олиши муҳимлигини уқтирган.

Рене Декарт (1596–1650) ўқувчиларни *максимал даражада мустақил фикрлашига ўргатишга* чакирган.

Ян Амос Коменский (1592–1670) “Буюк дидактика” асарида болани ўқитиши дегани унинг миясига ҳар хил муаллифларнинг сўзлари, фикрлари, қарашлари, ўғитларидан иборат маълумотларни мажбурий киритиши эмас, балки болада барча нарса ва ҳодисаларни англаш қобилиятини шакллантириш эканлигини уқтиради. Шу боис, олим оламга бошқаларнинг “кўзи” билан қарашга ўргатувчи, бошқалар ақли билан яшашига ўргатувчи тизимларни танқид остига олади.

Жан Жак Руссо (1712–1778) болаларда ўзига хос англаш, кўриш, ҳис қилиш усули мавжудлиги ҳақида сўзлайди. Олим “агар ўқитувчи боланинг сайи ҳаракатларига сўзсиз бошқарувчилик қилаётган бўлса, боланинг боши унга керак бўлмай қолади”, – дейди. Олимнинг фикрича, таълимнинг мақсади билимларни кўр-кўронга бериш эмас, зарур бўлганда билимларни топишга ўргатишидир.

19 асрнинг бошларида америкалик файласуф психолог ва педагог Джон Дьюи дарсда ўқитувчи эмас, ўқувчи фаол бўлмоғи лозим, дейди. У китобдаги маълумотларни қуруқ ёдлаш ҳеч нарсага олиб келмаслигини, аксинча ўқувчини ўқишидан совутиб, тафаккурини занглатади, дейди.

Ҳар бир муаллим ўзининг асосий вазифаси тарбияланувчиларини ақлий меҳнатга ўргатишдан иборатлигини ва бу вазифа дарс ўқитишдан ҳам муҳимроқ эканлигини унутмаслиги лозим, деб уқтирган К. Ушинский.

Буюк олим, мутафаккир Улуғбек болаларнинг билим олишини истамасликлари мударриснинг нодонлигидандир, чунки бундай тарбиячилар таълим усулларини нотўри қўллаш билан болаларнинг билимга қизиқишиларини сўндирадилар, деб мударрис авваламбор ўзини тарбиялаши, билим ва кўникмаларни эгаллаши, бирорни ўргатиш учун ўзида етарлича билим бўлиши кераклиги, ва албатта, болалар билан муомала-муносабат масалаларига эътибор қаратишни таъкидлайди.

Психологларнинг тадқиқот натижаларига кўра, одамлар эшитганларининг тахминан 10 %, ўқиганининг 20 %, кўрган ва эшитганларининг 30 %, ўзи гапириб берганларининг 70 %, ўзи амалда бажарганларининг 90 % эсда сақлаб қолар эканлар. Шундан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, тингловчининг мустақил тайёрланиши фанни ўрганишда, унинг асосий мазмунини тушуниш ва ўзлаштиришда, таҳлил қилиши, ўз фикрини ифодалашида муҳим роль ўйнайди.

Қўйида тарбияланувчини мустақил ўз устида ишлашга ундейдиган “Ягона давра” стратегиясининг моҳияти ва қўлланилиш тартиби билан таништирамиз.

“Ягона давра” стратегияси ўқувчи (талаба)ларда ўрганилаётган мавзу юзасидан мустақил, мантиқий фикрлаш, бошқалар томонидан билдирилаётган фикрларни тинглаш, уларни тўлдириш, шахсий фикрларни асослаш, хулоса чиқариш қобилиятини тарбиялашга хизмат қиласди. Мавзу юзасидан ҳар бир ўқувчи (талаба)нинг фикрини билиш муҳим. Шунинг учун ҳар бир ўқувчи (талаба) фикр билдирилаётганда унинг сўзини бўлиш, қўшимча қилиш ҳеч ҳеч кимга, ҳатто ўқитувчига ҳам рухсат этилмайди.

## **Стратегияни қўллашда қўйидаги шартларга риоя этиш шарт:**

Ўқувчи (талаба)лар давра қуриб ўтиришлари, ўртага ташланган савол юзасидан ўз тушунчаларини баён этишлари

Ўқувчи (талаба)лар ўзларига навбат келишини кутиб ўтирмай, мавзу (савол, масала, муаммо) юзасидан фикрларини айта олишлари

Машғулотда ҳар бир ўқувчи (талаба)нинг фаол иштирок этиши, муҳокамага ўз ҳиссасини қўшишини таъминлаш

**ШАРТ !!!**

Ўқитувчи муҳокаманинг якунида билдирилган фикрларни умумлаштириши, ҳар бир ўқувчи (талаба)нинг иштирокини кўрсатиб ўтиши мумкин. Стратегия, одатда, машғулотнинг бошланиши ёки якунида қўлланилади.

## **OLIY TA`LIM MUASSASALARIDA TALABALARGA MUSTAQIL TA`LIM BERISH ORQALI IJODIY FIKRLASHGA O`RGATISH – DOLZARB MUAMMO SIFATIDA**

**M. Meliqo'ziyeva**

*O'qituvchi,  
Qo'qon davlat pedagogika instituti  
Qo'qon shahri, Farg'ona viloyati,  
O'zbekiston*

**Summary.** This article describes the problem of increasing the self-activite of the assimilation of knowledge independent thinking by organizing self – education in higher educational institutions.

**Keywords:** self-education; thinking; education; development activites.

2014-yil fevralda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasida yoshlarga oid davlat siyosatini amalga oshirishga qaratilgan qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risidagi qarori qabul qilinishi, Davlat dasturini amalga oshirish asosida jamiyat taraqqiyotini yangi bosqichga ko'tarish, kelajak avlod haqida qayg'urish, sog'lom, barkamol yoshlarni tarbiyalash dolzarb vazifalaridan biridir.

Farzandlarining barkamol, sog'lom rivojlanishiga ko'maklashish, nafaqat oila, mahalla, balki oily ta'lim tizimining ham asosiy vazifasidir.

"Jamiyat taraqqiyotining muhim sharti – kadrlar tayyorlash tizimining mukammal bo'lishi, respublikamizning iqtisodiy-ijtimoiy rivojlanishida, kadrlar sifatini oshirish, talaba – yoshlarning mustaqil, ijodiy fikrlash qobiliyatlarini shakllantirish dolzARB vazifalardan biri bo'lib, prezidentimiz alohida ta'kidlab o'tganidek, agar talabalar erkin fikrlashga o'rgansalar berilgan ta'lif samarasi sifatli bo'lishi muqarrar!"

Buning uchun o'qituvchi-pedagoglarning bosh vazifasi talaba yoshlarga mustaqil ta'lif va mustaqil ishlar o'z navbatida darsdan olingan bilim malaka, ko'nikmalarini mustahkamlashni qo'llay bilish, ongli o'zlashtirishga qaratilgan bo'lishi har bir talabaning o'ziga xos xususiyatlari ko'ra guruhlarga bo'lib, ularga alohida mustaqil ta'lif berish natijasini alohida hisobga olish zarur.

Mustaqil ta'lifni berishda muammo belgilarini aniqlash, muhim ma'lumotlarni ikkinchi darajali ma'lumotlardan ajratib olib, omil va qo'shimchalarni izlab topish imkonini beradi.

Oliy ta'lif muassasalarida ta'lif olayotgan talabalarni darsdan olgan bilimlarini mustahkamlash, o'z-o'zini tarbiyalash, mustaqil ishlashlari, bilimlarni rivojlantirishi, tushuncha, malaka, ko'nikmalarni hosil qilishi bo'yicha o'quv jarayonining sub'ektiv maqsadiga muvofiq muntazam mustaqil ta'lifni tashkil etishdir.

Mustaqil ta'lif – muvaffaqiyatli bajarilganda talabalarning mustaqilliklarini tarbiyalab boriladi.

Odatda mustaqil ta'lif talabalar e'tiboriga darhol uni hal etish mumkin bo'lgan masala ko'rinishida havola etiladi. Talabalarga mustaqil ta'lifni masala ko'rinishida taklif etish, aniq muammoli vaziyatlarda shartlarni izlash yoki ifoda etish jarayonida sub'ektlar tomonidan tashkil etuvchi faoliyatini go'yoki talabalar o'rniga o'qituvchi bajargandek bo'ladi.

Mustaqil o'qishda shartlar oldindan ma'lum qilinmaydi. Agarda o'qituvchi tomonidan beriladigan ta'limiy mustaqil ishlarni bajarish jarayonida talaba yechim yo'lini topa olmasa, u holda aniq vaziyatga duch kelib ushbu mustaqil ishni yechimini izlashga imkon beruvchi holatga aylantira olmaydi.

Mustaqil ta'lif ma'lum didaktik vazifalarga qat'iy amal qilishni taqozo etadi.

Mustaqil ta'limning shartlari avvaldan tuzuvchi tomonidan belgilab qo'yilganda, talabadan o'zgartirish malakasini namoyish qilish talab etilmaydi.

Mustaqil bilim olishda ko'proq shartlari ifoda etilmagan topshiriqlarni bajarishga to'g'ri keladi. Mustaqil ta'lif asosida sub'ekt shartlarni o'zgartirishi qonunlari bilan tanishadi, aniq bir muammoni tahlil qilish va mustaqil ishini bajarishda mavjud ko'nikma va malakalardan foydalanadi.

Mustaqil ta'lif yordamida tushunchalarni shakllantirish, sub'ektlarga mustaqil ravishda muammo belgilarini aniqlash, muhim ma'lumotlarni ikkinchi darajali ma'lumotlardan ajratib olish va qo'shimchalarni izlab topish imkonini beradi.

Mustaqil ishlashni ta'minlashga imkon beradigan mustaqil ta'lim – tushuncha, sabab va qadriyatli yo'naliishlarni o'zlashtirishi past darajali va qoniqarsiz bo'lgan talabalar uchun qulay sharoitni yaratishni ko'zda tutadi.

Mustaqil ta'lim o'z – o'zini tarbiyalash, mustaqil o'qish-bilishlarni o'zlashtirish, tasavvurlarni rivojlantirish tushuncha malaka ko'nikmalarini hosil qilishi bo'yicha o'quv jarayonlarining sub'ektiv maqsadiga muvofiq muntazam mustaqil faolligini tashkil etishidir.

Mustaqil ta'lim omilining birinchi tamoyillaridan biri – ilmiy yo'llarni va ilg'or pedagogik tajribalarni aqliy ravishda o'zlashtirishdir. Ilmiy bilimlar – voqelikning haqqoniy in'ikosidir.

Tevarak – atrofni o'rab olgan dunyoning qonuniyatlarini, narsa va hodisalarning ichki muhim xossalarni va o'zaro aloqalarini aks ettiruvchi bilim-largina ilmiy hisoblanadi.

Mustaqil ta'limning ilmiyligi qoidasi o'qituvchining o'quv materialidagi qonuniyatlarni aks ettirishi, tushunishi, o'zlashtirishi uchun to'g'ri sharoit yaratish maqsadida zarurdir.

Nazariy qoidalarni tushunishi, materialni ilmiy asosda izohlab berishni muhim belgisi bo'lib, u o'quvchini fikrlash faoliyatini xususiyatlarini belgilaydi. Ilmiy bilimlar ilmiyligiga xos voqelikni har xil darajada aks ettirishi mumkin. Ilmiy izoh mustaqil ta'limning hamma bosqichlariga har bir guruhda ilmiylik qoidalari vazifalaridan biri – nazariy ma'lumotlar tuzilishi, shu ma'lumotlarda tevarak – atrofdagi dunyoni qanchalik chuqur aks etganligi nuqtai nazardan bilib olishidir.

Ilmiy bilimlarni egallash jarayonida talabalarda ilmiy dunyoqarash, e'tiqod tarkib topadi. Tafakkur rivojlanadi.

### **Библиографик рўйхат**

1. Karimov I. A. Barkamol avlod O'zbekiston taraqqiyotining poydevori. – T. : SHarq, 1997.
2. O'zbekiston Respublikasining "Ta'lim to'g'risida"gi Qonuni, "Kadrlar tayyorlash Milliy dasturi" 1997yil. 29 avgust.
3. Tolipov O'. Q., Usmonxo'jaeva M. Pedagogik texnologiyalarning tatbiqiy asoslari. – T. : FAN, 2006.
4. Yo'ldoshev J. G', Yo'ldosheva F., Yo'ldosheva G. Interfaol ta'lim – sifat kafolati. – Toshkent, 2008.
5. Ta'lim da interfaol usullardan foydalanish // Boshlang`ich ta`lim 2012 yil. – № 2.
6. Mustaqil ta'lim – ta'lim samarodorligini oshirish omilli // Xalq ta'limi.

# ОЛИЙ ТАЪЛИМДА НИЗОЛИ ВАЗИЯТЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ

С. Р. Мирзаева

Ўқитувчи,

Тошкент давлат аграр университети,

Тошкент, Ўзбекистон

---

**Summary.** In this article are conflicts that are created between teachers and students and how to prevent them

**Keywords:** subject; object; conflict; methods.

---

Хозирги замон психологияси фанида низо деганида одамларнинг ўзаро муносабатлари жараёнида қарама-қарши позицияларнинг тўқнашувчиси сифатида талқин этилади. Психологик манбаларда таъкидланишича, ҳар қандай низонинг белгилари қуидагилардан иборат, чунончи: биринчидан, иккита қарама-қарши томонларнинг (субъектларнинг, яъни “субъект-субъект” муносабати предметлари диадаси ёки полиадаси); иккинчидан, улар (позициялари ўзаро номутаносиб кишилар грухси) ўртасида руҳий (фикрий) тўқнашувнинг юзага келиши (кечиши) ечимини топишга интилиши ва бошқа ҳаракатлар.

Низолар ёки низоли вазиятлар қуидаги қисмлардан, унсурлардан таркиб топади:

1. Низонинг томонлари (иккита грухга бўлинган қатнашчилар).
2. Низонинг фавқулоддаги шарт-шароитлари (объектив ёки субъектив, табиий ёки ижтимоий).
3. Низонинг предмети (вазиятлар, холатлар, ҳодисалар, жараёнлар, муносабатлар, аёнлик, таъсир, ўзаро таъсир турткиси ва ҳоказо).
4. Низо қатнашчиларининг хатти-ҳаракатлари, хулқ-атворлари, қилиқлари.
5. Низонинг натижалари (ечими, бир қарорга келишув, ён бериш, кечирим, узр сўраш).

Психологияда низонинг динамик хусусиятлари ва уларнинг ўзига хослиги тўғрисида қатор фикр – мулоҳазалар мавжуд. Унинг хусусиятларига у ёки бу босқичда, турли вазиятда юзага келувчи низо ва қатор жараёнлар киради:

- Объектив низоли (ёки низо олди) вазиятнинг вужудга келиши (тасодиф эмас);
- Вазиятнинг низоли эканлигининг (қарама-қарши грух қатнашчиларининг) англаши;
- Низоли ўзаро таъсир, яъни низонинг жараён сифатида айнан ўзи;
- Низонинг ҳал қилиниши (ечимнинг турли воситалари, таъсир ўtkазиши усуслари, механизмлари, маҳсус тренинг ва бошқалар).

Чет эл ва мамлакатимизнинг қатор психологлари низонинг вужудга келиши, кечиши, ривожланиши (турли сабабларга кўра) босқичларини кенг кўламда таҳлил ва талқин қилиб, уни иккита босқичга ажратадилар:

- 1) томонларнинг яширин тўқнашуви (низоли вазиятнинг босқичи);
- 2) томонларнинг очиқ тўқнашуви (ҳодиса босқичи).

Фанда низоларнинг асосий турлари мана бундай шартли равишда номланади: шахсий, шахслараро, гуруҳлараро, ички гурухий. Турли хусусиятга (сифатга) эга бўлганлар психологик низолар ўзининг асосига биноан, субъектлараро кечади, одатда низолар ҳар доим субъектлар ўртасида гурух вакиллари билан муносабатда бўлувчи турли шахслараро ёки субъектнинг ўзи (талаба ёки талабалараро) билан ўзи низо кўринишида кечади. Олий таълим тизимида низоларни ҳал қилиш учун ўқитувчилар (мураббийлар) муайян хатти-харакатларни амалга оширадилар, лекин улар самарали самарасиз бўлиши мумкин. Ўқитувчиларнинг низоларни ҳал қилишдаги харакатлари, таъсир ўтказиш усуллари қўйидаги ҳолатларда самара бериши кутилади (кутилма):

- қарама-қарши томонларнинг тўқнашуви тўхтатилади ёки батамом тугатилади;

- томонларнинг қарама-қаршилиги барҳам топади (низо ечилади).

XXI асрдаги ижтимоий ҳодисаларнинг психологик таҳлилига қараганда, гуруҳдаги низолар хавфли бузғунчилик оқибатларига олиб келиши кузатилди. Кўпинча улар гоҳ ўчиб, гоҳ яна авж олиб, гуруҳ аъзоларини ўқищдан чалғитиб, жисмоний ҳолдан тойдириб, талабанинг руҳий ҳолатига салбий таъсир этиб, сурункали кўринишда намоён бўлади. Шунинг учун ўқитувчи томонидан низони (вужудга келиши, кечиши, ривожланишини онгли тасаввур қилиб, тушунган ҳолда) бошқариш ва бартараф этиш олий ўқув юрти, қолаверса жамоа, жамият учун муҳим аҳамият касб этади. Ўқитувчининг мураббий сифатидаги бирламчи вазифаси – бу низони гуруҳлар орасида олдиндан пайқаш, билиш, уни зиддиятли вазиятга айланишининг олдини олиш эканлиги. Низоли вазиятларда низони ҳал қилишнинг иккита асосий стратегияси мавжудлигини ўқитувчи амалий фаолиятида қўллашни уddaлаши лозим:

- низовий (низони келтириб чиқарадиган) омил билан ишлаш (улар турли факторларга асосланиши мумкин);

- гуруҳнинг етакчилари (сардорлари) билан ҳамкорлик қилиш (ҳамкорлик фаолияти муайян тузилишга, тузилмага, таркибий қисмларга эга).

Низоли вазиятларда мураккаб ҳолатлар вужудга келган бўлса, уларнинг ечимини топиш муайян илмий изланишларни амалга оширишни тақозо этади, чунки уларга таъсир этадиган воситалар, услублар, усуллар универсал хусусиятга эга эмас. Агар низоли вазиятларда уларни ҳал қилишнинг хатти – харакатлари ўқитувчи томонидан олдиндан белгиланмаган ёки бу хатти-харакат амалиётда ижобий (баъзан юқори) самара бермаган бўлса, у ҳолда зиддиятли вазият гуруҳ ичida қайтатдан

юзага келади. Таълим тизимида зиддиятли вазиятли вазиятни ҳал қилишнинг ягона усули ва потенциал имконияти – бу уни тўхтатиш ҳодисасини шахслараро муносабатда содир этиш.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, зиддиятли вазиятни бартараф этишнинг “юмшоқ” ва “қаттиқ” усуллари ижтимоий психологияда қўлланиб келинади. Тажриба натижалари таҳлилиниң кўрсатишича, зиддиятли вазиятни тўхтатишнинг “юмшоқ” усули кўпроқ аҳамиятга мойил психологик қурол эканлиги эътироф этилади.

Профессор-ўқитувчилар талабалар билан мураббий сифатида ҳамкорлик қилганида баъзи бир психологик технологиядан фойдаланса, унинг самараси юқори бўлади:

1. Ҳар қандай низонинг социал-психологик белгилари:
  - қарама-қарши иккита томонларнинг мавжудлиги ва улар ўртасидаги тўқнашув;
  - қарама-қарши иккита томоннинг мавжудлиги;
  - бир-бирига номутаносиб манфаатларнинг учрашуви.
2. Низоларнинг тузилиши: низонинг томонлари, шарт-шароитлари, предмети, субъектлари хатти-ҳаракати, натижалари.
3. Низоли вазият – бу: томонларнинг яширин ва очик тўқнашуви, номутаносиблиги.
4. Низоли вазиятни юзага келишининг шарт-шароитлари: можароли вазият, қатнашчилар етарли миқдори, вазиятнинг сабаблари ва бошқалар.

#### **Библиографик рўйхат**

1. Рean A. A., Коломинский Я. Л. Социальная педагогическая психология. – СПБ, 1999.
2. Бобомирзаев Б. Х. Педагогик амалиёт психологик муаммо сифатида. – Т., 1997.
3. Фозиев Э. F. Умумий психология. – Тошкент, 2010.

# МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШГА ЎРГАТИШНИНГ МАЗМУНИ ВА МОҲИЯТИ

Д. И. Рӯзиева

*Педагогика фанлари доктори,  
профессор,  
Низомий номидаги Тошкент давлат  
педагогика университети,  
Тошкент, Ўзбекистон*

**Summary.** This article provides an analysis of foreign literature on teaching independent thinking. Also gives recommendations on the organization, content independent work.

**Keywords:** independent study; learning; self-study; work in self-access centres; self-education.

Бутун дунёда, жумладан Ўзбекистонда таълим тизимининг ислоҳ қилиниши, модернизациялашуви, шахсга йўналтирилган таълим технологиясига эътиборнинг кучайганлиги ўқувчининг жараёнга мустақил, онгли муносабати, ўзи ахборот излаб топиб, уни қайта ишлаш, таҳлил қилиб мустақил хуросалар чиқаришга олиб келмоқда.

«...буғунги кунда, айни шу мураккаб ва қалтис замонда дунёда, ён-атрофимиизда рўй берәётган воқеа-ҳодисаларни чуқур идрок этиш, уларнинг туб моҳиятига етиб бориш учун аввало одамларда мустақил фикрлаш ва яна бир бор мустақил фикрлашни шакллантириш талаб қилинади», – дейди президент И. А. Каримов.

Бугунда таълим жараёнига бундай оқилона муносабат буюк мутафаккир К. Д. Ушинскийнинг “Ўз фикрини яхши ифодалай олмаслик – иллат; лекин мустақил фикрга эга бўлмаслик эса ундан ҳам баттарроқ иллат; мустақил фикрлар, мустақил орттирилган билимлардангина туғилади”, деган фикрларини яна бир бор исботлайди. Албатта, машҳур психолог Л. А. Арцимович “Талаба бу билимлар билан тўлдирилиши лозим бўлган идиш эмас, ёндирилиши лозим бўлган машъал”, деганида ниҳоятда ҳақ эди. Ахборот асрида яшаётган ҳозирги ёшлар ўта қизиқувчан, ўзи ҳохиш билдирган, ўзига лозим деб билган маълумотни қидириб топиш бугунда муаммо эмас, фақат уни йўналтириш, маслаҳат бериш, жараёнга қизиқтириш, вақтини бехуда сарфламасдан фойдали меҳнат билан шуғулланишларига амалий ёрдам кўрсатиш бугунги кун педагогикасининг энг муҳим вазифаларидан бирига айланмоқда.

Чет эл назарияси ва амалиётида “Learning autonomy” термини “independent study/ learning, self-study, self-directed study/ learning, self-access, self-education тушунчалари билан боғлиқ ҳолда ўрганилади. Тажриба бу тушунчаларнинг ҳар қайси алоҳида ўрганилишини кўрсатмоқда. Қўйида ушбу тушунчаларнинг ўзбек тилидаги таржимасига эътибор берамиз:

- independent study/ learning – мустақил таълим олиш, синфдан ташқари иш;
- self-study – мустақил иш;
- self-directed study/ learning – мустақил, ўзи индивидуал жадвал асосида ўқиб билим орттириш;
- work in self-access centres – ахборот ресурс марказларида ишлаш
- self-education – ўзи мустақил ўқиш билан шуғулланмоқ

Кузатишлар, амалиётда мустақил таълим, мустақил иш, ўзи мустақил ўқиш билан шуғулланмоқ тушунчаларининг кўпроқ қўлланилишини кўрсатади.

Мустақил иш ҳақида гапирганимизда, авваламбор: дарс давомида бажариладиган вазифами, аудиториядан ташқарими? Ўқитувчининг ёрдамидами ёки мустақил? деган саволларга жавоб қидирилади.

“Learning autonomy” термини биринчи бўлиб Генри Холек [1] томонидан ишлатилган. Бу тушунча ўқувчининг ўқитувчидан мустақиллиги ёки ўзининг таълим олишида жавобгарликни ўз зиммасига олиши “autonomy is the ability to take charge of one’s own learning” [1]; “таълим олишнинг мақсад ва вазифаларини белгилашда фаол қатнашиши, ўз билим, кўникма, малакаларини баҳолаб бориш ва мустақил ўрганиши” [2] маъноларида қўлланилиб келинмоқда. Демак, бу термин уй вазифаси, ўқитувчи томонидан бериладиган топшириқлардан кўра кенгроқ маънода ишлатилган.

Таҳлиллар мустақил иш, мустақил таълим тушунчаларига олимларнинг таърифи ҳар хиллигини кўрсатади. В. П. Есипов: Ўқитувчи бажарилиш вақти аниқ белгиланган вазифа беради, ёзма ёки оғзаки тарзда натижасини текширади, деб мустақил ишга таъриф беради, аммо шу ўринда тадқиқотчи мустақил ишнинг бундай шаклида “фикрлашга мажбурийлик мавжуд” лигини таъкидлаб ўтади.

Т. И. Шамова эса мустақил ишнинг мақсад ва вазифаси аниқлиги, натижа қандай шаклда кўрсатилиши, баҳолаш мезони, ва албатта ҳар бир ўқувчининг фаол иштироки шартлиги таъкидлайди.

И. Унт ўқитувчи болага мустақил иш топшириғи берганида ўтилган мавзу билан боғлиқлигига эътибор қаратишини айтиб ўтади. Шунингдек, олим, мустақил иш ўқитувчининг раҳбарлигига бажарилади, лекин унинг иштирокида эмас, деб жуда тўғри йўналиш беради. Юқоридаги фикрларни тасдиқлаган ҳолда, ҳар қандай мустақил иш болани чуқур ўйлашга, ўз устида мунтазам ишлаш ва бош қотиришини талаб қилиши лозим эканлигини айтиб ўтиш лозим.

Умуман, мустақил иш – ўқитувчининг топшириғи ва унинг раҳбарлигига ўкув вазифасини ҳал этадиган таълимни ташкил этиш шакли. Талабаларнинг мустақил ишлари уларнинг юқори даражадаги

фаоллиги, ижодкорлиги, мустақил таҳлил, ташаббускорликка асосланганлиги билан аҳамиятли.

Талаба ўз ўрнида билим, қўникма ва малакаларни мустақил эгаллаш, муаммони мустақил шакллантира олиши ва ечимини топишнинг қулай, тезкор йўлларини топишда ижодий ёндашувни кўрсатади.

Талабаларнинг дарсдан ташқари вақтда амалга ошириладиган мустақил ишларига: конспектлаштириш; китоб ва мақолаларга аннотация ёзиш; реферат-шарҳлар ёзиш; мавзу билан боғлиқ сайтларга тақриз ёзиш; маълум мавзуга доир тармоқдаги мавжуд рефератларни таҳлил этиш, уларни баҳолаш; маъруза режасига доир ўз вариантини ёки унинг маълум бир қисмини ёзиш; мавзуга доир доклад тайёрлаш; мавзуга доир мунозара ўтказиш; ўқитувчи томонидан тайёрланган ёки тармоқдан топилган web-квестда ишлаш, сайтда талабалар томонидан бажарилган рефератлар ва рецензиялар, ишларни жойлаштириш; мавзу бўйича ишлаш учун web-квестлар яратиш ва уларни курсга доир сайтда жойлаштириш ва бошқ.

Бизнингча, мустақил ишни ташкил қилишнинг айрим мезонларига қатъий амал қилиниши мақсадга мувофиқ бўлади:

- ишнинг ташкил қилиниш шакли, топшириқлари, режасини тузишда ўқитувчи ўқувчи билан ҳаммаслаҳат бўлиши;
- топшириқлар боланинг реал қизиқишлиари, ҳаёт тарзи, ёш хусусиятлари билан боғлиқ ва албатта, ўтилаётган мавзуни мустаҳкамлашга қаратилган бўлиши;
- ҳар бир мустақил иш ўқувчининг ўз-ўзини бошқариш, ривожлантириш, ўз-ўзини баҳолаш хусусиятларини шакллантириши;
- топшириқлар болани фикрлатадиган, муаммоли, ижодий фаолликни талаб қилиши;
- топшириқнинг мазмуни танқидий муносабат билдира олиш, мустақил фикрлашга йўналтирилган бўлиши;
- боланинг билим даражасига мос бўлиши ва уни мустақил фаолият юритишга ундовчи бўлиши жуда муҳим.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир дарс болани мустақил ишлашга ундаши талаб этилади. Мустақил фаолият юритиб, тингловчи ўз ҳатти ҳаракатининг моҳиятини онгли тушуниб етади, интеллектуал ривожланади, қилган ишига жавоб беради.

### **Библиографик рўйхат**

1. Holes H. Autonomy in Foreign Language Learning. – Oxford, 1981.
2. Little B. Learning autonomy. – Dublin, 1995.

# ЎҚИТУВЧИЛАР ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШГА ТИЗИМЛИ ЁНДАШУВ

Э. Р. Юзликаева

*Педагогика фанлари доктори,  
Низомий номидаги Тошкент давлат  
педагогика университети,  
Тошкент, Ўзбекистон*

---

**Summary.** The article is devoted to the analysis of space pedagogical conditions of development of professional competence of the teacher in a modernized education. The author analyzes the relationship of such phenomena as the productivity of educational activity of the teacher, pedagogical system, the transfer of social experience, the formation of the teachers of new concepts and skills.

**Keywords:** modernization; competence; knowledge and skills; subject; good governance; innovation; design.

---

Замонавий шарт-шароитларда педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришда ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлиги, яъни уларнинг профессионаллиги, ўқувчилар фаолиятини мувофиқлаштириш ва педагогик жараён самарадорлигини таъминлашда компетентли бўлиши муҳим аҳамият касб этади.

Чунки педагогик жараёнларни илмий асосларда ташкил этиш ва бошқариш йўналишидаги замонавий талаблар таълим муассасаси ўқитувчиларининг ўз билимлари, кўникма ва малакаларини узлуксиз ривожлантириб боришини тақозо этади. Бу ўз навбатида, ўқитувчилар фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган педагогик жараёнларни самарали ташкил этишни назарда тутади.

Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, таълим муассасалари ўқитувчилари мунтазам равишда ўзининг касбий билими, кўникма ва малакасини ривожлантириб бориши, бошқарув йўналишидаги тушунчаларини кенгайтириши, фан ва техника ютуқларини, замонавий педагогик ва янги ахборотлар технологияларини ўзлаштириб бориши учун таълим муассасаларида зарурый шарт-шароитларни яратиш зарур.

Ўқитувчилар фаолияти самарадорлигини ошириш жараёнларини ўзига хос хусусиятларга эга бўлган педагогик тизим сифатида, яъни ижтимоий тажрибаларни узатиш, ўқитувчиларда янги тушунча ва кўникмаларни шакллантириш, уларни педагогик жараёнларни ташкил этиш жараёнига тайёрлаш тизими сифатида ташкил этилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ўқитувчилар фаолияти самарадорлигини ошириш жараёни нафақат уларни касбий билим ва кўникмаларни ўзлаштирган мутахассис сифатида тайёрлашга, балки турли ёшдаги инсонларнинг психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг ўзини-ўзи касбий

ривожлантириши учун зарурий шарт-шароитларни яратишга йўналтирилган бўлиши зарур.

Ўқитувчилар фаолияти самарадорлигини ошириш тизими – бу нафақат педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришга уларнинг тайёргарлигини ривожлантириш, балки уларнинг ўзини-ўзи ривожлантириш ва профессионал компетентлилик йўналишидаги эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган узлуксиз жараён, яъни қўшимча таълим тизимида субъектларнинг шахсий аҳамият касб этувчи ўзаро таъсир жараёнлари тизими сифатида ташкил этилиши зарур.

Ўқитувчилар фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган тизим фаолиятнинг барча босқичларида улар ўзларининг касбий тажрибаларини англаш, таҳлил қилиш ва баҳолаш, шунингдек, ўзини-ўзи шахсий ривожлантириш эҳтиёжларини фаоллаштириш ва қўллаб-қувватлашга асосланади. Мазкур жараёнда шахснинг маънавий бойиши ҳамда ижодий салоҳиятининг ривожланиши учун имконият вужудга келади.

Ўқитувчилар фаолияти самарадорлигини оширишга йўналтирилган тизим ўқитувчилар учун нафақат назарий, балки юксак даражада яшаш ва ҳаётий муаммоларни муваффақиятли ҳал этиш қобилиятларини шакллантирувчи таълимий муҳит вазифасини ҳам бажариши ҳамда мазкур тизимда яратилган шарт-шароитлар улар учун ўз шахсини ривожлантиришга имконият яратиши зарур.

Ўқитувчилар фаолияти самарадорлигини ошириш тизими педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришнинг шахсга йўналтирилган таълимий муҳит жиҳатларини ўзлаштириш ва ишлаб чиқиш, турли даражада уларни амалга ошириш, касбий маҳорат ва шахсий ривожланишни таъминлашга йўналтирилган бўлиши зарур.

Чунки ўқитувчиларда инновацион фаолиятга ички мослашув яхши шаклланмаган бўлса, улар шахс сифатида қўпроқ консерватизмга мойил бўлади ва бундай ҳолатларни ўқитувчилар фаолияти самарадорлигини ошириш жараёнларини ташкил этишда инобатга олиш ўзига хос муҳим аҳамият касб этади. Зеро, ўқитувчилар педагогик жараёнларни ривожлантиришнинг концептуал дастурларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этишда сермулоҳазали назариётчи, методолог, тадқиқотчи ва компетентли бошқарувчи бўлмаса, узлуксиз ривожланиб борувчи жараёнлар ҳисобланган педагогик жараёнларни илмий асосда бошқара олмайди.

Тажрибаларга асосланиб, ўқитувчиларнинг ўз касби ва лавозими йўналишидаги педагогик ва бошқарув функцияларини бажаришга тайёргарлигини етарли даражада эмаслигини инобатга олган ҳолда айтиш мумкинки, ўқитувчилар фаолияти самарадорлигини ошириш тизимининг энг асосий мақсади ўқитувчилар шахсига ва уларнинг фаолиятига қўйилаётган ижтимоий-иктисодий талаблар билан таълимни модернизация

қилиш, янгилаш ҳамда таълим муассасасини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган мақсад ва муаммоларни инобатга олган ҳолда замонавий ижтимоий талаблар ва муаммолар ўртасида мувофиқликни таъминлашдан иборат бўлиши зарур.

Таълим тизимини ривожлантириш ва модернизация қилиш шарт-шароитларида ўқитувчилар шахсига ва уларнинг фаолиятига қўйилаётган янги талаблар ўқитувчилар фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган таълим-тарбиявий муҳитда ижодий ёндашувларни рағбатлантириш, мустақил равишда ўзини-ўзи ривожлантириш йўналишидаги фаолиятни ташкил этиш, ўқитувчиларда мустақил таълим олишга шахсий қизиқишларни шакллантириш заруратини белгилайди. Чунки ўқитувчилар фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган тизимда ҳамкорликдаги ижодий фаолият қулай психологик муҳитни ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади. Бунда вужудга келувчи саволларга ҳамкорликда жавоб излаш, ўзаро таъсир услубларини такомиллаштириш вужудга келади ва лойиҳалаштириш, тадқиқотчилик ва сухбат услублари мақсадга мувофиқ услублар ҳисобланади. Мазкур тизимда ўқитувчиларнинг бошланғич тажрибалари такомиллашади, улар ўз фаолиятини қайта англаши учун қулай шарт-шароит вужудга келади, уни кузатиш ёрдамида янги муносабатлар йўналиши белгиланади.

Ўқитувчилар фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган тизим тадқиқий ва таҳлилий йўналишга эга бўлиши, ўқитувчилар учун замонавий педагогик ва ахборотлар технологияларидан фойдаланишга имкониятлар яратиши, ижодий ҳамкорликни таъминлашга қаратилиши, шахсий имкониятларни такомиллаштириш учун зарурий психологик муҳит сифатида хизмат қилиши зарур

Шунинг учун, ўқитувчилар фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган тизимни янги амалиёт сифатида, яъни ўқитувчиларнинг фаоллиги ва компетентлилигини таъминлаш мақсадида ташкил этилган ўзаро таъсир тизими, таълимнинг янги мазмуни, мустақил ва ижодий таълимий муҳитни ташкил этишнинг янги шакллари сифатида кўриб чиқилиши зарур.

Таълим тизимини модернизация қилиш ва янгилаш ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-педагогик шарт-шароитлар билан белгиланади. Шунга асосан ўқитувчилар фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган тизимда ижтимоий ижодкорликнинг зарурияти, шунингдек, ўқитувчиларнинг ўзини-ўзи ривожлантириш йўналишидаги шахсий кўниммаларини шакллантириш зарурияти кун сайн ривожланиб бормоқда.

Ўқитувчилар фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган тизимда ўқитувчиларнинг ҳамкорлигини таъминловчи, уларни психологик ва физиологик жиҳатдан ривожлантириш, маънавий бойитиш ҳамда интеллектуал қобилияtlарини янада ривожлантиришга йўналтирилган

жараёнларни ташкил этишга асосий эътиборни қаратиш зарур. Мазкур заруриятдан келиб чиқиб, касбий тайёргарликнинг қуйидаги асосий компонентлари сифатида: педагогик мулоҳазаларни ифодаловчи рефлексив қўникмалар; вазиятларга кўра ўқувчилар фаоллигини таъминлаш ва фаолиятини мувофиқлаштириш қўникмаси; турли вазиятларнинг қулай таълимий муҳитга салбий таъсир кўрсатишига қарши турға олиш қўникмаси; мулоқотга киришиш ва ахборот алмашиниши қўникмаси; ўзини-ўзи бошқариш ва шахсий ривожлантириш қўникмаси; ахборотлар тўплаш, уларни қайта ишлаш ва объектив баҳолаш қўникмаси ва х.к.

Ўқитувчилар фаолияти самарадорлигини ошириш тизими асосий компонентларига таълим муассасасида ташкил этиладиган ўқув семинарлари, семинар-тренинглар, очиқ дарслар, ўзаро дарс кузатишлар, фан кечалари, илмий-амалий конференциялар, илфор педагогик технологияларни оммалаштириш, ўқитувчилар томонидан тайёрланадиган илмий-методик маҳсулотлар, жумладан, малака ошириш институтидаги назарий ва амалий машғулотлар ҳамда масофадан ўқитишни киритиши мумкин.

Ўқитувчилар фаолияти самарадорлигини оширишга тизимли ёндашувни татбиқ этишда ҳар қандай тизим ўзининг ташкил этувчиларига, яъни компонентларига эга бўлиши ва ихтиёрий тизимнинг ташкил этувчи компонентларидан бири мазкур тизимнинг ўзгаришига ва ривожланишига ўз таъсирини кўрсатишини инобатга олиб, ўқитувчилар фаолияти самарадорлигини оширишга тизимли ёндашувни татбиқ этишда ўқитувчиларнинг билими, қўникма ва малакаси ҳамда касбий маҳорати даражасини аниқлаш мезонларининг элементи сифатида тизимнинг ҳар бир компонентини олиш мумкин.

## **ЎҚУВЧИНИ МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШГА ЎРГАТИШ ЖАРАЁНИ: МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР**

**М. М. Юсупов**

*Ўқитувчи,  
Жizzax давлат педагогика институти,  
Жizzах вилояти, Ўзбекистон*

---

**Summary.** This article opens the possibility of learning independent thinking of students. Also lists the kinds of thinking and speaks of problems and solutions.

**Keywords:** independent thinking; infancy; process of education; problems of learning.

---

Мустақил Ўзбекистоннинг узлуксиз таълим жараёнида юз берадиган туб ўзгаришлар ҳар бир таълим муассасасида таълим соҳасини жадаллаштиришни талаб этади.

Хукумат томонидан келажагимиз бўлган ёшларнинг таълим – тарбия масалалари жуда катта эътибор берилмоқда. Педагогик жараённи ислоҳ қилиш, мустақил фикрловчи, эркин шахс билан мулоқотга киришиш, уни замон талабалари даражасида ўқитиш ва тарбиялаш ўқитувчидан катта куч ва маҳоратни талаб этмоқда. Эркин фикрлаш – яратувчанлик, ижодкорлик, ўз қилган ишига жавобгарлик ҳисси демакдир.

«...бугунги кунда, айни шу мураккаб ва қалтис замонда дунёда, ён-атрофимизда рўй бераётган воқеа-ходисаларни чукур идрок этиш, уларнинг туб моҳиятига етиб бориш учун аввало одамларда мустақил фикрлаш ва яна бир бор мустақил фикрлашни шакллантириш талаб қилинади”, дейди Президент И. А. Каримов.

Таълим жараёнида илғор педагогик технологияларни фаол қўллаш таълим самарадорлигини унинг сифатлилигини ошириш ва амалиётда жорий этиш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан биридир. Ўқувчиларнинг фикр доираси онгли дунё қарашини ўстириш уларни эркин тингловчидан эркин иштирокчига айлантирмоқ ниҳоятда муҳимдир. Ишлаш жараёнида кўп ўйлашга, изланишга ижод қилишга тўғри келади. Ўқитувчи дарсда бошқарувчи ўқувчилар эса иштирокчига айланмоғи лозим. Ана шу вазифани уddaлашда ўқувчининг мустақил фаолияти самара беради. Дарсларда ўқувчи эркин иштирокчига айлансангина ижобий натижага эришиш мумкин.

Бола бошланғич синфданоқ ҳар қуни оз-оздан бўлса ҳам бирор мустақил иш турини бажаришга ўргатилиши зарур. Бунинг учун аввало, ўқувчиларни мустақил фаолиятига руҳан тайёрлаш лозим. Уларнинг қилаётган ишини қила олишга ва шу ишни сифатли қилиб бажара олишига ишонч ҳосил қилдириш муҳим.

**Мустақил иш турлари қандай бўлиши керак?**

Аввало, иш турлари ўқитувчи томонидан пухта ўйланган, боланинг ёшига, билим даражаси ва қизиқишлирига мос, маълум мақсадга асосланган ва тизимли бўлиши керак. Бунда ҳар бир ўқувчининг имконияти ҳисобга олиниши жуда муҳим.

Ўқувчиларни ақлий тараққий эттиришнинг шартларидан бири ўз топшириқларини тўла "эслаб қолиб" бажаришларидир. Бунда бажариладиган ишнинг мақсадини тушунган, тасаввур қилган ҳолда, унинг режани белгилаш ва иш усулини танлаш, йўл қўйилган хатоларни мустақил топа олиш ва уни тузата билишларига алоҳида эътибор берилади.

Ўқувчиларнинг топшириқни тез, тўғри бажариш учун қулай усувларни танлашлари, ишга ижодий ёндашиш, уни ташкил этиш учун доимо етакчи саволлар бериб, таянч сўзлар тавсия этиш фойдалидир. Ўқувчиларда мустақил ишларни сифатли қилиб бажаришда қийинчиликлар пайдо бўлиши табиий. Бу ўринда ўқитувчининг бошқарувчилик механизмининг ишлашига катта эътибор қаратилади, яъни ўқитувчи болага маслаҳат беради, аниқ топшириқлар, йўл йўриклар билан

болани назорат қилиб боради, ва албатта мустақил ишнинг натижаси текширилади.

Тажрибаларнинг кўрсатишича, болалар ўқитувчи раҳбарлигига ишлаганда тез мушохада қиласидилар. Бу ҳолга ўрганиб қолмасликлари учун қўпроқ уларни мустақил ишлаш, фикрлаш, ўйлаш ва фаолият юритишга даъват этиш лозим.

Айниқса, мактаб боласининг эътиборини жалб этиш мақсадида матндаги воқеаларни эслатиб : Нега? Нега шундай бўлади? Сенингча қандай бўлиши керак? Сен буни қандай тасаввур қиласан? каби саволлар бериб, унинг озгина фикрларини ҳам маъқуллаб, рағбатлантириб ишлатиш самара беради.

Дастлабки бажарган мустақил ишдан бола мамнун бўлса, унинг қизиқишилари ортиб, янги янги иш турларини амалга оширишга киришади. Бу эса ўз навбатида болани мустақил фикрлашини оширади.

Шу ўринда мустақил иш натижаларини ҳамиша текшириш лозимлигини таъкидлаш лозим. Текшириш оғзаки ва ёзма бўлиши мумкин.

Бола ёзишдан олдин ўйлайди, фикрини оғзаки жамлайди, сўнг ишга мустақил киришади. Масалан, ўқувчи ўз фикрини ёзма ифодалашдан илгари, ўйлайди, пичирлаб фаоллашади, яъни алланималар ҳақида ўз-ўзича гапиради.

Бошланғич синфда мустақил ишлар ўқувчиларни толиқтирмаслиги керак. Унга сарфланадиган вакт 5–10 минут бўлиши, иложи борича шу муддат ичida ҳам дам олиш дақиқалари ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Чунки бола бундай пайтда тез чарчаб қолади.

Ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш жараёнида:

- мустақил ишлаш учун ажратилган топшириқлар ўқувчининг ёшига, қизиқишилари ва имкониятига мос бўлиши;
- вазифалар соддадан мураккабга қараб йўналтирилиши, ўқувчига тушунарли бўлиши;
- ишга киришишда бола дадиллик, натижага ишончни туйиши;
- топшириқларнинг дарснинг турли босқичларида бажарилиши каби омилларга амал қилиш лозим.

Албатта, уйга бериладиган вазифалар ҳам мустақил бажарилиши, синфда ўтилган мавзунинг мустаҳкамланишига эришиш назарда тутилади. Мустақил иш орқали ўқувчилар фикрлайди, ўйлайди, излайди, ҳаракат қиласиди, бу эса боланинг мустақил фикрлашини оширади, ҳаётла мустақил бўлишга ўргатади.



## II. EDUCATIONAL METHODS AND MEANS OF FORMATION OF INDEPENDENT THINKING



### ПЕДАГОГИК ФАСИЛИТАЦИЯ ВОСИТАСИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАРИ

**М. А. Абиджанова**

*Ўқитувчи,  
Низомий номидаги Тошкент давлат  
педагогика университети,  
Тошкент, Ўзбекистон*

---

**Summary.** In this article analyzed organization the independent work pupil on base pedagogical facilitate. In addition, the reader is directed to the person of independent research highlighted the importance of activity.

**Keywords:** facilitate; facilitator; activity; independent; independent work; knowledge; process; pedagogical.

---

Бугунги кунда хар бир давлатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни унинг интеллектуал салоҳияти ҳамда кадрларни тайёрлаш сифати билан ўлчанади. Бу хақида давлатимиз раҳбари Олий мажлиснинг IX сессиясида (1997 йил, 29 август) сўзлаган нутқида жуда ўринли таъкидлаган эди: “Бугунги кунда олдимизга қўйган буюк мақсадларимизга эришишимиз, жамиятимизнинг янгиланиши, ҳаётимизнинг тараққиёти ва истиқболи амалга оширилаётган ислоҳотларимиз, режаларимизнинг самараси, тақдири – буларнинг барчаси, авваломбор, замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали, онгли мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммоси билан чамбарчас боғлиқлигини барчамаиз англаб етмоқдамиз” [1, с. 5]. Бутунжаҳон муаммосига айланган кадрлар тайёрлаш сифатини замон талабларига мослаштириш бизнинг республикамиз учун ҳам ўта долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистонда мустақилликни қўлга киритган дастлабки даврларданоқ интеллектуал салоҳияти юқори кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилган давлат сиёсати олиб борилмоқда. Мустақиллик йилларида янги авлод эркин, танқидий, ижодий ва мустақил тафаккурга эга, мустамлакачилик даврида ўсган авлоддан фарқли, ижтимоий қўрқувдан ва миллий номукаммалик туйғусидан холи, сиёсий ва ижтимоий фаол, изланувчан ва омилкор, миллий ва жаҳон маданиятидан хабардор, юксак маънавиятли шахс бўлиб шаклланиши лозим, деган вазифа кўндаланг қўйилди.

Педагогика колледжларида ўқув ишлари шакллари орасида мустақил ишлар асосий ва муҳим ўрин тутади. Кузатишларимиз ва тажрибалардан шу нарса маълум бўладики, педагогика колледжларида мустақил ишларни ташкил этиш ва ўтказиш яхши йўлга қўйилган. Бироқ фанлар бўйича мустақил ишларни ташкил этиш ўқитувчи томонидан берилган топшириқларни бажариш ва унинг текширилиб, баҳоланишидан иборат бўлиб қолмоқда. Бошқача айтганда, мустақил ишларни ташкил этиш ва ўтказиш ўқувчиларнинг индивидуал ва ижодий потенциалини юзага чиқаришга тўлиқ имкон бермаяпти. Ана шу муаммони ҳал этишда эса педагогик фасилитация имкониятларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўқувчиларни мустақил, масъулиятли, ижтимоий жиҳатдан сафарбарликка мойил шахс сифатида шакллантириш уларни муваффақиятли ижтимоийлаштириш ва меҳнат бозорида муносиб ўрин топишига тайёрлаш учун уларда ижтимоий қўнималарни ривожлантириш, ўз фаолиятларини аниқлаш ва ривожлантиришга одатлантириш лозим. Бундай ёндашувни амалга ошириш учун ўқув-билув жараёнида ўқувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш муҳим педагогик аҳамиятга эга. Педагогик қўллаб-қувватлаш жараёни асосан ўқувчиларга йўналтиради. Бунда ўқувчиларнинг моддий борлик, атрофдагилар ва ўз-ўзига бўлган муносабатини ўрганиш муҳим ўрин эгаллайди.

Мутахассислар тайёрлаш тизимини тубдан қайта қурища, ўқув – тарбия жараёнининг аҳамиятини оширишда ўқувчиларнинг мустақил ишлари муҳим ўрин эгаллайди. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, мустақил ишлар деганда, шундай ўқув фаолияти тушуниладики, унда билимлар эгалланиши билан бирга, қўнималар шакллантириш ҳам мустақил ташкил этиши таъминланади [2, с. 20].

Мустақил иш – ўқитувчининг топшириғи ва унинг раҳбарлигига ўқув вазифасини ҳал этадиган таълимнинг фаол методи. Мустақил иш бу қўйилган мақсад билан боғлиқликда ўқувчиларнинг аниқ фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишdir. Ўқувчиларнинг мустақил ишлари уларнинг юқори даражадаги фаоллик, ижодийлик, мустақил таҳлил, ташаббускорликка асосланган фаолиятларидир [3, с. 65].

Мустақил иш – билим олиш шаклларидан бири бўлиб, бунда ўқувчилар ўз олдиларига у ёки бу вазифаларни, мақсадларни онгли равишда қўйиб, фаолиятни режалаштиради ва уни амалга оширади ҳамда ўз-ўзини баҳолайди [4, с. 25].

Мустақил иш бир қанча ўзига хос хусусиятларига эга:

– таълимнинг фаол (актив) методи сифатида мустақил ишнинг ўзига хослиги унинг асосини ўқувчи ўқитувчининг ёрдамисиз бажарадиган харакатлар ташкил этади, у мазкур харакатларни бажариш усулларини ўзи

танлайди, кўплаб амалларни такомиллаштиради, қўйилган мақсад билан боғлиқликда уларни назорат қиласди;

– мустақил ишларнинг иккинчи ўзига хослиги ўқувчи фаолиятининг ўз-ўзини бошқарадиган шакли ҳисобланган ўз-ўзини назорат қилишда акс этади;

– учинчи ўзига хослик ўз-ўзини назорат қилиш билан мустаҳкам боғлик бўлган, ўз-ўзини бошқаришда муҳим роль ўйнайдиган баҳоловчи фаолиятдир;

– ва ниҳоят, мустақил иш ҳар доим қандайдир натижа билан тугалланади. Бу машқ бажариш, вазифаларни ҳал этиш, иншо ёзиш, жадвал тўлдириш, графиклар ҳосил қилиш, саволларга жавоб беришга тайёрланиш каби шаклларда намоён бўлади.

Мустақил иш тизимида ўқувчилар билан ўқитувчи ҳамжиҳатлигининг белгилари қуидагилардан иборат:

– ўқитувчи билан ўқувчилар нуқтаи назаридан зиддият йўқ, балки улар ҳамжиҳатлик ва ижодий ҳамкорликда ишлашади;

– ўқувчилар фаоллигини тақлид қилиш, тақрорлаш ҳамда мустақил ишни тегишлича ташкил этиш билангина чекланиб қолинмайди, балки тақлиф этилган вазифалар бўйича ижодий мушоҳадалар юритилади;

– ўқувчиларнинг мустақил ишини ташкил этишда ўқитувчи рағбатлантириш, эмоционал бошқариш, йўналтириш ва уюштириш усулларини кўллади;

– ўқитувчи ва ўқувчилар шахсга йўналтирилган мустақил ишни ташкил этишга руҳий ва амалий жиҳатдан тайёр.

Ўқувчиларнинг мустақил ишини ташкил этишда ўқувчи шахсига йўналтирилган таълим тамойилига таяниш замонавий таълим тизимида энг мақбул йўл ҳисобланади. Ўқув жараёни ана шундай тарзда ташкил этиладига ўқувчининг мустақил ишини самарали амалга ошириш учун шарт-шароит яратилади ва бу жараёнда ўқитувчи ҳам бевосита иштирок этади. мустақил ишни ташкил этишда шахсга йўналтирилган ёндашув ўқувчини шахсий аҳамиятга молик шундай даражага кўтарадики, бу ҳол, ўз навбатида, мустақил ишнинг ҳар қандай турида фаоллик ва ижодкорликнинг кучайишига имкон яратади. Натижада мустақил иш тизими ташкилий жиҳатдан мураккаб яхлитлик, яъни “қисмларининг ўзаро таъсири уларнинг ўзидан кўра муҳимроқ” бўлган яхлитлик сифатида намоён бўлади.

### Библиографик рўйхат

1. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т. : Шарқ, 1997.
2. Азизходжаева Н. Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. – Т. : “Fan va texnologiyalar” нашриёти, 2006.
3. Ходжаев Б. Х. Ўқувчиларнинг мустақил фикрлашини шакллантириш йўллари. – Т. : ТДПУ, 2008. – 65 б.

4. Байбаева М. Х. Мустақил таълим олиш технологияси ва касбий йўналганлик // Касб-хунар таълими. – Тошкент, 2005.

## AMALIY MASHG`ULOTLAR ORQALI TALABALARNI MUSTAQIL, IJODIY FIKRLASHGA O`RGATISH YO`LLARI

**M. Berdieva,**

*O`qituvchilar,*

*Termiz davlat universiteti,*

*Termiz shahri,*

*Surxondaryo viloyati, O`zbekiston*

*Qo`qon davlat pedagogika instituti*

*Qo`qon shahri, Farg`ona viloyati,*

*O`zbekiston*

**Sh. Meliboeva**

**Summary.** This article is about ways of teaching students to self-study, creative thinking through organizing practical lesson with innovative technologies at higher educational organization.

**Keywords:** practical lessons; free thinking; activities; self-study; exchanging opinions.

Zamonaviy ta`limni tashkil etishga qo`yiladigan muhim talablardan biri ortiqcha ruhiy va jismoniy kuch sarf etmay qisqa vaqt ichida yuksak natijalarga erishishdir.

Prezidentimiz aytganlaridek: “Agar talabalar erkin fikrlashni o’rganmasa, berilgan ta`lim samarasi past bo’lishi muqarrar. Albatta bilim kerak. Ammo bilim o’z yo’liga, mustaqil fikrlash ham katta boylikdir”.

Shuning uchun ham, hozirgi kunda oily ta`lim muassasalarida talabaning o’z-o’zini rivojlantirish texnologiyasini yaratish pedagogika fani oldida o’z yechimini kutayotgan dolzarb muammolardandir.

Amaliy mashg`ulotlar ilmiylik, talaba tabiatiga mosligi, ketma-ketlik, tizimliliqi, tushunarligi, mustahkamligi, anglash va faollik, ko’rgazmalilikning amaliyot bilan bog`liqligi, amalda qo’llay bilish asosida tashkil qilinadi va mustaqil tafakkurlari rivojlantiriladi hamda quydagilarga erishiladi.

Faol usullardan foydalanilganda esa amaliy mashg`ulotni tashkil etish bilan bor kuchini, mahoratini ishga solib oladi, ko’rgazmali quroq, didaktik tarqatma materiallar yordamida yaxshilab tushuntirishga harakat qiladi. O`qituvchi talabalar bilan mavzu yuzasidan fikr almashinadi. Ijodiy ishlar berish orqali mashqlar yechadi. Ishlanmalarini, mustaqil ishlash, takrorlash orqali amalga oshiradi. Ta`lim mazmunini birmuncha o’zlashtirishga erishadilar. Yangi texnologiyalar asosida amaliy mashg`ulotlarni tashkil etish talabalarni dars jarayonini o’zlashtirishga qulay muhit yaratiladi, talabalarning o’zaro fikr almashishlariga imkon beradi. O’zaro axborot olish va berish uchun sharoit tug`diriladi. Yechimini kutayotgan masalalarni hamjihatlikda muhokama etadilar, yechadilar. Vaziyatdan chiqishda hamkorlikda yechim topadilar. Olgan

axborotlari asosida bilimlarini bir-birlariga namoyish etadilar. Bir-birlaridan ilhomlanib, ruhiy qoniqish paydo bo'lib, vaqt o'tganini bilmay qoladilar. Har bir ishtirokchi ta`lim mazmunini mualliflardek his etadilar. Ta`lim mazmunini to'la o'zlashtirishga erishadilar.

Amaliy mashg'ulot o'qituvchi tomonidan barchaga birdek qaratiladi, ya`ni bir oz abstraktlik yuzaga keladi.

Barchani qiziqish, qobiliyatlaridan qat'iy nazar bir xilda, bir maqsad yo'lida izlanish, fikrlash, ishlashga undaydi.

Talabalarning rivojlanish darajasi, tayyorgarligi bir xil bo'lganligi tufayli bilim va ko'nikmalarini qabul qilib olish, o'zlashtirish birdek natijani kafolatlamaydi.

Shuning uchun amaliy mashg'ulotlarda savol-javoblar, laboratoriya ishlari, mashqlar yechish iloji boricha talaba shaxsiga yo'naltirilgan bo'lishi maqsadga muvofiqdir.

Xulosa o'mida shuni ta'kidlash mumkinki, amaliy mashg'ulotlar biror faoliyat yoki muammoni o'zaro muloqotda, o'zaro muomalada, o'zaro bahs – munozara, debat usulida, fikrlash asosida hamjixatlik bilan hal qilish asosida tashkil qilinishi maqsadga muvofiq bo'ladi.

### Bibliografik rÿyhat

1. Karimov I. A. Barkamol avlod O'zbekiston taraqqiyotining poydevori. – T. : SHarq, 1997.
2. O'zbekiston Respublikasining "Ta'lim to'g'risida"gi Qonuni, "Kadrlar tayyorlash Milliy dasturi". – 1997 yil. 29 avgust.
3. Tolipov O'.Q, Usmonxo'jaeva M. Pedagogik texnologiyalarning tatbiqiylarini asoslari. – T. : FAN, 2006.
4. Yo'ldoshev J. G`, Yo'ldosheva F., Yo'ldosheva G. Interfaol ta'lim – sifat kafolati. – Toshkent, 2008.

## INTERYER RASMINI CHIZISHDA PERSPEKTIVA QOIDALARIDAN MUSTAQIL FOYDALANISH

A. N. Valiyev,  
M. Gulyamova

Dotsent,  
talaba,  
*Nizomiy nomidagi Toshkent davlat  
pedagogika universiteti,  
Toshkent, O'zbekiston*

---

**Summary.** In the article, is shown to organize prospective image regulation. To draw interior picture is used practical – independent.

**Keywords:** prospective; interior; composition; staircase; head point; horizon line.

---

Perspektiva fani tabiatdagi narsalarning ana shunday ko'rinishini tekislik yoki biror sirt ustida tasvirlash usullarini o'rganadi. Insonning ko'rish

xususiyatini hisobga olgan holda markaziy proyeksiyalash usulida bajarilgan tasvir *perspektiva* deb ataladi [1].

Perspektiva – tasviriy san’atning grammatikasidir, chunki yaratilgan har qanday realistik tasviriy san’at asari perspektiva qonuniyatlari asosida bajariladi yoki bajarilishi shart. Shundagina bu asarning to‘g‘ri qurilganligi yoki hayotiyligi ta’milanadi. Agar tasviriy san’at asari bu qoidalarga amal qilinmasdan yaratilsa, ilmli kuzatuvchilar «bu rasmda perspektiva yo‘q», oddiy kuzatuvchilar «bu rasmdagi narsalar o‘ziga o‘xshamabdi» deydilar. Ana shunday muammolariga duch kelmaslik uchun perspektiv tasvir qoidalarini bilish talab etiladi.


Ko‘plab tasviriy san’at asarlarida interyerning rasmiga duch kelamiz. Mazkur maqolada interyer perspektivasini qurishga oid ma’lumotlar berilgan.

Interyer faransuzcha so‘z bo‘lib – “*Interieur*” – *ichki tomon* yoki *ichki qism* degan ma‘noni bildiradi. Demak, *interyer* deb binoning to‘liq yoki bir bo‘lagining ichki ko‘rinishiga aytilar ekan. Zamonaviy arxitekturada interyer muhim o‘rinni egallaydi.

Interyer perspektivasini qurishda ko‘rish nuqtasi va ko‘rish burchagini to‘g‘ri tanlash juda muhim hisoblanadi. Ko‘rish burchagi  $\alpha=30^\circ$  gacha bo‘lsa xona ichidagi buyumlar va ko‘rish maydoni juda kichiklashib, qisqarib ketadi. Agar ko‘rish burchagi katta bo‘lsa ( $\alpha=90^\circ$  va undan yuqori) kuzatuvchiga yaqin turgan buyumlar perspektivasi asliga o‘xshamay qoladi. Shuningdek, to‘g‘ri chiziqlar egri chiziq bo‘lib tasvirlanadi (xuddi binoga juda yaqin joydan uning fotonusxasi olingandek). Oldinda turgan buyumga nisbatan orqada joylashgan buyum haddan tashqari qisqarib ko‘rinadi. Shu sababli interyer perspektivasini qurishda eng yaxshi gorizontal ko‘rish burchagi  $40^\circ\text{--}60^\circ$  orasida olinsa maqsadga muvofiq bo‘ladi. Ko‘rish nuqtasi balandligi bino ichki balandligi va undagi buyumlarning joylashuviga bog‘liq holda tanlanadi.

Interyer rasmini chizishda asosiy vazifa perspektivada uni to‘g‘ri tasvirlash muhim ahamiyatga ega hisoblanadi. Rasm chizuvchi qarash nuqtasini to‘g‘ri tanlashiga bog‘liq bo‘ladi. Bu yerda asosiy vazifa perspektiv qisqarishlarni to‘g‘ri bajarish va yo‘nalishalarni to‘g‘ri tanlashga bog‘liq. Bunda ufq chizig‘ini shunday tanlash lozimki, xona haqiqatda ham hayotdagidek ko‘rkam ko‘rinishi lozim.


Rasmni chizishdan oldin kompozitsiya va uning yechimini to‘g‘ri tanlash, rasmni bosqichma-bosqich chizishda har bir narsaning shakli va hajmini to‘g‘ri bajarishni amalgalash oshirish, so‘ngra yorug‘ va soyadan to‘g‘ri foydalanilib, ya-qollikni ta’minalashdan iborat bo‘ladi. 1-rasmda xonaning burchagi jihozlari bilan bosqichlarda qalamda bajarilishi ko‘rsatilgan.



*a) 1- rasm*


Interyerlarda zinapoyalarga ham duch kelinadi. Ko‘tariluvchi va pasayuvchi zinapoyaning rasmini chizishda eng avval uning sxematik tasviri chizib olinadi (2-rasm). Xona (etaj-qavat) balandligi  $3\text{ m}$  deb olinsa, ufq chizig‘i  $1,50\text{ m}$  balandlikdan o‘tkaziladi. Shunda ikkinchi qavatga ko‘tarilishi uchun

ikkita bosqich bosib o‘tiladi. Rasm chizuvchi o‘zini birinchi bosqichda deb his qilsa, ikkinchi bosqich ko‘tariluvchi, birinchi bosqich esa pasayuvchi zinapoya hisoblanadi. Ikkala bosqichning o‘rtasidagi maydonchada turib rasm chizish paytida o‘zini pasayuvchi zinapoya maydonchasidaman deb  $P$  bosh nuqtani o‘zining ro‘parasida, ufq chizug‘ini belgilaydi. Bu yerda ufq chizig‘i ikkinchi bosqich oxiradagi maydonchaga to‘g‘ri keladi.  $P$  dan vertikal chiziq chizilib, unda zinapoyaning ko‘tarilish burchagi α yordamida  $P_1$  aniqlanadi.



*b) 2- rasm*

© 2023 by Nauka Publ. Co. Ltd.



**3- rasm**

Zinaga oyoq qo'yiladigan marsh eni va uning balandligi aniqlanib, kartina burchagida  $OA$  belgilab olinadi. Ushbu  $OA$  chiziq davomiga nechta marsh bo'lsa, shuncha  $OA$  o'lchab qo'yiladi. A nuqta  $P_1$  bilan tutashtiriladi, so'ngra  $A_1$  bilan  $P$  tutashtirilsa,  $AP_1$  chiziqni  $B$  nuqtada kesib o'tadi.  $B$  nuqtadan pastga vertikal chiziq chizib birinchi marsh yasaladi. Shu tartibda qolgan marshlar chiziladi. Ko'tariluvchi zinapoya rasmi chizib bo'lingandan keyin, pasayuvchi zinapoyani chizishga o'tiladi. Ikkala zinapoya oralig'idagi masofani ifoda qiluvchi

oraliqning pasayuvchi chizig'i  $P_2$  ga, ko'tariluvchi chizig'i  $P_1$  ga tutashtiriladi. Yonma-yon joylashgan ko'tariluvchi va pasayuvchi zinapoyalarning marshlari bir xil o'lchamga ega ekanligidan foydalanilib, pasayuvchi zinapoya chiziladi. Bu yerda zinapoya marshlarining ichki qismlari ko'rinxmaydi (3-rasm). Barcha yasashlarni chizilgan rasm orqali bilib olish qiyinchilik tug'dirmaydi.

Interyer perspektivasini qurishda perspektiv tasvir yasash usullaridan kompleks tarzda foydalaniladi, chunki obyekt qismlari har xil murakkablikda va kartinaga nisbatan turli xil vaziyatda joylashgan bo'ladi.

Perspektiv tasvir qurish qoidalaridan tasviri san'at darslarini olib borishda amaliy foydalanish o'quvchi-talabalarda mustaqil ravishda to'g'ri rasm chizish ko'nikmasini hosil qiladi. Realistik tasviri san'atda turli kompozitsiyalar tuzish, ekstteryer va interyerlarning perspektivasini talab darajasida bajara olishda perspektiva fanining o'mi asosiy vazifasini o'taydi.

### Библиографик рўйхат

1. Chizma geometriya kursi / Murodov Sh. K. va boshqalar. –T. : Iqtisod-moliya, 1988.
2. Valiyev A. N. Perspektiva. – T. : Voris-nashriyot, 2013.
3. Климухин А. Г. Начертательная геометрия. – М. : Стройиздат, 1973.

# ТАЛАБАЛАР БИЛИМИНИ ХОЛИСОНА БАҲОЛАШ – УЛАРНИНГ ИЖОДИЙ ФИКРЛАШ ҚОБИЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

А. А. Зафаров

Ўқитувчи,

Андижон давлат университети,

Андижон шаҳри, Андижон вилояти,

Ўзбекистон

---

**Summary.** In this article is given the importance of assessment of students. As a result they develop their critical thinking. There are given the differentiation of assessment and methods according to difficulties of a given task.

**Keywords:** critical thinking; assessment.

---

Маълумки, яқин кунларга қадар республика олий ўқув юртларида ўқитиш натижаларини ташхислаш ва назоратлашнинг асосий усуллари сифатида ёзма ва оғзаки имтиҳонлардан фойдаланилар эди. Мустақиллигимизнинг дастлабки беш йилида бунга қўшимча, холисона усул сифатида, педагогик тестлов [1] келиб қўшилди, десак муболага бўлмайди. Аммо у ягона холисона усул сифатида ўз ўрнини топа олмади. Бунинг ўзига хос сабаб ва оқибатлари мавжуд бўлиб, у ҳам бўлса унинг ютуқ ва камчиликларига келиб тақалди. Ёзма ва оғзаки имтиҳонларнинг қадрияти уларнинг ўта соддалиги ва кўлланишининг осонлигидангина эмас, балки талабанинг алданувчанлигини текшириб қўриш имконини беради. Ёзма имтиҳон талабада мустақил ишлаш, фикр ва мулоҳазаларини равон ва ифодали баён этиш қобилиятларини ривожлантиради, оғзаки сўровда фикрлаш фаолияти, таҳлил этиш, синтезлаш, ўз фикрини асослаш хусусиятлари ривожланади. Педагог билан талаба ўртасида диалог ҳосил бўлиши эвазига баҳоланувчи сўров жараёнида билимига шубҳани бартараф этиш имконига эга бўлади. Аммо мавжуд илмий-услубий адабиётларда учрашича, ёзма имтиҳон ҳам, оғзаки сўров ҳам баҳолашда етарли холисоналикни таъминлай олмайди [2; 3].

Машхур олим-тестолог В.С.Аванесов холисона назоратлашнинг икки хил йўлини кўрсатади [4]: «Биринчи, анъанавий йўл-ҳамкаслар баҳолашини шакллантириш, бунда ҳамкаслар таркиби ва сони назоратланаётган ишнинг қадр қийматига кўра белгиланади. Бу ҳолда баҳо одатда холисона дейилса ҳам, бир неча субъектив фикрларнинг йиғиндиси объектив, яъни холисона ҳолатни акс эттиrmайди. Иккинчи назорат холисоналигини оширувчи йўл – стандарт тест дастурлари ва техник воситаларни қўллашдир», деб таъкидлайди.

Албатта бу жуда кўп меҳнат, аниқ назарий ва амалий ечим воситаларини қўллаш билангина амалга оширилади. Фикримизча бу ўта

мураккаб педагогик масалани инвариант тест топшириқларини қўллаш билан ҳал этиш мумкин.

«Инвариант тест топшириқлари» тушунчаси бир хил ўқув материаллари (муайян бир савол, аниқ бир ўқув мақсади) ўзлаштирилишининг қандайдир модели «тест топшириқлари оиласи» демакдир. Инвариант педагогик тестларнинг хусусий жиҳати талаба билимини назоратловчи бир хил саволга, қийинлик даражаси ҳар хил, тест балларини бир хил тарқалиш қонуни ва дисперсиясида умуман бир хил ўртача қийинчиликка эга бўлишигидадир. Инвариант тест топшириқларини тузишда эвристик алгоритмдан фойдаланиш, мантиқий ва грамматик инвариант тестлар банкини шакиллантириш мақсадга мувофиқдир.

Таъкидлаш лозимки, техника фанлари учун тест топшириқлари тузишда фикримизча мантиқий инвариантлар тест топшириқлари ўзлаштириш даражаси бўйича дифференциаллаштирилган: билиб олишга йўналтиришни, репродуктив фикрлаш, продуктив фикрлаш, ижодий фикрлашдан иборат тўрт даражали ўзлаштириш мезонлари асосида олиб борилиши ва маҳсус ишлаб чиқилган № DGU 01129, № DGU 01130 компьютер дастурларини қўллаш мақсадга мувофиқ.

Бу дифференциаллаштирилган мезонлар мазмуни қўйидагича бўлиши мумкин [5]:

a<sub>1</sub> – билиб олиш. Бунга топшириқни билиб олиш орқали бажариш киради. Бу топшириқ объектни турлаш, билиш, фарқлаш каби талабадан оддий ҳодиса ва тушунчаларни билишни талаб қиласди.

a<sub>2</sub> – репродуктив фикрлаш. Маълум қоида ва формулалар ёрдамида осон ечиладиган тест топшириқлари киради. Бундай топшириқлар синалувчидан аввал намунали ҳолатда ўзлаштирилган билимини қайта қўллай билишни назорат қиласди.

a<sub>3</sub> – маҳсулдор фикрлаш. Топшириқни ечаётган талаба эвристик фаолиятни намоён этади, аввал ўзлаштирган қоида ва усулларни янги ҳолатни ҳисобга олган ҳолда қўллай билишни назорат қиласди. Топшириқни бажаришда талаба аввалги билимларини янги ҳолатларда қўллай олиши, бу қийинликдаги топшириқлар мантиқий фикрлаш даражасида фаолият кўрсатишни талаб қиласди.

a<sub>4</sub> – ижодий фикрлаш. Бу тўртинчи қийинлик даражасидаги топшириқлар талабадан ижодий ёндошувни, илмий-тадқиқий маҳоратни талаб қиласди. Бундай топшириқлар мисолида муаммовий топшириқлардан фойдаланилади. Бунда тайёр жавоб бўлмайди, жавобнинг сифатига бир гуруҳ экспертларнинг фикри зарур бўлади. Бундай тестларни магистратура ва узлуксиз таълимнинг ундан кейинги юқори малакали мутахасис тайёrlаш жараёнларида фойдаланилиши мақсадга мувофиқ.

Биринчи учта қийинлик даражасидаги тест топшириқларини узлуксиз таълимнинг бакалавриатура босқичида кенг қўллаш, тўртинчи

қийинлик даражасидаги тест топшириқларини эса асосан магистратура босқичида қўллаш тавсия этилади.

Талабалар билимини холисона баҳолашни кафолатлаб, ижодий фикрлашга иштиёқини қучайтириш орқали уларнинг илмий-тадқиқот фаолиятларини самарали ташкил қилиш ва натижавийлигига эришиш мумкин.

Бугунки кунда қўлланиб келаётган анъанавий баҳолаш меъзони учун белгиланган “етуклик тестлови”га асосланган “55” балл миллий узлуксиз таълим талаблари асосида рақобатбардош мутахассислар тайёрлаш имконини беролмайди. Замонавий талаблардан келиб чиқадиган бўлсак “етуклик тестлови” эмас, балки “критериал тестлови”, яъни минимал тестлов бали “55” дан керакли даражада кўп “75”, “80”, “85”, “90” ва х.к. бўлиши мақсадга мувофиқ. Шундагина янги тайёрланаётган ёки малака ошириш орқали қайта тайёрланаётган мутахассисларда “рақобатбардошлик” потенциялини қучайтириш билан бирга билим сифат кўрсаткичини тўла ва аниқ кафолатлаш имконини барпо этиш мумкин. Бунинг учун, энг аввало талабалар ва тингловчилар билимини ҳолисона баҳолашга эришмоқ лозим. Ҳозирги кунда муаллиф томонидан Андижон давлат университетида бакалаврият таълим йўналишлари талабаларининг жорий ўзлаштириш кўрсаткичларини ошириш учун замонавий таълим технологиялари асосида адаптив тестлов тизимини ишлаб чиқиш устида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

### **Библиографик рўйхат**

1. Джумабаева Ф. А. Повышение качество обучения и объективности знание студентов на основе инвариантных тестов : автореф. дисс. канд. пед. наук. – Ташкент, 1999. – 18 с.
2. Фарберман Б. Л., Мусина Р. Г., Джумабаева Ф. А. Олий ўқув юртларида укитишнинг замонавий усуллари (Ўқув услуой кулланма, узбек ва рус тилларида). – Т., 2002. – 192 б.
3. Джумабаева Ф. А., Сўғиҳужаев Н., Турсунова З. М. Талабаларнинг ижодий фикрлашини ривожлантириш (ўқув қўлланма). – Андижон, 2002. – 117 б.
4. Аванесов В. С. Основы научной организации педагогического контроля в высшей школе. – М., 1989. – 166 с.
5. Зафаров А. А., Джумабоева Ф. А. Талабалар билимини мезонларини илмий асосда такомиллаштириш муаммолари // Илмий хабарнома, АДУ, 2015. – № 3. – Б. 96–98.

# METHODS AND MEANS OF FORMING INDEPENDENT THINKING

A. S. Kulakhmedova

Teacher,  
Chilanzar Academic Lyceum,  
Tashkent State Economic University,  
Tashkent, Uzbekistan

---

**Summary.** This article is devoted to methods and means of forming independent thinking in the sphere of educational process. Here is given the concept to thinking, its types, the importance of forming independent thinking, through works of famous scientists is described the ways and methods of forming and developing of free creativeness.

**Keywords:** independent thinking; creativity; educational process.

---

Thinking is the highest form of man's intellectual activity, the most generalized and mediocre form of real world reflection, setting essential connection and relations between objects, the process of cognition, which is bound with discovering subjectively new knowledge, with problem solving, with creative altering of reality. Thinking is an operative process. Many scientists since ancient times have been involved in the problem of thinking. There are a lot of types and varieties of thinking; but this article is devoted to independent thinking in the educational process.

The independence of thinking is characterized by man's ability to put forward new tasks and to find required solutions and answers without asking other people to help him. But it does not mean that free thinking person does not rely on knowledge, thoughts, and experience of other individuals. People having independent thinking consciously learn and creatively use the experience and knowledge of other people and, vice versa, people, especially schoolchildren, who do not have free thinking, can only orient on others knowledge and experience, and while solving problems of various type and answering different questions can solely be based on ready formulas, schematic solutions, not aspiring to find his own way and methods of resolving.

In the sphere of educational process the teacher often has to come across with independent and non-independent thinking of schoolchildren. In most of the cases, students, having free thinking ability, can easily cope with such kind of tasks, as, for example, briefly retell the content of the story with your own words, find the right solution of a mathematical problem of a new type and etc., however other learners cannot perform or do the similar tasks individually, without their teacher's aide or ready sample. Forming of independent thinking of students is one of the most important goals of most educational establishment.

E. Torrens, E. De Bono, R. Krachfield are among the most famous authors that worked out the methods of formation of creative qualities. They were the first scientists who tried to find the best methods of independent thinking formation. E. Torrens's methods are based on training that consists of several stag-

es. During every stage the evolution of free creative thinking is happened. E. Torrens emphasized thinking as the main implement of creativity. But this instrument must be free from thoughts and models imposed by the society. R. Krachfield linked the formation of creativity, independent thinking, with solving of creative tasks. He produced the methods where the main elements were creative tasks. The famous psychologist E. De Bono created his own methods of formation of creative thinking on the bases of playing activity. He considered that personality is in the mod for creativity in the process of playing.

Great opportunities for formation and development of skills of independent creativity action are given by use of playing different games. Game makes active aspiration of pupils to contact with each other and with the teacher, creates equality conditions in speech partnership, destroys a traditional barrier between the teacher and the pupil. Game gives the chance the shy to break an uncertainty barrier. In it everyone receives a role and should be the active partner in speech dialogue, for example. In games students seize such elements of a dialogue as ability to begin conversation, to support it, to interrupt the interlocutor, from time to time to agree with his opinion or to deny it, ability to listen to the interlocutor purposefully, to ask specifying questions etc.

Games are very important for forming learner's informative interests. They promote development of such qualities as independence, initiative; to educate the feeling of a collectivism. Students work actively with enthusiasm, help each other, listen to the companions attentively; the teacher only operates educational activity. It is necessary to note efficiency a role game as a methodical way of training raises, if the educator defines duration of speech dialogs correctly. Duration of optimum working capacity of pupils of especially elementary grades, forms, in a dialogue reaches five minutes, not more. The expediency of use of role games, in primary school is caused by the fact that children prefer the group form of study. For them joint activity and a dialogue get the personal importance, they aspire the development of new forms and ways of a dialogue, knowledge of other people, the organization of mutual relations with contemporaries and adults.

However a good teacher may be, students will never learn anything, unless they aim to learn outside as well as during class time. This is because some subjects are too complex and varied for there to be enough time for students to learn all they need to in a classroom. As it is proved by several scientists, not everything can be taught in class. To compensate for the limits of classroom time and to counter the passivity students need to develop their own learning strategies. This does not always happen automatically. Attitudes to self-directed learning are frequently conditioned by the educational culture in which students have studied or are studying. We, educators, tell students that they should take charge of their learning, that the teacher is a helper and guide rather than the source of knowledge and authority.

According to my personal point of view, it has a great role to organize at lyceum various meetings with both the children and their parents. To be more specific, when a child talks with teacher near his parents to tell and discuss his/her own problems and difficulties during the educational process, they have no choice to lie and mostly they will be sincere in regard to teacher and will list their difficulties on a definite subject. Therefore, basing on student`s problems and wishes, teachers will gradually change their outdated tactics of learning making some amendments and adding something new for curriculum pupils expect from their teachers. As a result, students are much more encouraged by teachers so then it increases student`s keen interest on subject and supports pretty interesting atmosphere of learning due to the fact that the lessons are conducted as they want the teacher would lead. As a consequence, such activities will absolutely increase productivity as well as efficiency of many subjects.

All in all, it is necessary to mention again that the teachers are just like a “guide” and nothing more. Teachers undoubtedly play an important role in the progress of pupil however students should not forget to make own contributions to learning and help their teachers from time to time.

## ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎРГАТИШДА ЛЕКСИК МАТЕРИАЛНИ КИРИТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ЮЗАГА КЕЛАДИГАН ҚИЙИНЧИЛИКЛАР ХУСУСИДА

Д. Х. Косимова

Ўқитувчи,

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият  
институти, Тошкент, Ўзбекистон

---

**Summary.** In this article are the features and the introduction of lexical material weaknesses in teaching English

**Keywords:** lexicon; synonym; antonym; lexical unit; equivalent.

---

Инглиз тилида ўқитишнинг асосий турларидан бири бўлган лексикага ўргатиш тил ўргатишнинг энг муҳим бўғинларидан биридир. Лексик материални ўргатиш тил ўргатишнинг барча босқичларида амалга оширилади. Лексик материални киритиш ўзининг бир қатор хусусиятларига эга. Лексик материални ўргатишнинг ўзига хос бўлган босқичлари мавжуд. Уларга қўйдагиларни киритиш мумкин:

1. Янги лексик бирлик билан танишиш, киритилган лексик материални бирламчи мустаҳкамлаш;

2. Киритилган тил материалини нутқ фаолиятининг барча турларида қўллаш.

Янги лексик бирликни киритиш ўз ичига сўзнинг шаклини, маъносини ва ишлатилишини қамраб олади. Лексик бирликни амалий

эгаллаш аввало, сўзнинг тўғри талаффузини эгаллашдан бошланади. Бунга эришиш учун ўқитувчи лексик бирликни тўғри талаффуз кўникма ва малакаларин ҳосил қилиши лозим, Бу мақсадда ўқитувчи турли методлардан фойдаланади. Масалан, тақлид қилиш усули орқали ўқитувчи ўқувчиларда лексик бирликни тўғри талаффузни шакллантиради ва шу баробарида ўқитувчи ўқувчиларга сўзнинг тўғри талаффузидаги нутқ органларининг иштирок этиши ҳақида ҳам маълумотлар бериб боради. Шу билан биргаликда ўқитувчи лексик бирликка хос бўлган товуш ва ҳарф муносабатлари, ҳарф ва товуш муносабатарини тушунтириб боради.

Лексик бирликнинг киритилишидаги иккинчи қадам, бу лексик бирликнинг семантизацияси устида ишлаш (сўзнинг маъносини очиш) саналади. Тилшуносликда сўзнинг маъносини киритишида икки хил ёндашув мавжуд:

1. Таржимасиз
2. Таржимали

Таржимасиз усулда лексик бирликни киртишида нарса ёки буюмни намойиш қилиш, нарса буюмларнинг расмларини намойиш қилиш, иш ҳаракатни ифодаловчи лексик бирликларни киритишида эса бу сўзларни маъносини ҳатти-ҳаракатлар, имо-ишоралардан фойдаланиш самарали саналади. Бу усулдан кўпинча тил ўргатишнинг бошланғич босқичида фойдаланиш тавсия этилади. Тил ўргатишнинг ўрта ва юқори босқичларида янги киритилаётган лексик бирликнинг тавсифини ўқувчиларга таниш бўлган сўзлар воситасида тавсифлаш орқали:

Масалан, *cinema – a building where films are shown;*

Маълум турга оид бўлган лексик бирликлар қаторини давом эттириш орқали: Масалан, *cats, dogs, cows, horses, pigs are animals.*

Синоним ва антоним сўзларни семантизацияси орқали:

Масалан, *Cold – hot; quick-slow; interesting – dull; beautiful – ugly etc.*

Сўз маъносини матндан фактларга таяниб англаб олиш орқали:

Масалан, *Columbus discovered America in 1492.*

Сўз маъносини унинг ички қурилишига таяниб англаб олиш:

Масалан, таниш бўлган ўзак ва таниш бўлган сўз ясовчи қўшимчалардан сўзлар ясаш орқали: *worker, dancer, player, designer, singer, seller etc.*

Таниш бўлган таркибий қисмлардан таркиб топган мураккаб сўзларни таҳлил қилиш орқали: масалан, *schoolboy, schoolgirl, schoolchildren etc.*

Лексик материални киритишида юқоридаги каби таржимасиз усуллардан кенг фойдаланиш ўқувчиларда тил материалларини ўзлаштиришда топқирликка ўргатади. Бу усулнинг камчилиги шуки, баъзан ўқувчилар сўзларнинг маъносини аниқ топишда қийинчиликка учрайдилар ва бу усулдан фойдаланиш таржимали усулдан фойдаланишга қараганда кўп вақт талаб қиласди.

Лексик бирликни киришида таржимали усуллардан фойдаланишнинг қуидаги усуллари мавжуд:

1. Лексик бирликни киришида уни она тилидаги эквивалентини бериш орқали *An apple – олма, a dog – ўт, a cat – мушик, a horse – от, a room – хона* etc.

2. Изоҳли таржима: бу усулда сўзнинг она тилидаги таржимаси билан биргаликда сўзнинг маъноси кенгайтириб очиб берилади. Масалан, *big – катта* (*нарса буюмнинг ўлчовини билдиради*). *Great – буюк* (*машиҳур*).

Янги лексик бирликлар устида ишлашда уни алоҳида ёки матн таркибида учрашидаги хусусиятларини эътиборга олиш муҳим саналади. Чунки, инглиз тилида сўзларнинг кўп маънолилиги баъзан муракабликларни келтириб чиқаради, масалан *to cry* сўзининг семантик майдонида “қичқирмоқ”, “йиғламоқ” каби маънолари мавжуд. Шунинг учун лексик бирликларни киришида уларнинг контекстуал маънолари ва ишлатилишига эътибор қаратиш лозим.

Ўқувчиларнинг лексик материални эгаллашларида бир қатор машқлардан фойдаланилади, масалан тайёрлаш машқлари ва нутқ машқлари.

Тайёрлаш машқлари орқали лексик бирликнинг шакли ва мазмuni ўзлаштирилади. Нутқ машқларида эса, ўрганилаётган лексик материалдан фойдаланиш малака даражасига олиб чиқилади.

Тайёрлаш машқларида лексик материал турли машқлар ёрдамида киритилади, масалан сўзларни белгиларига кўра гурухларга ажратиш, матндан бир хил сўз туркумiga оид сўзларни топиш, янги лексик бирликни аввалдан таниш бўлган сўзлар иштирокида киритиш кабилар. Нутқ машқларида киритилган лексик бирликлар матнлар таркибида, нутқий диалоглар таркибида ишлатилиши билан изоҳланади. Киритилган лексик бирликни ўқувчиларнинг хотирасида сақланиб қолишлиги учун улар такрор ва такрор ишлатилиши тавсия этилади. Нутқ машқлари сирасига лексик бирликларни эквиваленти билан алмаштириш машқини киритамиз, бу машқда ўқувчилар ажратиб кўрсатилган сўзларнинг синонимларини ёки антонимларини топиб уларни алмаштирадилар. Лексик қурилмани кенгайтириш ёки қисқартириш машқлари ҳам нутқ машқларидан саналади. Бу машқни бажариш жараёнида ўқувчилар гапни ўрганилган янги лексик бирликни ишлатиб кенгайтирадилар ёки аксинча грамматик қурилмани ўзгартирадилар, масалан эргашган қўшма гапни икки мустақил содда гап билан алмаштирадилар, бу ўринда гапнинг мазмuni сақланиб қолиши лозим.

Тугалланмаган гапни керакли лексик бирликларни ишлатиб тугаллаш машқлари. Бу машқларда гапни тугаллаш учун 3 ёки 4 вариантда сўз бирикмалари берилади, ўқувчилар тўғри бирикмани топиб, гапни якунлайдилар.

Лексик материални киритишида бир қатор қийинчиликлар юзага келади. Бу қийинчиликларни 4 гурухға ажратилади:

1) гурухға лексик материални фонетик ва график образлари билан боғлиқ бўлган қийинчиликлар.

2) гурухға лексик материални мазмуни билан боғлиқ бўлган қийинчиликлар.

3) гурухға лексик бирликларнинг грамматик қурилиши билан боғлиқ бўлган қийинчиликлар.

4) гурухға лексик бирликларнинг нутқда ишлатишида юзага келадиган қийинчиликлар. Мазкур қийинчиликларни бартараф этишда ўқитувчи тўғри усуллардан фойдаланиши муаммони бартараф этади.

Лексик бирликларни тўғри талаффузи ва ёзувини шакллантиришида ўқитувчи инглиз тили фонетикаси ва графикасидан етарлича тил малакасига эга бўлган ҳолда, юқорида келтирилган машқлар ёрдамида, сўзларнинг талаффузи ва ёзувда ифодаланиншига оид бир қатор машқларни ўтказдиради.

Лексик материал устида ишлашда тиллараро интерференция қийинчиликларга сабаб бўлади. Бу қийинчиликлар лексик бирликларнинг талаффузида, грамматик қурилишида, семантик таснифида кузатилади.

Шу билан бир қаторда инглиз тили лексикасини киритишдаги қийинчиликлардан бири инглиз тилидаги сўзларнинг кўп маънолилиги ва омонимларнинг кўплиги саналади. Лексикага ўргатишнинг асосий вазифаси ўқувчиларда луғат заҳирасини шакллантириш ва бу луғатни нутқ фаолиятида унумли қўллашдир.

### **Библиографик рўйхат**

1. Жалолов Ж. Ж. Чет тил ўқитиш методикаси. – Т. : Ўқитувчи, 1996. – 368 б.
2. Rogova G. V. Methods of teaching English. – Л. : Просвещение, 1975.
3. Общая методика преподавания иностранных языков в средних специальных учебных заведениях / под ред. А. А. Миролюбова и А. В. Паракиной. – М. : Высшая школа, 1978.
4. Обучение иностранному языку как специальности : учебное пособие / Бородулина М. К., Карлин А. Л., Лурье А. С. и др. – М. : Высшая школа, 1982. –255 с.
5. Шатилов С. Ф. Методика обучения немецкому языку в средней школе : учебное пособие. – Л. : Просвещение, 1977.

## РЕПЕТИТОРЛИК ФАОЛИЯТИ – МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ШАКЛИ СИФАТИДА

Д. И. Рўзиева,

*Педагогика фанлари доктори,  
профессор,  
ўқитувчи,*

Б. Мухаммадиев,

*Низомий номидаги Тошкент давлат  
педагогика университети,  
Тошкент, Ўзбекистон*

Ф. С. Файзиева

*йўқитувчи,  
Коракўл қурилиш ва саноат  
касб-ҳунар коллежи,  
Коракўл шаҳри, Бухоро вилояти,  
Ўзбекистон*

---

**Summary.** This article is dedicated to tutoring activities. Opens the advantages and disadvantages of this form of work. Recommendations for improving the quality of education.

**Keywords:** independent work; independent activities; independent learning; tutoring; pedagogical skills.

---

Педагогик жараённинг бош мақсади болани ҳар томонлама етук, соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш. Ушбу мақсадга қаратилган таълимтарбия жараёнида самара берувчи ўқитишнинг ҳар қандай шакли, методи ва воситаларини оқлаймиз. У ўқитишнинг оммавий усули бўладими, якка тартибдагисими, натижа муҳим.

Манбаларда репетитор (лотинчада “такрорловчи”, “қайтарувчи”) – уйда дарс берувчи ўқитувчи маъносини англатади. Дарслар алоҳида ва жамоада ўтказилиши мумкин.

Бугунги кунда репетиторлик хизматидан фойдаланиш икки хил кўринишида амалга оширилмоқда: очиқ ва яширин, яъни ўқув марказлари орқали ва уйда ёки таълим муассасаларининг ўзида. Бизга маълумки, бугунги кунда таълим муассасаларида ўқитишнинг сифати масаласига ҳукумат, вазирлик идоралари ва жамият томонидан қатъий ва жиддий талаблар қўйилмоқда, чунки техника ва технологияларнинг жадаллик билан ривожланиб бораётган ушбу замонда яшовчи ҳар бир шахснинг интеллектуал ривожланиши масаласига эътибор ҳар бир инсоннинг шахсан ўзи ва жамият учун ҳаётий эҳтиёжга айланмоқда.

Лекин, репетиторларнинг фаолияти, уларнинг сифат даражасини ким ўрганади? Репетиторда таълим олаётган бола ўз устида мустақил ишлишига эришиш учун нималарга эътибор берилмоғи керак?

Ота-она фарзандини билимли бўлиши, мустақил ҳаётда ўз ўрнини топа олиши учун олий маълумотли бўлишини хоҳлайди.

Бошланғич синфдан бошлаб репетитор ёллайдиган ота-оналар бор. Айнан болани мустақил ўз устида ишлашга ўргатиши нұқтаи назаридан масаланинг психологик жиҳатларига эътибор қаратсак.

Бола мактабдан келди, уйда бажариш учун топшириқ олиб келди. Болада айнан шу топшириқни бажариш масъулияти, эртага юлдузча, байроқча ёки «яша, азамат» деган ўртоқларининг олдида, ота она олдида мақтов эшитиши ҳиссини шакллантириш унинг кейинги мустақил фикрлаш, ўз устида мустақил ишлаш, мустақил ҳаётга тайёрланиш сифатларини шакллантиришга биринчи қадам әмасми? Хүш, репетитор келди. Боланинг баҳоси ёмон бўлса, ота она томонидан сўров биринчи навбатда репетитордан бўлишига биз қатори боланинг ҳам ақли етади.

Демак, бола ўйламай қўяди, келажаги учун безовта бўлиш ҳисси йўқолади, бир умр менинг муаммоларим билан ота онам, репетиторларим шуғулланади, деган ўзига қулай ва осон хulosага келади. Энг ёмони, бошланғич синфда 3 та, 4 та фандан репетитор билан шуғулланса, каттароқ синфларга ўтиб, предметлар сони кўпаяди, ҳаммасидан репетитор билан шуғулланишнинг имконияти камаяди, ўз-ўзидан қайси дир фанларнинг асослари бола томонидан умуман ўзлаштирилмай қолиб кетади. Энди, ҳали келажакда қайси касбни эгаллаши ҳақида аниқ бир хulosага келмаган бола ота-онанинг қистови билан бирор бир олий таълим муассасига кириш учун зарур бўлган учта фанни чуқур билиш учун алоҳида репетиторга қатнаб бошлайди. Аксарият ота-оналаримиз «Болам институтга кириб олса бўлди, бошқа фанларнинг бизга кераги йўқ» қабилида иш тутадилар... Минг афсуски, дастурларимизга киритилган ҳар бир фан боланинг ҳаёти, унинг мустақил фаолият кечириши асосларини ўргатади, факат унинг келажакдаги мақсадлардан келиб чиқиб қай миқдорда ўзлаштириши лозимлигини айнан шу давлат таълим стандартларимиз белгилаб беради, унга амал қилиш эса, боланинг келажагини таъминлайди.

Боладаги индивидуал қобилият, қизиқиши, интилишларини ривожлантириш учун у билан кўпроқ ишлаш, уни мустақил фаолиятга ўргатиши, ўзи ҳоҳлаган ва интилган машғулоти билан банд қилишнинг аҳамияти жуда муҳим. Ота-она бандлиги боис бунга вақт ажратади. Асосий масъулиятни ўқитувчига юклайди, осонроғи болани мактабда банд қилади ёки катта пул эвазига уйига репетитор ёллайди, бу билан факат ўзига қулай шароит яратади, болага әмас. Япон олимларининг олиб борган тадқиқотларига қараганда, вояга етмаганларнинг қриминоген гурухларга тушиб қолишларининг асосий сабабларидан бири ҳам таълим олиш жараёнида орттирилган руҳий толиқиши; қаровсизлик, ўзи истамаган фаолият билан шуғулланишга мажбур қилиниши экан.

Репетиторлик билан асосан кимлар шуғулланаётганлигини таҳлил қилиб кўрдик ва уларнинг ҳаммаси ҳам болада ўқишига иштиёқ, мустақил фаолият билан шуғулланишга ҳохиш уйғотмаслигига ишонч ҳосил қилдик.

Булар:

- Юқори малакали ўқитувчилар;
- болани дарсдан кейин мактабда олиб қолиб шуғулланадиган мактаб ўқитувчилари;
- қўшимча маблағ топишни режалаштирган талабалар;
- таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари;
- нафақага чиқсан педагоглар ва ҳатточи педагогик дипломга эга бўлмаса ҳам ўзини шу соҳанинг билимдони деб ҳисоблайдиган, ҳеч қаерда ишламайдиган шахслар.

Бизнингча, тўққиз йил мактабда ўқиб, уч йил коллеж ёки лицейда ўқиган боланинг репетитор хизматига мурожаат қилишига бир неча омиллар сабаб бўлмоқда:

1. Ўқитувчиларнинг педагогик маҳорати, таълим бериш сифатига қўйилаётган жиддий талабларга қарамасдан айрим педагогларнинг ўз устида ишламасликлари, болани жараёнга қизиқтира олмасликлари оқибатида ўқувчиларнинг фанга қизиқиши сусаймоқда. Буюк мутафаккир Мирзо Улугбек: «Болаларнинг билим олишни истамасликлари мударриснинг нодонлигидандир, чунки бундай тарбиячилар таълим усулларини нотўғри қўллаш билан болаларнинг билимга қизиқишлиарини сўндирадилар. Мударрис авваламбор ўзини тарбиялаши, билим ва малакаларни эгаллаши лозим», дейди.

2. Глобал ахборотлашув асрида бола ўзига осон, қулай, лекин, кераксиз маълумотларга чалғимоқда, нима керак, қайсиси кераксиз эканлигини ажратиб ола олмасдан вақтини бекор ўтказмоқда, бунга сабаб боладаги бекор вақтнинг кўплиги, унинг эътиборсиз қолдирилаётганлиги;

3. Синфлардаги бола сонининг кўплиги. Бошланғич синфда ҳар бир боланинг қўлидан ушлаб ҳуснихатга, ўқишга индивидуал ўргатиши лозим бўлган ўқитувчи 45 та бола билан улгуриши масаласини ўйлаб кўришимиз керак, бизнингча.

4. Таълим муассасалари билан ота-оналар ҳамкорлигининг етарли даражада йўлга кўйилмаганлиги;

5. Ўқитувчи, мактаб психологи ва ота-она билан ҳамкорликда боланинг қизиқишлиари, имкониятларидан келиб чиқиб унга муносабатни ташкил этишининг қониқарсизлиги. Фанда боланинг индивидуал ҳусусиятларини инобатга олиш масаласи катта аҳамият касб этади.

6. Болаларнинг ўз мақсадини аниқ тасаввур қила олмасликлари.

Педагогикада болани ўз қизиқишлиаридан келиб чиқиб кўпроқ ўз устида мустақил ишлаши, қолаверса, қўшимча дарслар олиши фақат қўллаб қувватланади.

Аллома Абу Али ибн Синонинг ҳаётини ўқиганимда отаси у билим олиши учун муаллим ёллаганлиги хакидаги маълумотга дуч келганман. Зукко шогирдининг баъзи саволларига жавоб бера олмаган устоз отага –

"Узр, буёгига аклиниз ожиздур. Шундай экан, Хусайнга узга бир муаллим, илми кучлирок устоз ёллаганингиз маъкулроқдир" – деган экан.

Иқтидорли, олий таълимда ўқишини давом эттиришни истаган ёки бирор қўшимча билим олишни истаган ҳар бир бола эътибордан четда қолмаслиги керак, бу биз педагогларнинг бевосита амалга оширишимиз лозим бўлган хизмат вазифамиз.

Шахсга йўналтирилган таълим технологиясининг мақсади ҳар бир ўқувчининг хохиш, имкониятлари, индивидуал хусусиятларидан келиб чиқиб педагогик жараённи ташкил этиш.

Болага чуқур билим бериш, бу йўлда оммавий ахборот воситаларида, барча мактабгача таълим ва умумий ўрта таълим босқичларида боланинг ўзига хосликлари, қизиқиши, ақлий, жисмоний, руҳий имкониятларидан келиб чиқиб маълум касбларга йўналтириш, фанларнинг асосларини эгаллаб олишларига имкониятлар яратишга, керак бўлса, қўшимча дарслар, машғулотлар, тўгаракларнинг сифатига қаттиқ эътибор беришга, боланинг тасодифий "репетиторлар" эмас, малакали педагоглар қўлида дарс олишларига эришиш, ота она ва ўқитувчиларнинг масъулиятини янада ошириш, ота оналарнинг ўзларининг педагогик, психологик саводхонлигини ошириш масалаларига кучли ва жиддий эътибор беришимиз керак бўлади.

Фарзандининг келажагига бефарқ бўлмаган ҳар бир ота-она болага эътиборсиз бўлмаслиги, тарбия жараёнида учраётган муаммоларни ўрганиб бориш учун таълим муассасалари билан бевосита ҳамкорлик қилиши, боланинг интилиши, иқтидори ва мақсадини ўз вақтида англаб, унда ўқишга хохиш, ўзига ишонч руҳиятини уйғотиши, кўпроқ мустақил ўз мақсадига интилишига эришиши жуда муҳим.

## МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШНИНГ ЎСИШИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

Ш. А. Халметова

*Катта ўқитувчи,  
Низомий номидаги Тошкент давлат  
педагогика университети,  
Тошкент, Ўзбекистон*

**Summary.** The article analyzes the factors affecting the formation of independent thinking at the growing generation. Many means studied as influencing factors and their place and role in the education of a harmonious personality is found. The importance of family, education and society in the educational process is revealed.

**Keywords:** world; globalization; independent thinking; social institution; family; society.

Бугунги XXI аср – ахборотлар асри, глобаллашув жараёнларининг мисли кўрилмаган даражада тезлашуви ва юксак технологиялар

замонидир. Шундай мураккаб замонда инсоният ҳар қадамда хушёр бўлмаса, мустақил фикрлаш маданияти шаклланмаган бўлса, унинг ўзи кашф этган техник янгилик нафақат фойда, балки зарар ҳам келтириши мумкин.

Зоро, Президентимиз таъкидлаганлариdek; “...баъзан беозор бўлиб туюладиган мусиқа оддийгина мультфильм ёки реклама лавҳаси орқали ҳам маълум бир мафкуравий мақсадлар ва интилишлар ифодаланади”. Бу фикрлар айнан компьютер, Интернет ва ундан фойдаланиш масаласига тегишлидир. Ҳозирда мактаб ёшидаги болалар Интернетдан тобора эрта фойдаланишга интилмоқда. Бироқ мутахассисларнинг фикрига кўра ўн ёшга етмаган бола мустақил равишда Интернетдан фойдаланиш учун зарур булган танқидий-таҳлилий фикрлаш ва шу асосида маълумотларни фарқлай олиш, уларни ажратা билиш қобилиятига эга эмас. Шундай экан ўсиб келаётган ёш авлодни имкон қадар мустақил фикрлаш онгини ўстириш, уларни яхши-ёмон ахборотларни таҳлил қила олиш кўникмасини шакллантириш лозим. Бунинг учун пухта илмий асосда ташкил этилган, мунтазам ва узлуксиз равишда олиб бориладиган маънавий тарбия ва таълим самарадорлиги орқали эришиш мумкин. Ёшларимиз бундай тарбияни ўтмишнинг бебаҳо илмий ва маънавий меросидан баҳраманд бўлиш, шу асосда ўзининг кимлиги, қандай буюк зотларнинг авлоди эканини англаб этиш билан топадилар.

Ёшлар учун мустақил фикрнинг шакланишида таълим-тарбия алоҳида ўрин эгаллайди. Ёшлар дастлаб оилада ҳамда таълим-тарбия муассасаларида шахс сифатида шаклланса, кейинчалик у давлат ва жамият учун ўз мустақил позициясига эга фуқаро бўлиб мафкуравий жихатдан ҳам шаклланиб боради. Жамият ҳаётида у ўз эҳтиёжларини қондириш мақсадида бошқа одамлар билан бирлашишга ҳаракат қиласди.

Ёшлар ўзларининг таълим-тарбия натижасида олган тегишли билим ва кўникмалари воситасида ёхуд мустақил дунёқараши шаклланиши натижасида табиий равишда сиёсий ва ижтимоий муносабатларида иштирок этишга интилади. Ёшларнинг шахс сифатида шаклланиши жамиятдаги турли ижтимоий институтлар: оила, мактаб, маҳалла кабилар ҳамда оммавий ахборот воситалари таъсирида амалга ошади.

Мустақил фикр ва дунёқарашибга эга ёшларгина фаол фуқаро бўлиши мумкин, яъни фуқаро сифатида ўзини англаб сиёсий жараёнларда фаол иштирок этиши, жамият сиёсий манфаатларига нисбатан содиқлиги ва бундай умуммиллий манфаатлар йўлида ўз жонини ҳам аямаслигидир. Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги давлат ва жамият бошқарувидаги иштироки, ёшларнинг мустақил фикрга эгалиги, ижтимоий-сиёсий онги ва маданияти даражасида белгиланади.

Оилада меҳр ва муҳаббат, самимилик, ишонч, раҳмдиллик, меҳнатсеварлик, каттага хурмат, кичикка иззат, кечиримли бўлиш, зиддиятли вазиятларни таҳлил қила олиш, қарияларга ёрдам бериш,

күнгли очиқлик, бошқалар дарди ва ёрдамга мұхтожлигини ҳис қилишга ўргатади, бошқалар урф ва одатларини ҳурматлашга ўргатади.

Мактабда маданий диалог, инсоният тарихидаги цивилизациялар, диний әътиқод ранг-баранглиги, миллий ранг-баранглик, турли хилдаги одамлар ва маданиятлар ичіда яшаш, ижтимоий мұхитта күникош, ижтимоий ҳодисаларга түғри баҳо бериш, ижтимоий фаолликнинг кучайиши, болани келгусида мағкуравий инқизорлардан асрайди.

Маҳаллада турли ёт гурухлар, турли ғоявий ва мағкуравий таҳдидлардан огохлик, уларни фарқлаш, жамоа бўлиб яшаш қадриятларини эъзозлаш, маҳалла орқали болани ижтимоийликка ўргатиш, маҳалла тадбирларида фаол бўлиш, ҳашарлар, тўй ва маъракаларга бориш кўникошларини эгаллаш, ўзгалар манфаатларини кўриш ва англашга ундейди.

Ёшларнинг мустақил фикрлаш маданиятини шакллантириш учун уларда қуйидаги сифатларни шакллантириб бориш лозим:

- Мустаҳкам әътиқод, фикрий холислик ва бурч масъулиятига жиддий қарааш;
- Мустақил виждон эркинлигини қадрлаш;
- илмий ижод, меҳнат, тадбиркорликка мойилликни кучайтириш;
- ватанига, миллатига, тилига, динига ҳурмат руҳида тарбиялаш;
- диний-ахлоқий қадриятлар ва илмий-маърифий омилларни ўрганишга эҳтиёжнинг түғри ва мақсадли қондиришга эришишга ўргатиш;
- Маърифий тадбирларни ташкил этиш чоғида хилма-хиллик, ранг-барангликка, ноанъанавий ёндашувларга этибор берган ҳолда ёшларни жалб этиш;
- Бундай тадбирларни ташкил этишда ёшларнинг имкониятлари, маънавий қизиқиш ва эҳтиёжларини инобатга олиш, уларнинг ёши, фаолият турлари, муайян социал қатламга алоқадорлиги кабиларга таянган ҳолда иш кўриш кўзланган самарани бериши мумкинлигини унутмаслик керак;
- Миллий ва умуминсоний қадриятларнинг уйғунлигига эришиш. Бунда, асрлар оша қон-қонимизга сингиб кетган ота-онани улуғлаш, оилани муқаддас сақлаш, фарзандлик бурчи, ўзаро меҳр-оқибат, иффат, орномус, ҳаё каби фазилатлар, устоз ва шогирдлар одоби каби эзгу қадриятларга содик қолиш;
- Тигиз замонавий ахборот майдонларидан келаётган хабарлар оқимини фикрий теранлик, ҳушёрлик билан таҳлил этиш учун ахборот ва технологик жараёнлар;
- Хусусиятларини мукаммал ўрганишга интилишнинг кучайиши ва ҳ.к;
- Музейлар ёшларни мустақил фикр юритиш, воқеа ва ҳодисаларга бефарқ қарамаслик ва энг асосийси, ўз моддий-маданий меросини асраш туйғуларини шакллантиришда асосий манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат, музейлар болаларга ўйин, ижод ва мулоқот орқали дунёни забт этишни ўргатади, эркин ҳаракат, фикрлаш ва дунёқарашини кенгайтириш имконини яратади.

Ўзбекистонда фаолият юритаётган музейларни халқимизнинг бой тарихий мероси ва қадриятларини, маданий ва маънавий қиёфасини кўрсатувчи омил даражасига кўтариш, бу билан халқимизга ва бутун жаҳонга буюк маданиятимиз, аждодларимиз мероси ва уларнинг бу борада мислсиз хизматларини намойиш қилиш орқали ёшларимизни ўзликни англаши, ҳамда истиқлол қадрини ҳис этишни шакллантириш асосий вазифалардан хисобланади.

“Оммавий маданият” турли хил кўринишларининг ёшлар орасида тобора кенг тарқалиши асосан кийинишда, қизиқишиларида, бўш вақтни ўтказишида, диднинг саёзлашувида, миллий қадриятларга муносабатда намоён бўлмоқда. Ёт маданият қадриятларини ўзида ифода этаётган “оммавий маданият” ёшларимизда ғарбона индивидуализм, эгоцентризм, андишасизлик, беҳаёлик ва зўравонлик, миллий қадриятларга ва ижтимоий манфаатларга беписандлик билан муносабатда бўлиш каби иллатларни келтириб чиқармоқда.

Ўзбек халқи маҳалла жамоатчилик билан ҳамжиҳатлиқда яшаб оиласвий урф-одат ва анъаналарни улар иштирокида ва улар билан бамаслаҳат ўтказган. Демак маҳалла ўзбекларнинг тарихий шаклланган ягона мақсад билан халқнинг руҳияти, ижтимоий ҳаётининг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи тарбия маскани саналади. Маҳалла шунингдек ёшларни эзгулик йулида жипслаштирувчи ва бирлаштирувчи катта оила ҳам саналади. Бола дастлаб оила муҳитидан чиқиб маҳалла муҳитида тарбиялана бошлайди. Инсон ўз-ўзини шахс сифатида англаши, шахсий сифат ва қобилиятларини эркин намоён эта олиши учун албатта маҳалла зарурий муҳит бўлиб хизмат килади. Айниқса, болалардаги қизиқишилари ва эҳтиёж маҳалла муҳитида ва ўртоқлари даврасида намоён бўлади. Ижтимоий жараённинг соғломлиги ўз-ўзидан тарбия жараёнидаги ижобий натижаларга эришишнинг зарурий омили бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун ҳам оила, маҳалла ва жамоатчилик асосида ёшларнинг таълим-тарбияси, қизиқишилари ва уларнинг ҳар томонлама ўсиб улғайишига асосий эътибор қанча эрта қаратилса, шунча юқори ва ижобий натижаларни қўлга киритиш мумкин бўлади.

### Библиографик рўйхат

1. Karimov I. A. Yuksak ma`naviyat yengilmas kuch. – Т., 2008. – 68 b.

# ТАЛАБАЛАРДА МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АЙРИМ МЕТОДОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ

Д. У. Эргашев

*Педагогика фанлари номзоди, доцент,  
проректор, Низомий номидаги Тошкент  
давлат педагогикауниверситети,  
Тошкент, Ўзбекистон*

---

**Summary.** In this article some methodological issues which are shaping the culture of independent thinking of students. By the author of “the culture of independent thinking” is formed in the definition of the concept, based on democratic values linked to it.

**Keywords:** independent thinking; culture; cooperation; interaktiv education; creative group; cognitive activity; teamwork.

---

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъruzасида юксак интеллектуал салоҳиятга эга, рақобатбардош кадрларни тайёрлашда инновация ва инновацион технологияларни кенг жорий этиш – ҳар томонлама баркамол, юксак маънавиятли шахсни шакллантиришнинг истиқболли йўли эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтган эдилар [1].

Бугунги кунгача эришилган тажрибалар шуни кўрсатадики, таълимнинг қадрият сифатидаги тавсифи таълим олувчиларни фақат билим, кўнирма ва малакалар билан қуроллантирибгина қолмасдан, уларнинг фикрлаш салоҳиятини ҳам ривожлантиришни шарт қилиб қўяди. Мазкур вазифани мувафақиятли ҳал этишда эса, интерфаол таълим амалий аҳамият касб этади.

Иккинчидан, бугун педагогика олий таълим муассасалари олдида турган муҳим вазифа бўлажак педагогларни узлуксиз таълим тизимида ўқув жараёнини интерфаол тарзда ташкил этишга ўргатишдан иборат. Бўлажак мутахассисларни бундай фаолиятга тайёрлаш учун педагогика олий таълим муассасаларидаги таълим жараёнининг ўзи ана шундай талабга жавоб бера олиши лозим.

Учинчидан, бугунги кунда таълим-тарбия жараёнига педагогик инновацияларнинг фаол жалб этилиши бўлажак мутахассисдан мустақил фикр юритиш кўнирма ва малакаларини эгаллашни тақозо этмоқда. Мустақил фикрлаш – шахснинг муҳим фазилати сифатида воқелик, кишилар ва нарса-ҳодисалар билан фаол мулоқотга киришиш, улар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик ва боғланишларни кўра олиш, ўз қарашлари асосида тўғри хulosалар чиқара олиш демакдир. Бундай муҳим хислатни

шакллантириш учун таълим олувчи ўзгалар билан фаол ҳамкорликдаги фаолиятга ва биргаликдаги ижодий ҳаракатга кириша олиши лозим.

Мустақиллик йилларида янги авлод эркин, танқидий, ижодий ва мустақил тафаккурга эга, мустамлакачилик даврида ўсган авлоддан фарқли, ижтимоий қўрқувдан ва миллий номукаммалик туйғусидан холи, сиёсий ва ижтимоий фаол, изланувчан ва омилкор, боқимандаликнинг ҳар қандай кўринишидан ор қиласиган кенг билимли, маърифатли бўлиб шаклланиши лозим, деган вазифа кўндаланг қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов мустақиллик йилларида ишлаб чиқилган кадрлар тайёрлаш миллий моделининг хусусиятларига тўхталиб ўтганда, янги моделнинг энг асосий жиҳати мустақил фикрловчи эркин Шахснинг шаклланишига олиб келиши эканлигини қуидагича таъкидлаб ўтади: “Таълимнинг янги модели жамиятда мустақил фикрловчи эркин Шахснинг шаклланишига олиб келади. Ўзининг қадр-қимматини англайдиган, иродаси бақувват, иймони бутун, ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлган инсонларни тарбиялаш имконига эга бўламиз. Ана шундан кейин онгли турмуш кечириш жамият ҳаётининг бош мезонига айланади. Шунда одам оломон бўлиб, ҳар лаҳзада серкага эҳтиёж сезиб эмас, аксинча – ўз ақли, ўз тафаккури, ўз меҳнати, ўз масъулияти билан, онгли тарзда, озод ва ҳур фикрли инсон бўлиб яшайди” [2, с. 33].

Демак, жамиятни демократлаштириш ва инсонпарварлаштириш педагогика фани олдига юксак вазифаларни шарт қилиб қўяди. Ана шундай вазифалардан бири талабаларнинг мустақил фикрлашини шакллантиришdir. Айнан талабаларнинг мустақил фикрлашини шакллантириш орқали демократик ва инсонпарвар жамият учун асосий қадрият саналган “жамият ҳаётида фаол иштирок этиш”, “ҳамкорлик”, “индивидуаллаштириш”, “онгли интизом”, “толерантлик”, “қадр-қиммат”, “эркинлик” каби тушунчалар ҳаётда ўз амалий тасдиғини топади. Шу билан бирга, мазкур қадриятларни амалга ошириш орқали талабаларда мустақил фикрлаш кўникмалари шаклланади.

Демократик жамиятни барпо этиш учун унинг ҳар бир аъзоси жамият ҳаётида фаол иштирок этиши лозим. Бу фуқароларнинг жамиятдаги муаммоларни билиши ва ўз ишончларини сақлаб қола олишларини билдиради. Мустақил фикрлай оладиган шахсларгина, демократик жамият ҳаётида фаол иштирок эта оладилар.

Демократик жамиятда ҳамкорликдаги аъзолар орасидаги тенглик қўллаб-қувватланиши зарур. Шахс бошқалар билан ҳамкорлик қилиши учун унинг ўзи мустақил ташаббусни намоён эта олиши, ўз фикрига бошқаларда ишонч ҳосил қилдира олиши лозим. Демак, эркин фикрлай олиш самарали ҳамкорликнинг асосидир.

Демократлаштиришда индивидуаллик жамият олдидағи масъулиятлилик билан уйғуллашади. Эркин фаолият кўрсатишга эга бўлиш шахс

учун тарихий, ижтимоий ва ахлокий қадрият бўлиб, унинг индивидуаллигининг намоён бўлиши ва жамият тараққиёти даражасининг мезонидир.

Эркин жамиятда фикр ва қарашлардаги хилма-хилликни тушуниш ҳамда шунга интилишни ривожлантириш зарур. Чунки “бир фикр ҳукмрон жойда мутаассиблик ҳукмрон бўлади” (Форобий). Икки фикр мавжуд жойда ҳурфикарлилик бошланади. Уч фикр туғилгач, кимдир уларни бир фикр қилиб жамлашга интилади. Бу мураккаб вазифа, шу билан бирга интилиш демократик идеалнинг моҳиятини ташкил этади. Мустақил фикрлай оладиган кишиларгина, бошқа одамларни тушуна олиш, улардаги инсон-парварликка йўналган ғояни кўра олиш қобилиятига эга бўлади.

Демократик жамиятда эркин фикрлай оладиган шахслар қадр-қимматга эга бўладилар. Ўз навбатида улар бошқаларнинг интилиш ва фикрларини қадрлай оладилар. Қадр-қиммат шахснинг ижтимоий ва маънавий эркинлигининг муҳим томони сифатида юзага чиқади.

Эркинлик – мустақил фикрлаш учун қўйилган биринчи қадамдир. Мустақил фикрнинг мавжудлиги ва ривожланиши кўп жиҳатдан талабаларнинг эркинлик даражасига боғлиқ. Чунки “мустақил фикрлаш шахснинг хислати сифатида ҳар қандай фаолият турида индивидуал ва жамоавий ютуқларга эришишда юқори кўрсаткични таъминлайдиган муҳим омиллардан бири бўлиб қолади”. Шу билан бирга, “мустақил фикрлаш жамият инсонга яратиб берган имконият ва эркинликларнинг маҳсули ва инъикосидир”.

Умуман олганда, ҳозирги вактда юксак интеллектуал салоҳиётга эга, ҳар қандай вазиятда ҳам ҳаётда ўз ўрнини топа оладиган, жамият ва давлат равнақига муносиб ҳиссасини қўша оладиган комил инсонларни тарбияламоқчи эканмиз, мазкур мақсадга талабаларнинг мустақил фикрлашини шакллантириш орқали эришиш мумкин.

Мустақил фикрлаш маданияти – бу инсоннинг муаммони, уни ҳал қилиш йўлларини ўзи кўра олиши ва унга мустақил жавоб топа олиш қобилияти. Мустақил фикр тайёр мулоҳазаларга, бошқаларнинг фикрларига қарам бўлиб қолмайди. У воқеликни билишга ижодий ёндашади ва уни ўрганишнинг янги йўлларини излаб топади. Мустақил фикрлаш фикрнинг танқидийлиги билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, шахс ижодий фаоллигининг муҳим қиррасини ўзида акс эттиради.

“Мустақил фикрлаш маданияти” тушунчасига берилган таърифни асос қилиб олган ҳолда, “талабаларнинг мустақил фикрлаш маданиятини шакллантириш” жумласининг моҳиятини ҳам очиб бериш тадқиқот ишимизнинг муҳим таркибий қисмини ўзида ифода этади. Бунинг учун аввало, шаклланиш ва шакллантириш тушунчаларининг мазмунига эътибор қаратиш зарур.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “шаклланмоқ” сўзига қўйидагича таъриф берилади: “1. Маълум бир шаклга кирмоқ, шакл, тус олмоқ. 2. Юзага келмоқ, яралмоқ” [3, с. 537].

Шаклланиш – педагогиканинг асосий категорияларидан бири бўлиб, кўпинча “шахснинг шаклланиши” тарзида ишлатилади. Жумладан, педагог олим Ю. К. Бабанский шахснинг шаклланиши педагогиканинг асосий категорияларидан бири бўлиб, муҳит, ирсият, тарбия таъсирида унинг ривожланиши жараёни ва натижасидир [4, с.10], деган таърифни беради. В. А. Сластенин., И. Ф. Исаев., Е. Н. Шияновларнинг фикрича, шаклланиш – ҳаётий фаолият жараёни ва маҳсус тарбиявий хатти-харакатлар таъсирида инсон ривожланишининг муҳим шакли. Шахснинг шаклланиши – бу ижтимоийлашув, тарбия ва ўзини-ўзи ривожлантириш жараёни ва натижаси. Шакллантириш – “аниқ шаклга киритиш, тугалланганлик”ни билдиради [5, с. 91].

Бизнингча, шаклланиш педагогик тушунча сифатида замонавий ёндашув асосида И. П. Подласый томонидан тўлиқроқ очиб берилган: “Шаклланиш – ҳеч қандай истисносиз омиллар – экологик, ижтимоий, иқтисодий, педагогик ва бошқаларнинг таъсирида инсоннинг ривожланиш жараёни. Шаклланиш – ундан кенг фойдаланилаётганлигига қарамай, ҳали тўлиқ ўзлаштирилмаган педагогик категория. Шаклланишнинг мазмуни баъзи ҳолатларда жуда қисқариб кетади, баъзан эса, ҳаддан ташқари кенгайтириб юборилади. Аввал нашр этилган педагогик адабиётларда шаклланиш атамаси баъзан бошқарилмайдиган, шахсга таъсир кўрсатувчи тасодифларни аниқлаш учун қўлланилган. Масалан, педагогика қўлланмасининг таниқли муаллифи П. Н. Груздев шаклланишни стихияли тарбия – “онгли фаолиятдан мустақил тарзда одамларга таъсир этувчи турли шарт-шароитлар” деб номлашни таклиф этган” [6, с. 61].

Демак, талабаларнинг мустақил фикрлаш маданиятининг шаклланиши – ҳам ташки, ҳам ички рағбат орқали таъсир этиш жараёни ва натижаси. Мазкур жараёнда ўқитувчи (шакллантириш) ва талаба (эгаллаш)нинг мақсадга қаратилган фаолияти ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

### Библиографик рўйхат

1. Каримов И. А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т. :Ўзбекистон, 2010.
2. Баркамол авлод орзуси. – Т. : Шарқ, 1999.
3. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. – Тўртинчи жилд. – Т. : Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008.
4. Бабанский Ю. К., Сластенин В. А., Сорокин Н. А., Мальковская Т. Н., Белозерцев Е. П., Поляков В. А., Гришин Д. М. Педагогика / под ред. Ю. К. Бабанского. – М. : Просвещение, 1991.
5. Сластенин В. А., Исаев И. Ф., Шиянов Е. Н. Общая педагогика / под ред. В. А. Сластенина : в 2 ч. – М. : ВЛАДОС, 2003.
6. Подласый И. П. Педагогика. – М. : Высшее образование, 2008.

# ИНТЕГРАЦИОН ЁНДАШУВ АСОСИДА ПЕДАГОГИКА КОЛЛЕЖИ ЎҚУВЧИЛАРИДА КАСБИЙ СИФАТЛАРНИ ШАКЛАНТИРИШ

К. С. Тоджибаева

Ўқитувчи,  
Ўзбекистон давлат жаҳон  
тиллари университети,  
Тошкент, Ўзбекистон

---

**Summary.** In given articles the system of formation of professional qualities of teachers of pedagogical colleges on a basis integrative the approach is shined.

**Keywords:** professional qualities; teachers; pedagogical colleges.

---

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 28 майдаги “Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида” қабул қилган Қарорида замонавий фикрловчи педагогик кадрлар тайёрлашга, таълим жараёнида илғор педагогик услугу (“Case-study” услуги, лойихалар услуги, ҳамкорликда ўқитиш, амалий ўйин, интерфаол таълим услуги ва бошқалар) ва ахборот-коммуникация технологиялари, шунингдек, электрон таълим ресурслари ва мультимедиа тақдимотларидан фойдаланишни йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилишига урғу берилган [1].

Маълумки, ўқитувчилик фаолияти “Инсон-инсон” касб гуруҳига кирди. Педагог профессиограммасига эътибор қаратилганда, биз мутахассис юксак ахлоқ, кучли ирода, ҳиссий жавобгарлик, аниқ мақсадга эга, одамларни тушуна олиши, эътиборли бўлиши, тасодифий вазиятларга тез йўналган бўлиши лозимлигини таъкидлаб ўтамиз.

М. Г. Давлетшиннинг фикрича, педагогик профессиограмма (касбий таснифнома)да бўлажак педагогларга хос қуйидаги сифатлар акс этиши керак:

- шахсий хислатлар (болаларни яхши кўриш, уларни севиш, меҳнат-севарлик, жамоат ишларида фаоллик ва бошқалар);

- касбга хос билимларга эгалик (таълим ва тарбия жараёни моҳияти билан унинг мақсад ва вазифаларини тушуниши, психология асосларини, ёш психологияси ва педагогик психология асосларини билиши ва бошқалар);

- ўз касбига хос хислатлар (ҳозирги замон педагогикасига оид методологик билимларни эгаллаши, кузатувчанлик, дикқат-эътиборни тақсимлай олиши, педагогик фантазиянинг ривожланганлиги, педагогик тект ва ҳакозолар);

- шахсий-педагогик улдабуронлик (машғулотлар учун зарур материалларни танлай олиши, ўқувчиларнинг билиш фаолиятини бошқара олиши, ўқув мақсадларини режалаштира олиши ва б.ш.лар);

- мuloқотга кириша олиш (коммуникативлик) малакасига эгалик (болаларни ўзига жалб этишини билиши, болалар ва ота-оналар билан мақсадга мувофиқ педагогик муносабатларни тиклашни билиши ва ҳ.к.лар);

- гносеологик (билиш) малакалариға эгалик (болаларнинг асаб-психик тараққиёти даражасини аниқлай олиши, ўзининг тажрибаси ва педагогик фаолияти натижаларини танқидий таҳлил қила олиши ва б.ш.лар);

- ижодий хислатлари (педагогик маҳоратни такомиллаштиришга интилиши, ўқувчиларни тарбиялаш дастурини ишлаб чиқиши ва уни амалга ошириш қобилияти ва ҳакозолар) [2].

Касбий фаолият яхлит тизим сифатида бир қанча таркибий қисмларни ўзида уйғунлаштиради. И. П. Подласыйнинг касбий салоҳиятнинг тузилишига доир таснифидан келиб чиқиб, Н. М. Эгамбердиева педагогик таълимдаги касбий етуклиқ (профессионаллашув), ижтимоийлашув, инсонпарварлашув ва маданий ижодкорликнинг замонавий йўналишларига мувофиқ келувчи қуйидаги муҳим тузилишли таркибий қисмларни ажратиб кўрсатади: педагогик маданият; педагог ижодкорлиги; педагогик ақлидрок; чуқур касбий билимга эгалик; индивидуал фаолият услугига эгалик; ижодий ташаббуснинг ривожланиши; индивидуал фаолият; инсонпарварликка йўналтирилганлик; ижтимоий фаоллик [3].

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқсан ҳолда, бўлажак педагогларнинг касбий сифатларини уч асосий гуруҳга тасниф этишади:

Биринчи гуруҳ сифатларига касбий фаолиятдаги психик жараёнлар (идрок, хотира, тасаввур, фикрлаш), психик ҳолатлар (чарчоқ, апатия, стресс, тушкунлик), англаш ҳолати сифатидаги диққат, эмоционал (индефирентлик, вазминлик), ва иродавий (барқарорлик, кетма-кетлик, таъсирчанлик)га таъсир кўрсатувчи талаблар киради.

Иккинчи гуруҳга психоаналитик сифатлар: ўз-ўзини назорат қилиш, ўз-ўзига танқидий муносабатда бўлиш, ўз хатти-харакатларини баҳолай олиш, бундан ташқари барқарорлик сифатлари: жисмоний чиниқсанлик, ўз ҳис-туйғуларини бошқара олиш, ўз-ўзини тинглай олиш.

Учинчи гуруҳга коммуникативлик (инсонлар билан самарали мулокотга киришиш), ҳамдардлик (кишилар билан дардлашиш, уларнинг ғам-андуҳларига шерик бўлиш), визуаллик (шахснинг ташқи кўриниши), нутқнинг таъсирчанлиги (фикрларни тинглай олиш ва ўз сўзига бошқаларни ишонтира олиш).

Педагогика коллежи ўқувчиларининг касбий сифатларини шакллантириш мазмунини интеграциялашнинг қуйидаги даражалари мавжуд:

1. Функциясига кўра интеграциялаш (методологик, касбга йўналтирилган, муаммолик, яхлитлик, тизимлилиқ, коммуникативлик, ташкилотчилик).

2. Ривожланиш тенденциясига кўра интеграциялаш (таълимнинг устиворлиги, таълимнинг демократлашуви, таълимнинг инсонпарварлашу-

ви, таълимнинг ижтимоийлашуви, таълимнинг миллий йўналтирилганлиги, баркамол шахсни тарбиялашга қаратилганлиги, таълим ва тарбиянинг узвий боғлиқлиги.

3. Йўналишига кўра интеграциялаш (ўқитувчи обрўсини кўтариш, таълим муассасини ривожлантириш, янги таълим технологияларини жорий этиш, касбий таълим – фан – ишлаб чиқариш интеграцияси, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш).

4. Типларига кўра интеграциялаш (умумметодологик, умумилмий, хусусий илмий, муаммоли).

5. Даражасига кўра интеграциялаш (яхлитлик, дидактик синтез, фанлараро алоқадорлик).

6. Амалга ошириш даражасига кўра интеграциялаш (анъанавий ва ноанъанавий).

Педагогик ва хусусий-методик билимлар ўртасидаги ўзаро интеграцияшуви қуидагиларда кўзга ташланади:

1. Педагогик туркум фанлари ҳамда хусусий-методик фанлар интеграциясининг дидактик синтези ва фанлараро алоқадорлиги бўлажак ўқитувчининг касбий фазилатларини шакллантиришнинг муҳим омили бўлиб хизмат қиласди.

2. Педагогик ва хусусий-методик билимларнинг интеграцияси бўлажак ўқитувчилар томонидан касбий фаолият жараёнида техник воситалар, жумладан, ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шаклланишига ёрдам беради.

3. Хусусий-методик билимлардан таълим бериш жараёнининг таркибий қисмлари сифатида фойдаланиш натижасида педагогик, хусусий-методик ва технологик билимларнинг ўзаро интеграцияси “восита-мазмун” (педагогик билим – восита, хусусий-методик билим эса – мазмун сифатида) моҳиятига эга бўлган муносабатни қарор топтиради.

### **Библиографик рўйхат**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 28 майдаги “Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. “Халқ сўзи”, 2012 йил, 29 май.
2. Давлетшин М. Г., Жалилова С. И. Олий мактабда таълим жараёни самарадорлигининг психологик томонлари. – Т. :ТДПУ, 2001.
3. Эгамбердиева Н. М. Маданий-инсонпарварлик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларни шахсий ва касбий ижтимоийлаштириш : монография. – Тошкент : Фан, 2009.

# МАҲСУЛОТ СИФАТИНИ БОШҚАРИШ КРИТЕРИЯЛАРИ

Х. Х. Хайдаров,  
О. Тожибоев,

Техника фанлари номзоди, доцент,  
ассистент,  
Наманган мухандислик технология  
институти, Наманган шаҳри,  
Ўзбекистон Республикаси

Г. Н. Ибрагимова

ассистент,  
Тошкент давлат аграр университети,  
Тошкент шаҳри, Ўзбекистон

**Summary.** The Main safe scientific article determination main criterion for preparing to qualitative product. The Quality are determined by methods steady-state, integral checking way.

**Keywords:** product; steady-state ways; criterion; checking.

Маълумки, бирор муаммони ўрганишимиз учун аввало мавжуд билимларни яхшилаб эгаллашимиз зарур. Сўнгра, яна ўрганиш, мустахкамлаш, дилга бир умр жо қилишимиз керак. Энди ўзинг ўргандингми, бошқаларга хам ўргат. Бу ҳаёт қонуни. Буни ота боболаримиз хам таъкидлаб ўтганлар. Сени етакладилар, тўғри йўлга олиб чиқиб қўйдилар, сен бошқани етакла, тўғри йўлга олиб чиқиб қўй. Лекин, хамма нарсани хам доимо эсда сақлаб бўлмайди.. Бунинг учун эса бозор иқтисодиёти шароитида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш учун унинг сифат критерияларини билиш керак бўлади [1].

Қўйидаги ҳолда **маҳсулотнинг интеграл сифати** тушунчаси ишлатилади. Сифатнинг интеграл кўрсаткичи деганда эксплуатация ёки истеъмолда йиғинди фойдали самарани уни тайёрлашга (ишлаб чиқиш ва тайёрлаш) ва ишлатишга йиғинди харажатларга нисбати тушунилади

$$K_H = \frac{\mathcal{Z}}{\mathcal{Z}_C + \mathcal{Z}_{\mathcal{E}}},$$

бу ерда:  $\mathcal{Z}$  – маҳсулотни ишлатишдан йиғинди фойдали самара;

$\mathcal{Z}_C$  – маҳсулотни яратишга харажатлар;

$\mathcal{Z}_{\mathcal{E}}$  – маҳсулотни ишлатишга харажатлар.

Одатда сифатнинг интеграл кўрсаткичи вақт ўтиши билан ошади, чунки хоссалар маҳсулотни техник такомиллаштириш ва унинг модификацияси йўли билан яхшиланади, харажатлар эса маҳсулотни яратиш ва ишлатишда меҳнат маҳсулдорлигини ўсиши ҳисобига пасаяди.


Лекин амалиётда шундай холлар борки, сифатнинг интеграл кўрсаткичини ўсиши тўхтайди ёки пасайиши бошлайди. Пасайиши икки холларда бўлади:

- фойдали хоссаларни яхшиланишидан самара мос харажатлардан камроқ даражада ўсади;

- фойдали хоссалар ўзгармайды, харажатлар эса ишлаб чиқариш күрсаткичлари ёмонлашиши ва маҳсулотдан ёмон фойдаланиш натижасида ўсади.

Бундай маҳсулот, уни тайёрлаш ва эксплуатацияда йиғинди харажатлар минимал бўладиган, **сифатнинг оптималь даражасига** эга бўлиши керак. Бу, инсонлар яшаш фаолиятини ва хавфсизлигини таъминлаш учун мўлжалланган, маҳсулотга таъсир қилмайди. У сифатнинг максимал даражасига эга бўлиши керак.

1- расмда маҳсулот сифат даражасидан харажатларни боғлиқлиги кўрсатилган.



*Расм 1. Харажатларни маҳсулот сифати даражасига боғлиқлиги:*

1 – маҳсулотни тайёрлашга харажатлар; 2 – эксплуатация жараёнида харажатлар; 3 - йиғинди харажатлар.

Сифат даражасини оширганда маҳсулотни тайёрлашга харажатлар аввал секин ўсади (1 эгрилик), чунки ишлаб чиқариш берилган талабларни осон енгади. Кейинчалик сифат даражасини ошиши билан харажатлар тез ўсади. Охир окибатда шундай чегарага эришиладики, харажатлар чексизликка интилади. Бу ҳолда жихозлар хам, ишчилар хам сифатни ошириш холида эмас.

Шу вақтнинг ўзида сифат даражасини оширишда маҳсулотни эксплуатация жараёнида харажатлар пасаяди (2 эгрилик). Олдин улар тез, сўнг эса секин пасаяди. Бу ерда хам чегарага эришилади, маҳсулотни эксплуатациясида сифат даражасини ўсиши харажатларни пасайишига келтирмайди.

Шунинг учун замонавий фирмалар ўз эътиборини бракни аниқлашга эмас. Балки уни олдини олиш, ишлаб чиқариш жараёнини назоратига қаратади ва ўз фаолиятини «сифатни мослаш» концепцияси билан амалга оширади. Маҳсулот сифатини таъминлашда катта ролни **статистик усуллар** уйнайди [2].

Статистик назорат усулиниң мақсади маҳсулот сифатининг эҳтимолий ўзгаришни йўқотишdir. Бундай ўзгаришлар, аниқланиши ва бартараф қилиниши лозим бўлган, конкрет сабаблар билан келиб чиқади. Сифат назорати статистик усуллари бўлинади:

- алтернатив белги бўйича статистик қабул назорати;
- варьирланаётгансифат характеристикалари бўйича танлов қабул назорати;
- статистик қабул назоратининг стандартлари;
- иқтисодий режалар тизими;
- тўхтовсиз танлов назорати режалари;
- технологик жараёнлар статистик мослаш усуллари.

Сифат назорати статистик усулларининг хар бир кўриниши ўз афзаликлари ва камчиликларига эга. Масалан, варьирлаётган характеристикалар бўйича танлов қабул назоратининг афзаллиги, кичиқ хажмли танлашни талаб қилиши. Бу усулининг камчилиги, хар бир назорат характеристика учун алоҳида назорат режаси керак. Агар хар бир буюм беш сифат характеристикалар бўйича текширилса, бешта алоҳида текшириш режаларига эга бўлиш шарт [3].

Статистик назорат режасини тўғри танлаш масаласи, биринчи ва иккинчи даражадаги хатоларни камроқ қилишдан иборат.

Режанинг опператив *характеристикаси* деб дефект буюмлар улуши  $q = \frac{D}{N}$  бўлган, маҳсулот партиясини қабул қилиш эҳтимолига тенг бўлган  $P(q)$  функция айтилади, бу ерда  $D - N$  буюмли партиядаги дефект буюмлар сони. Кўриниб турибдики, хар бир режа учун ўзининг оператив характеристикаси бўлади. Иқтисодий ёки бошқа томондан, агар  $q < q_0$  бўлса, партия сифати яхши ҳисобланади ва партияни қабул қилиш лозим бўлади,  $q > q_0$  да партияни браклаш керак бўлади, деб қабул қилинган бўлсин. Идеал холатда оператив характеристика бўлиб 2 расмда келтирилган қўйидаги функция бўлади

$$P(q) = \begin{cases} 0 \leq q \leq q_0 \text{ бўлганда} & 1 \\ q < q_0 \leq 1 \text{ бўлганда} & 0 \end{cases}.$$

Идеал оператив характеристика, дефект назорати вақтида ўтказилмаслиги шарти билан, фақат узлуксиз назорат режасига мос келиши мумкин.


Танлов назорати режаси учун оператив характеристика силлиқ эгрилик кўринишида бўлади (3 расм). Бунда  $q \neq 0$  да  $P(q) \neq 1$ , яъни хамма буюмлар яроқли бўлган партия бракланиши мумкин эмас, ва  $q \neq 1$  да  $P(q) \neq 0$ , яъни хамма буюмлар дефектли бўлган партия қабул қилиниши мумкин эмас.

Одатда танлов назоратда партияни икки сон  $q_0$  ва  $q_m$  лар ёрдами билан яхши ва ёмонга ажратилади ( $q_0 < q_m$ ), бу ерда  $q_0$  – сифатнинг маъқул,  $q_m$  эса – бракли жаражаси.


Маъқул сифат даражаси  $q_0$  деб, ишлаб чиқариш нормал юришида тайёрланган, партиядаги дефект буюмлар улушкини максимал рухсат этилган қийматига айтамиз.

Сифатнинг браклаш даражаси  $q_m$  маҳсулот партиясини бракка ўтказиш учун чегарани аниқлайди.  $q \leq q_0$  да партия яхши ва  $q \geq q_m$  да ёмон ҳисобланади.  $q_0 < q < q_m$  да партия сифати хали қониқарли ҳисобланади.

$q_0$  ва  $q_m$  қийматлари маҳсулот сифатига еткизувчилар ва истеъмолчининг маълум талабларига (техник хужжатга) жавоб бериши керак. Одатда назорат режасига қўйидаги талаблар қўйилади:



Расм 2. Идеал оператив характеристика.



Расм 3. Танлов назоратининг оператив характеристики.

$$\begin{array}{ll} q \leq q_0 \text{ да} & P(q) \geq 1 - \alpha, \\ q \geq q_m \text{ да} & P(q) \leq \beta. \end{array}$$

Маъқул сифат даражаси  $q_0$  ли партияни браклаш эҳтимоли  $\alpha$  еткизувчи хатари ёки биринчи даражали хато эҳтимоли дейилади, браклаш сифат даражаси  $q_m$  ли партияни қабул қилиш эҳтимоли  $\beta$  эса – истеъмолчи хатари ёки иккинчи даражали хато эҳтимоли дейилди.

Шундай қилиб, танлов назорати режасига талаблар етказувчи ва истеъмолчи хатарлари  $\alpha$  ва  $\beta$  дан ошмаслиги кераклигига келтирилди.

Статистик назорат бўйича стандартларда  $\alpha$ ,  $\beta$  ларнинг баъзи қийматлари қўлланилди, масалан 0,01; 0,05; 0,1. Дефект буюмлар улушки қийматлар  $q_0 \leq 0,005$  ва  $q_m \leq 0,02$  да  $\alpha \leq 0,01$  ва  $\beta \leq 0,05$  ни кафолатлайдиган, назорат режасини кўриб чиқамиз. Шу режа бўлса, ифлосланганлик 0,5 % дан кўп бўлмаган, ўртача хар 100 партиялардан

битта кўп бўлмагани бракланди, 2 % дан кўп дефект буюмлардан ташкил топган 100 партиядан эса ўртача 5 партиядан ози қабул қилинди.

### Умумий холосалар

- Бошқарувни ихтиёрий тизими, унинг ишлаши бўйича самарадорлиги аниқланувчи, бошқарув критерияларига эга.
- Маҳсулот сифати, қўлланилишига мос равишда маълум эҳтиёжларни қондирувчи хоссалар йиғиндиси билан характерланади.
- Йиғинди харажатлар сифат даражаси ошганда улар олдин пасаяди ва оптималь даражада минимал қийматга эга бўлади.

4. Статистик назорат режасини тўғри танлаш масаласи, биринчи ва иккинчи даражадаги хатоларни камроқ қилишдан иборатлиги аниқланди.

### Библиографик рўйхат

1. Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Тошкент : Ўзбекистон, 1998.
2. Гуломов С. С. Маркетинг асослари. – Т., 2000.
3. Боуди Дж., Пейтон Р. Маркетинг менежмент. – М., 2001.
4. Маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини бошқариш / Л. В. Перегудов ва б. – Т. : Молия, 2002.

## MUSTAQIL ISHLAR – TALABALAR MUSTAQIL FIKRLASHLARI OMILI SIFATIDA

N. Yusupova,

Katta o'qituvchi,  
Toshkent farmatsevtika instituti,  
Toshkent, O'zbekiston  
katta o'qituvchi,  
Qo'qon davlat pedagogika instituti  
Qo'qon shahri, Farg'ona viloyati,  
O'zbekiston

S. Mirxaitova

**Summary.** This article describes the problem of increasing the self – activite of the assimilation of knowledge independent thinking by organizing self – education in higher educational institutions.

**Keywords:** self-education; thinking; education; development activites.

O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligining 2009 yil 14 avgustdagi "Talaba mustaqil ishini tashkil etish to'g'risida"gi 286 – sonli buyruq bilan tasdiqlangan Nizom asosida talabalar mustaqil ishini tashkil etish-dolzarb muammolardan biridir.

Prezidentimiz aytganlaridek: "Agar o'quvchilar erkin fikrlashni o'rGANmasa, berilgan ta'lim samarasi past bo'lishi muqarrar. Albatta bilim kerak. Ammo bilim o'z yo'liga, mustaqil fikrlash ham katta boylikdir".

Mustaqil ta'limning ilmiy bo'lishi qoidasi ta'lim jarayonida talabalarni hozirgi zamon darajasiga muvofiq kelajak ilmiy bilimlar bilan qurollantirish yoshlarni ilmiy tadqiqot usullari bilan tanishtirib borishni ta'minlashga qaratilgan.

Shunday ekan, ta'lim tizimida talabalarni ta'lim jarayonlarida va mustaqil ishlar faoliyatida erkin, ijodiy, mustaqil fikr yuritishlarida pedagogning o'rni kattadir. Ta'lim tuzilishida mustaqil ish va uni tashkil etishda ikki tamoyil – mustaqil ishning tizimli va izchil bo'lishi tamoyilidan foydalanish maqsadga muvofiqlikdir.

Ijtimoiy taraqqiyotning har bir davridagi institutning tarixiy tajribasi ta'lim vazifasini ma'lum bir tizimsiz bajarib bo'lmasligini ko'rsatadi.

O'quv materialini tushuntirishi tizimi o'quv materiali aniq bayon qilingan g'oyalarga, o'qituvchi bu g'oyalarni qaysilarini tushuntirmoqchi ekanligiga, talabalar yoshi ularning bilimlarni o'zlashtirishga qanchalik imkoniyat berishini, talabaning yaxshi bilish - bilmasligiga shu yosh va shu saviyadagi talabalarga xos fikrlash faoliyatining xususiyatlariga darsdagi bilimlarni o'zlashtirish jarayoni odatda qanday tushuntirilishiga bog'liqdir.

Mustaqil ish – uning tizimli, izchil bo'lishi bilan bog'liqdir. Izchillikning xarakterli belgisi shundaki, u talabalarning oldindan o'zlashtirgan bilim va malakalari zamirida yangi bilim, ko'nikma, malakalarni yana ham chuqurlashtirishi, kengaytirishi va mustahkamlashni ta'minlashga qaratilgandir.

Mustaqil ish tizimlilik va izchillik qoidasi orqali har qaysi o'quv fanlarning bir-biri bilan uzviy bog'liq bo'lishini ko'rsatishda ham muhim ahamiyatga ega.

Mustaqil ta'limning mustaqil bo'lishi qoidasi bayon qilinayotgan o'quv materiallarini mustahkamlash va ilgari o'qitilgan materiallarini to'ldirishga xizmat qilishni, talabalarning uzuksiz va tizimli suratda mustaqil ish olib borishlarini, talabalarning o'zlashtirgan bilim va hosil bo'lgan ko'nikma, malakalarini hisobga olib borishni ham o'z ichiga oladi.

Mustaqil ishni tashkil etishning uch tamoyili mustaqil ishning amaliy faoliyatini bilan bog'lashdir.

Mustaqil ishni turmush va ishlab chiqarish amaliyoti bilan bog'lab olib borish eng asosiy va yetakchi qoidadir. Talabalarning mustaqil, ijodiy faoliyatni shu faoliyatga xizmat qilinganligi va hayot bilan bog'langanligi sababli bu bilimlarini egallash uchun ularning mazmunini o'zlashtirib olishgina emas, balki bilimlarini amalda qo'llay bilishga yordam beradi.

Mustaqil ishlarni tashkil etishda guruh a`zolari orasida vazifalar aniq tasdiqlansa, o'zaro hamkorlik yo'lga qo'yilsa, samarali natijalar beradi. Talabalarni mustaqil ishlarini tashkil etishda quyidagi elementlar hisobga olinmog'i zarur.

1. Talabalarni guruhlarda ishslashga tayyorlash, o'quv topshiriqlarini aniq qo'shish, guruhda ishslash bo'yicha tushuncha berish, reglament o'rnatish.

2. O'quv topshiriqlarini bajarish bo'yicha reja tuzish, uni muhokama etish. Uni hal etish yo'llarini aniqlash va ishni olib borish bo'yicha o'zaro vazifalarni taqsimlash.

3. O'quv topshiriqlarini bajarish bo'yicha ishni tashkil eta olish.

4. Guruhdagi ishni tashkil etishda ish jarayoni va a`zolar ish joylarini kuzatish va zarur hollarda yordamga kelish.

5. Guruhlarda topshiriqlarni bajarish natijalari bo'yicha axborot berish, guruhda munozaralar o'tkazish, ish jarayonini borishiga qo'shimcha va tuzatishlar kiritib borish. O'qituvchi tomonidan ishning natijalari bo'yicha xulosalar chiqarish va yakun yasash.

6. Guruhda topshiriqlarni bajarish jarayonida o'zaro tekshiruv va nazorat olib borishni yo'lga qo'yish.

7. Har bir guruhning ish natijalariga, guruh ishiga tahliliy baholar berish.

Guruh ishining muvaffaqiyatli chiqishi o'qituvchining o'quv faoliyatini tashkil eta olish harakati, mahoratiga bog'liq.

Ya'ni, o'qituvchi guruhda ishtirok etayotgan har bir talabaning shaxsiy faoliyatini tashkil eta olishi, har bir talaba o'qituvchi ko'magini olishi, ishning borishi bilan pirovard natijani muvaffaqiyatli ko'rsata olishga bog'liq. Guruhlar ishini tashkil etishda bir qator kamchiliklar sodir bo'lishi mumkin. Qiyinchiliklardan biri guruhlarni to'g'ri maqsadli shakllantira olish va unda ishni tashkil eta olishdir.

Guruhlarda ishslash jarayonida talabalar ayrim qiyin topshiriqlarni mustaqil yechishga qiynaladilar. Shu sababli guruhlarda ishni tashkil qilishda umumiy ishni tashkil etish bilan bir vaqtida individual ishlarni ham tashkil etishga to'g'ri keladi. Bunday hollarda ko'pincha yaxshi natijalarga erishish mumkin. Umuman, o'quv predmetlari bo'yicha beriladigan topshiriqlarning qiyinchilik darajasiga qarab guruhda ijodiy muhit yaratiladi. Guruhlarda ishslash davrida talaba, talaba – talaba orasida o'zaro hamkorlik, o'zaro yordam muhiti o'rnatilsa, guruhlar ishi kutilgan natijalarni beradi. Interfaol metodlarda ishslash jarayonlarida ishslash malakalarini hosil qilish uchun mustaqil ishlar beriladi. Mustaqil ishslashda talabalar ijodiy fikrlaydilar, o'z o'quv faoliyatlarida foydalanish uchun malaka va ko'nikmalarni hosil qiladilar.

### Bibliografik ro'yxat

1. Karimov I. A.. Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch. – T. : Toshkent, 2008.
2. O'zbekiston Respublikasining "Ta'lim to'g'risida"gi Qonuni, "Kadrlar tayyorlash Milliy dasturi" 1997. – 29 avgust.
3. Tolipov O'.Q., Usmonxo'jaeva M. Pedagogik texnologiyalarning tatbiqiy asoslari. – T. : FAN, 2006.
4. Yo'ldoshev J. G., Yo'ldosheva F., Yo'ldosheva G. Interfaol ta'lim –sifat kafolati. – Toshkent, 2008.
5. Boshlang'ich ta'lim jurnali "Ta'lim da interfaol usullardan foydalanish". 2012. – № 2.
6. Mustaqil ta'lim – ta'lim samarodorligini oshirish omilli. Xalq ta'limi jurnali.



### III. REFLECTION OF NATIONAL CULTURAL FEATURES IN THE FIELD OF EDUCATION IN MODERN SOCIETY

#### ХАЛҚ ПЕДАГОГИКАСИДА ЁШ АВЛОДНИ АХЛОҚИЙ ТАРБИЯЛАШ

Н. Байтураева,  
М. Шеранова

Ўқитувчи,  
кагита ўқитувчи,  
Жиззах давлат педагогика институти,  
Жиззах, Ўзбекистон

**Summary.** This article focuses on the importance of the usage of scientific achievements to enhance education. Also, integrating the teaching-learning cycle is specified as crucial.

**Keywords:** enhance education; scientific achievements.

Хозирги кунда жамиятимизда хар томонлама ислоҳотларининг амалга оширилаётганлиги таълим ва тарбия, мактаб ҳамда биз ўқитувчилар олдига қатор янгича талабларни қўймокда. "Бугун олдимизда турган ўта муҳим, улкан вазифалардан яна бири – бизнинг ўрнимизга келаётган, ўз фикри, ўз дунёқарashi, замонавий билим ва тафаккурга эга бўлган янги авлод тарбиясидир" [1].

Зоро, комил инсонни тарбиялаш жамият тараққиётининг барча босқичларида марказий ўринни эгаллайди. Инсон тарбияланганлигини қандай баҳолаш мумкин? Унинг мезони нимадан иборат? Инсон комиллигининг мезони унинг ўқиб-уқсанлиги, ақлий ва ахлоқий билимлари савияси, уларни ҳаётда қўллай билиш кўнижасини ҳосил қилганлиги билан белгиланади. Бу кўнижмалар одоб ва хулқ шаклида намоён бўлади.

Кўриниб турибдики, ахлоқий тарбия, ахлоқий поклик комилликка эришишнинг энг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Шунинг учун ҳам доно халқимиз болаларнинг хулқи, одоби, фазилатларига, уни таркиб топтиришга, тарбиялашга алоҳида эътибор қаратган.

Таниқли педагог, маърифат дарғаси, буюк аллома Авлоний ахлоқни шундай таърифлайди: «Ахлоқ илми инсонларнинг хулқини иккига бўлишидир. Агар нафс тарбия топиб, яхши ишларни қилурга одат қилса, яхшиликка тавсиф бўлиб, «яхши хулқа», агар тартибсиз ўсиб, ёмон иш қиласурғон бўлса, ёмонликка тавсиф бўлиб, «ёмон хулқ» деб аталади» [3].

Демак, ахлоқий тарбияда яхши хулқни такомиллаштириш учун курашилади. Бу кураш болаларга ўз бурчларини тушунтириш, яхши хулқларга одатлантиришдан, ахлоқий мезонларни бузмасликни талаб қилишдан бошланади. Зоро, ахлоқ — кишининг атрофидаги кишиларга

муносабатига кўра унинг бурчини белгилайдиган меъёрлар тизимиdir. Қисқа қилиб айтганда, инсон хулқининг қоидалариdir. Халқ ахлоқли кишиларни қадрлайди, улуғлайди. У ким бўлмасин, ҳурматини жойига қўяди. Ахлоқсизликни қоралайди, танқид қилади, жазолайди. Азалдан халкимизда ахлоқсизлик учун берилган энг олий жазо бу халқ назаридан қолишдир.

Ахлоқ тушунчасига ҳар бир даврда турлича таъриф беришган. Ахлоқ ҳам муҳаббат сингари эски, уни ҳам ҳамма ўзича талқин қилади, ўзининг акл тарозисида тортади. Ахлоқ ҳақида сўз кетганда, Президентимиз И. А. Каримовнинг қуидаги қимматли фикрларини келтириш жоиз: «Аслини олганда, ахлоқ маънавиятнинг ўзаги. Инсон ахлоқи шунчаки салом-алик, хушмуомалаликдангина иборат эмас. Ахлоқ – бу, аввало, инсоф ва адолат туйғуси, иймон, ҳалоллик дегани» [2].

Қадимда ахлоқ ҳақидағи таълимотни фан даражасига қўтарганлар. «Ахлоқ» сўзи арабча сўздан олинган бўлиб, «хулқ» сўзининг қўплик шаклиdir. Ахлоқ жамият, замон, инсоният тарихи учун намуна бўла оладиган ижобий хатти-ҳаракатлар йиғиндиси, инсоний камолот даражасини белгиловчи маънавий ҳодисадир.

Дарҳақиқат, ҳар бир инсон ўзининг виждони олдида сўроқ беришигина инсонларни чегаралаб турувчи ахлоқий меъёрdir. Агар шу чегара бузилса, кўнгил сарҳадлари не куйга тушади?

Ахлоқ ҳақида gan кетганда унинг кўринишлари ҳақида ҳам тўхталиш жоиз. Ҳар бир ишда ахлоқ мавжуд. Шу боис, сўзлашиб ахлоқи, юриштуриш ахлоқи, касбий ахлоқ, саломлашиб одоби, бироннинг сўзини тинглаш одоби ростгуйлик ва ҳалоллик дўстлашиб одоби, кўчада юриш одоби, қўшничилик одоби, овқатланиш одоби, кийиниш одоби, меҳмон кутиш одоби, меҳмонлик одоби, ота-она, катталарга ҳурмат одоби, ўғил болалар одоби, қиз болалар одоби, шогирдлик одоби, табриклиш одоби каби ахлоқ-одобнинг қатор кўринишларига ҳар куни дуч келамиз.

Ота-онага ҳурмат одобига халкимизда алохида эътибор каратилади. Ота-она болалар учун энг азиз инсон. Уларни ҳурматлаш, аяб-асраш ҳар бир фарзанднинг бурчидир. Ота-онанинг буюрганларини дарҳол бажариш, уларнинг кўнглини шод этиш шарт.

Бу ҳақда А. Навоий ҳазратлари шундай дейди:

*Боини фидо айла, ато бошига,*

*Жисмни қил садқа ано қошига.*

*Тун-кунингга айлагали нур фоши,*

*Бирисин ой англа, бирисин қуёш.*

Ешларда оиласда ва жамоат жойларида ўзини тутиш қоидалари, йигит ва қизларнинг ўзбек халқига хос ахлоқий хислатлари, йигитларда мардлик, ботирлик, жасурлик, ғамхўрлик, тантилик, шафкатлилик ва муруватлилик, ахдига садоқатли ва йигитлик бурчини англаш каби фазилатларни тарбиялайдилар.

Қизларда эса факат ўзбек халқидагина бўладиган, унинг маънавий қиёфасини белгилайдиган, унинг қадрини оширадиган миллий фазилатлар: меҳрибонлик, хушхулқлик, мулойимлик, уятчанлик, андиша, ибо, ҳаё, ростгўйлик, назокатлилик, меҳнатсеварлик, чеварлик, чаққонлик, садоқат ва вафодорлик каби фазилатларни таркиб топтиришга тиришадилар.

Дарҳакиқат, халқимиз азал-азалдан ахлоқий фазилатларга бой бўлган. Ота-боболаримиз фарзанд ўстирар эканлар, уларнинг хулк-атворлариға, гап-сўзларига, кишилар олдида ўзларини қандай тутиб, нималар ҳақида фикрлашиб, ўз мақсадларини қандай сўзлар билан тушунтиришлариға катта аҳамият беришган. Улар фарзандларининг қурслик қилиши, катталар сухбатига аралашиши, ножӯя ишларига зинҳор-базинҳор йўл қўймаганлар. Бу нарсаларга фарзанд тарбиясининг энг муҳим томони деб қараганлар. Аммо, минг афсуски, якин тарихимизда шарқона тарбия, ахлоқ-одобнинг минг йиллик тажрибаларидан «эскилиқ сарқити» деб воз кечдик, ўзлигимизни унутаёздик. Ахлоқсизлик, ҳаёсизлик, ичкиликбозлик, қадимий меросимиздан нафратланиш асосига қурилган «янги ахлоқ» зўрлаб тарғиб қилинди. Бу «оврўпача одоб»нинг самарасини, халқимиз бошига солган кулфатларини, маънавиятимизга етказган заарларини бугун ҳаммамиз кўриб турибмиз.

Демак, бугунги қундаги энг асосий ва олий мақсадимиз, вазифамиз «оврўпоча» тарбиянинг заарларини бартараф этиш, шарқона урф-одатларимиз, қадриятларимиз, ўзбекона одоб-ахлоқимизни қайта тиклашимиз зарур. Бунга осонликча эришиб бўлмайди, албатта. Ўзлигимизни, ўз маънавий қиёфамизни, ўзимизга хосликни тиклаш воситаларидан бири ўзбек халқ педагогикаси тизимини, ўзбекларнинг факат ўзига хос азалий тарбия усуллари ва воситаларини яратишдан иборатдир.

### Библиографик рўйхат

1. Каримов И. А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори // Баркамол авлод орзуси. – Т. : Шарқ, 1997.
2. Каримов И. А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Тошкент, 1992. – 11 б.
3. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Тошкент : Ўқитувчи, 1992. – 13 б.

## МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ

Х. Б. Қодирова

Катта ўқитувчи,  
Низомий номидаги Тошкент давлат  
педагогика университети,  
Тошкент, Ўзбекистон

**Summary.** The significance of national identity on the path of socio-economic, political and spiritual renewal of society is great. Democracy is increasingly included in all spheres of life of the people since independence of Uzbekistan. The people of Uzbekistan has an active policy of the development of independence and preservation of spiritual unity based on humanity.  
**Keywords:** national identity; democracy; spiritual unity.

“Ўзликни англаш” нималигини билиш учун олдин “ўзлик”нинг ўзинима эканини билиб олиш керак. Сўзнинг сиртидан ҳам қўриниб турганидек, “ўзлик”нинг ўзаги “ўз”дир. Яъни, “ўзлик” “ўз”га тегишлидир. “Ўз” эса, “асл” демакдир. Жайдарича айтганда, киши бир куни ўзига “Мен кимман?” деган саволни берган заҳоти у ўзини англаш йўлига чиққан, биринчи қадамини қўйган бўлади. Бу гаплар бутун инсон зотига тегишлидир. Айни чоқда, одамлар дунёда турли миллат, турли дин, демак, турли маданият ичида яшайди. Демак, инсонлик нуқтаи назардаги ўзлиқдан ташқари энди ундан майдароқ – миллий, диний ўзликлар ҳам юзага келади. Буниси қандай англанади? Албатта, асли тўғри англаб олинганидан кейин ўзликнинг булар каби майда кўринишлари ҳам ўз-ўзидан тўғри англанаверади.

Юз ўттиз йиллик мустамлака остидан чиққан бир миллат ўлароқ бугун биз қайтадан ўзликни англашга киришяпмиз, бу шарафли юксалишнинг илк босқичида турибмиз, илк қадамларимизни қўймоқдамиз. Яқин кунларгача устимизда ҳукмини юритганлар бизга, динимизга, маданиятилизга, ўзлигимизга бегоналар эди, улар бизга ҳам ўзларининг “ўзлик”ларини юқтиришга уринишди. Натижада ўзлигимиздан ажралишимизга оз қолди. Аммо биз бугун янги ўзлик қидириб ўтирумаймиз. Йўқотганимизни, йўқотаётганимизни қайтадан топсак бўлди. Адашишлар, улоқишилар етар, ўзликни англашда, хис қилишда бошидан тўғри йўлга тушиб олишимиз керак.

Бу фикрлардан келиб чикиб бугунги глобаллашув даврида миллий ўзликнинг аҳамияти Ватанин хавф солаётган кучлардан асрasha катта аҳамиятга эгадир. Айниқса бугунги кунда ривожланган давлатлар ривожланаётган давлатларни иқтисодий, сиёсий ва маънавий қарам қилишнинг янги-янги услубларини ишлаб чиқмоқдалар. Бу хавфлардан сақланмоқ учун ўзлигимизни англашган ҳолда, Ватан буюклигини таъминлаш керак.

XXI аср бошларига келиб дунё мамлакатлари ўртасидаги ўзаро таъсир шу қадар кучайиб кетдики, бу жараёндан тўла алохидат бўлиб олган бирорта ҳам давлат йўқ. Ҳаттоқи, халқаро ташкилотлардан узоқроқ

туришга интилаётган, уларга аъзо бўлишни истамаётган мамлакатлар ҳам бу жараёндан мутлақо четда эмас. Дунёда юз бераётган шиддатли жараёнларнинг ҳар бир мамлакатга ўтказаётган салбий таъсирини камайтириш ва ижобий таъсирини кучайтириш учун шу ҳодисанинг моҳиятини чуқурроқ англаш, унинг хусусиятларини ўрганиш лозим. Бу ҳодисани чуқур ўрганмай туриб унга мослашиш, керак бўлганда, унинг йўналишини тегишли ижобий тарзда ўзгартириш керак. Глобаллашув яна шундай жараёнки, уни чуқур ўрганмаслик, ундан фойдаланиш стратегияси, тактикаси ва технологиясини ишлаб чиқмаслик мамлакат иқтисоди ва маданияти, маънавиятини тоғдан тушаётган шиддатли дарё оқимига бошқарувсиз қайиқни топшириб қўйиш билан баравар бўлади.

Мамлакатимизнинг жаҳон майдонида олиб бораётган сиёсати кўпроқ самара ва муваффақият келтиришини истасак, глобаллашувнинг моҳияти, йўналишлари, хусусиятларини чуқурроқ тадқиқ ва таҳлил қилиш зарур. Айнан шу жараённи чуқурроқ таҳлил этиш орқали сиёсатчиларнинг тўғри йўл танлаши ва қарорлар қабул қилиши учун имконият яратиш мумкин.

“Социал ўзини англаш” ёки “ўз-ўзини ангаш” тушунчаси “шахслараро алоқалар” ёки “мулоқот қилиш” тушунчаларидан кенгрокдир. Чунки социал ўзаро муносабатларда шахс жамиятда мавжуд бўлган социал норма ва қадриятларни англаб етиб, улар асосида реал ҳаракат, муносабатни амалга оширади. Шахслараро муносабатлар эса ахборот алмашиш ва унга нисбатан жавоб реакцияси сифатида баҳоланиши мумкин. Унда ҳеч қандай социал контекст йўқ.

Шу орқали биз социал ва шахслараро муносабатларнинг асосий элементларини кўришимиз мумкин: қабул қилиш, коммуникация, мулоқотга киришиш, ўзаро ҳаракат.

Ўзбекистонда кенг тармоқли яҳлит стратификацион тадқиқот ишларни амалга ошириш зарурияти ва долзарблиги бугунги кунда ўзбек халқининг миллий ўзлигини тўғри идрок этиши ва унинг прогматик ҳолатини тўғри баҳолаш миллий менталитет имкониятларидан самарали фойдаланишга йўл очади.

Маълумки, мустақиллик туфайли, янгидан таркиб топаётган Ўзбекистон давлати халқларининг ўзига ҳослиги, этник моҳияти тарихига бўлган қизиқиши кескин кучайтириди. Ана шу эҳтиёж доирасида амалга оширилаётган жиддий ўзгаришлар қаторида миллий менталитет ва унинг прогматик ҳолатини тадқиқ этиш алоҳида аҳамиятга эга. Менталитет сўзи инглизча “ақлий, руҳий” ҳолат маъносида келиб, бу атама муайян миллатларнинг ўзига ҳослиги, интеллектуал маънавий қиёфаси тарзида қолади.

Табиийки, ҳар бир миллатнинг ақлий ва руҳий қиёфаси ўзига ҳос тарихий этник ва табиий иқлимий шарт-шароитлар доирасида шаклланганлиги боис унинг реал хаёт воқеаларига ижтимоий-сиёсий ҳодисаларга бўлган муносабати ҳам ҳар хил бўлиши шубҳасизdir. Зоро,

миллий ўзига ҳосликлар ва унинг прогматик ҳолати халқнинг характерлик белгилари узоқ асрлар мобайнида муайян ижтимоий-иқтисодий табиий жўғрофий шарт-шароитлар, сиёсий вазиятлар, диний мансубликлар, бошқа миллатлар билан ҳамкорликлар, жангур-жадаллар ва осудалик ҳолатлари негизида вужудга келади.

Хуллас, халқимиз маънавий дунёси, менталитетига унинг прогматик ҳолатига тўлақонли ва яхлит баҳо беришда юқоридаги муҳим жиҳатларни инобатга олиш зарур.

Хулоса қилиб, глобаллашув даврида биз бугунги кунда Ўзбекистонда яшаётган барча халқлар, уларнинг миллати, динидан қатъий назар ягона мақсад сари бирлаштириб, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги ва тинчлиги учун курашиш бугунги кундаги ягона йўлдир. Душманлар ёшлар онги ва қалбини эгаллашда янги-янги услублар ишлаб чиқмоқдалар.

Ўзларининг ақл-идроқи билан ташқаридан кириб келаётган хавфларни хис қила оладиган ва тушиниб уларга қарши қураша оладиган ёшларни тарбиялаб бориш керак. Бу тарбияда биринчи ўринда оналар тарбияси чексиз. “Тарбия ҳамма нарсадан устун, у шубҳасиз аёллар зиммасидадир” деб кўрсатади Ж. Ж. Руссо.

Ўз кучи ва билимига ишонган, фанда янги – янги кашфиётлар яратишдан Ўзбекистонни дунёга танитадиган. Энг ривожланган мамлакатларнинг илғор кишилари билан тенгма-тенг муомила қила оладиган, кучли ва ориятили бўлган, ватанпарвар, баркамол авлодни тарбиялаш бугунги кундаги долзарб вазифалардан биридир. Президент И. А. Каримов маънавий тарбия тизимимиз олдида турган бевосита вазифалар билан боғлиқ, ёш авлодда шакллантириш жуда зарур бўлган куйидаги масалага диққатимизни тортади.

Биринчиси: Бепарволик ва лоқайдликка йўл қўймаслик, хушёрлик ва жонкуярлик руҳида тарбиялаш ;

Иккинчиси: Халқаро майдонда содир бўлаётган жараёнларнинг туб моҳиятига етиб бориш, улар ҳақида холис ва мустакил фикрга эга бўладиган ва жаҳон миқиёсига ўз таъсирини ўтказдириб, Ўзбекистон давлатининг жаҳонда ривожланган давлатлар қаторидан ўз ўрнига эга бўлиш учун қурашадиган ёшларни тарбиялаш ;

Учинчиси: Миллий ахлоқий қадриятларимизни сақлаб қолиш, “Оммавий маданият” хуружларига қарши қурашишадиган кадрларни тайёрлаш;

Туртингидан: Глобализация даврида ўз она Ватанни ҳимоя қилишни эътиқод даражасига айлантирган, ўзликни англаш асосий рол уйнайди. Сократ,- “Ўзликни англаш инсон, маънавий юксалишга эришади, ҳар қандай шароитда эзгуликка чорлайди”. деб кўрсатади.

Бешинчидан: Маънавияти юксак, она Ватанни олдидаги маъсулият, бурчни чукур англайдиган ёшларни тарбиялашда, Президент Ислом

Каримов, – “XXI асрда дунёни маданият ва маънавият қутқаради” деб бежиз атмади.

Энди, мумтоз адабиётимизда “ўзлик”нинг бошқача бир англами ҳам бор. Битта шахсга тегишли, асосан дунёга боғланган қисмимиз назарда тутилади. Ҳазрат Алишер Навоийнинг “Ўзлукдин ўзунгни айла озод, То дашти фаноға киргайсен шод” (“Лайли ва Мажнун”дан)деган байтларидағи “ўзлук” Яратган билан боғланиб кетишга тўсқинлик қиласидиган шахсий хусусият (дунёвий барча орзу-истак)ларни билдиради. Ўзингни бу каби хусусиятлардан мутлақ озод қилсанг, Яратганингга тўсиқсиз қовушиб кетасан, дейилмоқчи (бу байтни яна бошқача ва узок шарҳлаш ҳам мумкин).

### Библиографик рўйхат

1. Бекмуродов М. Социология асослари. – Т., 1997.
2. Бромлей Ю. В. Этнос ва этнография. – М. : Наука, 1973. – С. 283.
3. Каримов И. А. Ўзбекистон: миллый истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Т. : Ўзбекистон, 1996. – Б. 3–35.
4. Каримов И. А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Б. 36–85.
5. Каримов И. А. Миллый мафкура – давлатимиз ва жамиятимиз қурилишида биз учун руҳий-маънавий куч-қувват манбаи. – Б. 462–474.
6. Козлов В. И. Проблема этнического самосознания и её роль в теории этноса. – М. : Наука, 1974. – С. 334.
7. Позитивизм фалсафаси ва унинг Фарб мамлакатлари ҳаёти ва фуқаролар турмуш тарзида намоён бўлиши. –Т. : Фарб фалсафаси, 2002. – Б. 129–131.
8. Социология. Общий курс : учебник. – М. : ИНФРА-М, 2006. – С. 332.
9. Столин В. В. Самосознание личности. – М. : Изд-во моск. унита, 1983. – 273 б.
10. Ҳозирги замон фалсафасидаги ворислик ва янгиланиш, унинг XIX асрдаги илдизларини тушунтириинг. – Т. : Фарб фалсафаси, 1998. – 187 б.
11. Юсупов Э. Мерос ва қадрият. Ўзбекистон овози газетаси. – 1991. – 12 ноябрь.
12. Чеснокова И. И. Проблема самосознания в психологии. – М. : Наука 1977.
13. Хайруллаев М. М. Ижтимоий онг ва унинг формалари. – Т. : Ўз, 1969. – 72 б.
14. Шермуҳамедов С. Мустақиллик-буюк неъмат. – Т. : Ўз, 1997. – 78 б.

# МИЛЛИЙ-АХЛОҚИЙ КАМОЛОТГА ЭРИШИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

М. М. Қаххорова,

*Фалсафа фанлари доктори, доцент,  
Низомий номидаги Тошкент давлат  
педагогика университети,  
Тошкент, Ўзбекистон,  
педагогика фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон давлат жаҳон  
тиллари университети,  
Тошкент, Ўзбекистон*

С. М. Йўлдошева

**Summary.** Questions of behavior and globalization impact prosperity, nationality idea in our national morality for war human science and hearts were defined through national philosophical independent, defined, only in this article.

**Keywords:** globalization; national morality; philosophical independent.

Жамият ахлоқининг илдизи миллат тарихи билан узвий боғлиқ ҳодиса бўлиб, миллий маънавиятимизда ахлоқ масаласига доимо етакчи эътибор қаратилган. Ахлоқ илми миллий маънавиятимиз доирасида турли даврларда турлича йўналишларда ривожлантирилган. Мустақиллик йилларида миллий маънавий меросимизга оид барча асарлар жиддий таҳлил қилиниб, уларни қиёсий ўрганиш асосида миллий ахлоқ илмининг асослари ишлаб чиқилмоқда. Чунки улардаги табиатга, ота-онага, билимга бўлган муносабат, сабр-бардош, шукроналикка даъват, ўзаро меҳр, меҳмондўстлик, вафо ва садоқат, ҳалоллик, камтарлик, камсуқумлик, самимият ва ростгўйлик каби юксак ахлоқ ва одоб қоидаларининг тарғиботи нафакат халқимиз балки бутун инсоният учун бебаҳо маънавий бойлик тизимини ташкил этади.

Инсон ёшликтан азалий анъаналар, урф-одатлар оғушида камолга етади. Бунда оила, маҳалла ва таълим-тарбия даргоҳларидағи микро, мезо, макро мухитдаги уйғунлик ва изчиллик катта ўрин тутади. Чунки демократик қадриятларнинг таркиб топиши шароитида одамларнинг ахлоқий онгини умумийлик принципи асосида шакллантириб бориш зарурат ҳисобланади. Акс ҳолда, жамият ахлоқий мухитида ахлоқий онг даражаси сусайиб кетади. Бунга сабаб демократик қадриятларнинг инсонга том маънодаги эркинлик бершидир. Бундай эркинликдан мақсадли фойдаланилса, у ахлоқий онгнинг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатади, агар эркинлик омилидан мақсадсиз фойдаланилса (у суиистеъмол қилинса), ахлоқий онг ривожига салбий таъсир кўрсатади. Чунки «эркинлик бебошлиқ ва анархия эмас. Қонундан ташқари чиққан, анаъндан чекиниб, ахлоқсизлик қилган одам эркин одам эмас, балки бузғунчи ва бошқалар эркига тажовуз қилувчи кишидир» [1]. Шундай

экан, жамиятда мутлақ эркинлик бўлмаслигини, мустақил фикрлаш маъсуллиятсизлик ва бурчни унутиш эмаслигини англаш ва англатиш масаласини тўғри тушуниш ва ҳозирги глобаллашув воқелигидан келиб чиқиб ҳал этиш долзарб масаладир. Бу борада таълим тизимининг барча босқичида эркинликни билим билан, билимни имон билан, имонни эътиқод билан боғлаб ва уларнинг барчасини Ватанимиз равнақи йўлига қаратсак, ушбу мезонларни ўзида, ўз фаолиятида шакллантирган маънавий идеалларни тарбиялай олсаккина фуқароларнинг эркинлиги ва мустақил тафаккурига асосланган жамият қурамиз. Шу сабабли, бизнинг назаримизда, маънавий идеал жамият ахлоқий муҳитини меъёрлаширишда ва ахлоқий онгнинг мақсадли шаклланишида муҳим аҳамиятга эга.

Биз «маънавий идеал» тушунчасини ижтимоий ахлоқий тушунча деб ҳисоблаймиз. Бу ўринда унинг мазмун-моҳияти ва асосий категорияларига дикқат қаратамиз.

Мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб Президентимиз Ислом Каримов янги жамиятни барпо этишда идеал мақсадларнинг аҳамиятини таъкидлаб, унинг асоси сифатида «Миллий-тарихий турмуш тарзимизни, ҳалқимиз урф-одатларини, анъаналаримизни кишиларнинг фикрлаш тарзини ҳисобга оламиз» [2], – дея қўрсатиб ўтгандилар. Ҳақиқатан, ҳам ана шу уч омилда идеалликнинг муҳим илдизлари мавжуд. Унга асосланиш истиқлол йилларида юртимизда «маънавий ва ахлоқий тарбияни кучайтириш, тарихий илдизларимизга, миллий ўзлигимизга қайтиш, аҳолининг сиёсий онги ва хуқуқий маданиятини оширишга доир аниқ мақсадга йўналтирилган ишларимизда муҳим аҳамият касб этди» [3]. Ҳеч шубҳа йўқки, маънавий идеал орзуси аждодларимиздан бизга ўтиб келаётган, қон-қонимизга сингиб кетган муқаддас интилишдир. Тарихга назар ташласак, буюк шахсларнинг фаолияти моҳир ташкилотчилик, теран билимлилик билангина эмас, балки уларнинг ахлоқи ва одоби билан ҳам маъно-мазмун касб этган. Олимларнинг тадқиқотларига қараганда инсоният ўз ахлоқий тараққиёти давомида учта идеалга интилиб келди. Булар эркинлик, тенглик ва қардошлиқдир. Бу албатта муҳим фикр бўлиб, ўз даврида шўро мафкурачилари томонидан «атайин» кўздан четда қолдирилган. Ҳақиқатан ҳам, инсоннинг ахлоқий тараққиётида эркинлик, тенглик ва қардошлиқ тамойиллари муҳим ўрин тутади, улар идеалнинг категориал тушунчалари бўла олади. Чунки кимки фикрда, ахлоқда ва фаолиятда эркин бўлса, у ўзлигини англаб етади. Ўзлигини анлаган инсон ўзганинг ҳам ўзидек эканлигини ҳис қиласди. Бу тенглик тамойилининг қарор топишидир. Одамларнинг бир-бирларини ўзаро тенг, деб билишлари уларнинг ягона мақсад сари бирлашиб интилишларини келтириб чиқаради, бу қардошлиқ тамойилининг намоён бўлишидир.

Бизнинг фикримизча, маънавий идеал қуйидагича таърифга эга бўлади: маънавий идеал – бу шахс ахлоқий онгини шакллантирувчи,

йўналтирувчи ва ҳаракатлантирувчи намуналар мажмуидир. Бу намуналар реаллик сифатида намоён бўлади. чунки инсон реалликка ишонади, ундан ибрат олади. У ахлоқий ҳусусиятга эгалиги билан инсоннинг ўзлигини англаб етишга даъват қиласи. Негаки, арабча «маъни» сўзининг маъноси ўзбекча «ўзлик» сўзини ифодалайди [4]. Шу маънода, ўзлигини англаган киши инсониятнинг *бир*, ягона моҳиятга эга эканлигини англаб етади ва ўзгалар ҳаётига дахл қилиш ўзи учун ҳам заарли эканлигини англаб етади. Бу ёвузликни тарк этиб, эзгуликка юз тутишдир. Демак, маънавий идеал негизида эзгулик ғояси туради. У – инсоннинг ўзлигини англаб етишга туртки берувчи асос сифатида маънавий идеалнинг негизини ташкил қиласи.

Ўзликни англаш ижтимоий амалиётда муҳим омил ҳисобланади. Чунки ўзлигини англаш, ўз-ўзини кашф қилиш билан инсон қудратли идрок, мустаҳкам ирода ва мўътадил хулқ-атвор ҳосил қиласи. «Инсонни маънавий борлиқ деб тушуниш – унда ўлмас қалб, муқаддас рух, нажиб имон, чексиз меҳр ва улуғвор виждоннинг мавжудлигини тан олиш демакдир. Бу борлиқнинг ҳаёти сирли, ички жараён бўлиб, ўзликда намоён бўлади. Инсоннинг маънавий борлиғи маънавий маданиятнинг манбаидир» [5], – деб ёзади файласуф олим И. Ильин ўзининг «Маънавий янгиланиш йўли» номли асарида. Аслида бундай қараш миллий этиканиз тараққиётида баён қилинган бўлиб, у «маънавий вужуд» (яъни борлиқ) ҳосил қилиш, деб аталган. Мисол учун Хожа Ахрор Валий «Маънавий вужуд бу – кераксиз ҳою ҳаваслардан, характердан ва эҳтиёжу талаблардан воз кечиб, руҳий борлиқ ҳосил қилишдир» [6], – дейди. Демак, ўзликни англаш билан инсоннинг моҳияти кашф қилинади, бу – маънавий идеалнинг энг муҳим функционал вазифасидир. Чунки ўзлигини англамаган инсон ёмонликка, ёвузликка ва вайронгарчиликка мойил бўлади. Негаки, ўзлигини англамаган инсонда аста секин фикрсизлик, ахлоқсизлик ва фаолиятсизлик таркиб топади.

Соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантириш ва маънавий идеални тарбиялаш хуқуқий, демократик давлат ва фуқаролик жамияти асосларини барқарорлаштиришда ўта муҳим аҳамият қасб этади. Чунки маънавий идеал инсонни эзгу мақсад сари йўналтиради. Шундай экан, жамият маънавий идеалга асосланиб ахлоқий муҳитни сайқаллаштириши керак.

Сабаби бугунги кунда инсон онги ва қалби учун кураш долзарб масала бўлиб турибди. Чунки инсонда нафс туйғуси бор, бу туйғунинг истаклари чексиз. Шу маънода эзгулик руҳий-маънавий, ёвузлик эса нафсоний туйғу ҳисобланади.

Эътиқодлилик шахснинг ахлоқий-иродавий сифатидир. У шахсда ишонч, умид ва ҳаракатни шакллантиради. Эътиқодли одам ўзи ва ўзгалар учун масъулият сезади. Бунинг акси бўлган эътиқодсизлик инсонни маънавий қувват манбайи бўлган ишончдан айиради, бунинг натижасида

инсонда умид йўқолади ва энди у бефарқ, фаолиятсиз кимсага айланади. Зеро, эътиқод маънавий, эътиқодсизлик эса нафсоний туйғудир.

Эркинлик шахсга танлаш, англаш ва тушуниш имконини беради. Инсон эркин сўзлаши, эркин фикрлаши ва эркин яшashi лозим. У буларни танлайди, булар билангина ҳаётининг, умуман инсон ҳаётининг мазмунли (маънили) кечишини англаб етади ва бу ёруғ дунёда инсон фикрсиз, мақсадсиз яшай олмаслигини тушунади. Эркинлик инсонни одам бўлиб яшашга ўргатади. Эркинликнинг акси *мутеликдир*. Муте одамда танлаш, англаш ва тушуниш малакаси бўлмайди. У ўзгалар фикрининг, қарашларининг, хатти-харакатларининг қулига айланади. Шу сабабли бугунги башарият «демократия» деганда мутеликни тарқ этиб, эркинликка интилиши назарда тутади.

Зеро, маънавий идеалнинг мазкур категориялари инсонни маънавий поклик, бағрикенглик ва биродарлик руҳида вояга етказади.

Маънавий идеал инсоннинг ахлоқий ҳаётида муҳим ўрин тутади. Шу маънода маънавий идеал «Инсоннинг етуклиқ мезонидир» [7]. Демак, маънавий идеални болалар боғчасидан тортиб олий ўкув юритигача бўлган тизимда шакллантиришга диққат қилиш лозим бўлади. Маънавий идеални инсон онгидан шакллантиришда далиллар масаласига алоҳида эътибор бериш керак. Даилланилмаган (фактизация) маънавий идеал киши қалбida ўрнашмайди, хотирада муҳрланиб қолмайди. Бу энг муҳим масаладир.

Маънавий идеал шахснинг онги, тафаккури, идроки, ҳиссий дунёси – умуман маънавий (ички) оламида шаклланса-да, лекин у муайян жамиятнинг маънавий даражаси учун ижтимоий эҳтиёжлари, талаблари ва заруриятлари сифатида пайдо бўлади. Шу маънода ҳар бир жамиятда даврий ва умумий маънавий идеаллар юзага келади.

Даврий маънавий идеаллар бир жамиятнинг эҳтиёжларини рўёбга чиқарса, умумий маънавий идеаллар эса барча жамиятга хос бўлади. Масалан, ҳозирги жамиятимиз учун инсоннинг соғлом эътиқодга эга бўлиши долзарб маънавий идеал бўлса, инсон қадрини сақлаш эса умумий маънавий идеалга хос бўлган ғоядир.

Маънавий идеал тушунчасини бундай талқин қилиш Фарб олимларига ҳам хосдир. Масалан, рус файласуф олими И. Ильин «Инсоният ягона маънавий эфир қамровида яшаб келмоқда» [8], – деб таъкидлайди. Бунинг маъноси шуки, инсоннинг ўзлигини фақат инсониятга хос бўлган руҳий-маънавий куч сақлаб туради. Бу куч маънавий идеалдан қувват олади.

Маълум бўладики, маънавий идеал тушунчалик Шарқ ва Ғарб олимлари томонидан моҳият жиҳатидан бир хил маънода талқин қилиб келинган. Бироқ, ҳозирги замон илмий-назарий адабиётларида маънавий идеал тўғрисида сўз юритилмаган. Фалсафа қомусий лугатида *ижтимоий идеалга таъриф берилган*. Унга кўра, ижтимоий идеал бу «энг адолатли, мукаммал кўринган фаровон жамият қурилишига, баҳт-саодатга эришув

йўлларига оид ғоя, фикр, таълимот» [9] дир. Айни пайтда, миллий фалсафий меросимизда «маънавийлик» атамаси ишлатилганини назарда тутиш лозим бўлади. Мисол учун, Жалолиддин Румийнинг асарини «Маънавий маснавий» [10], деб номланишини эслайлик. Бу ҳолда, маънавий муддао ҳақида сўз борганда «маънавий идеал» категориал тушунчасини ишлатишимиш мумкин. Маънавий идеал – инсоннинг руҳий-ахлоқий оламига ҳос бўлган энг олий мақсадлари билан муштарак ғоя, фикр ва қарашлар, ҳистойғулар мажмуини ифодалайди. Чунки «маънавият» деганда инсонларнинг ўзаро муносабатлари, уларнинг ҳаётий тажрибалари давомида шаклланган ва ривожланган қадриятлар тизими» [11] ни тушунамиз. Миллий ва умумисоний қадриятлар тизими эса ўз навбатида инсоннинг онги, қобилияти ва интилишлари асосида шаклланади ва ривожланади [12]. Демак, маънавий идеал тушунчасида нисбатан умумийлик хусусиятига эга бўлган ахлоқийлик илк режага чиқади ва маънавий идеал ана шу ахлоқка урғу бериш билан «ижтимоий идеал» тушунчасидан фарқ қиласди.

Бизнинг фикримизча, маънавий идеал ижтимоий идеалга нисбатан қўйидаги фарқликларга эга:

1. Маънавий идеал умумий фаровонлик ва баҳт-саодатга эришишда алоҳида кишининг манфаатлари асосида умумманфаатлар томон боришини назарда тутади. Бошқача айтганда, «инсондан умумисонийликка» ғояси маънавий идеалнинг специфик хусусиятидир.

2. Маънавий идеал инсонда ғоя, маслак, дунёқараш ва ахлоқни шакллантириши билан ахлоқий ғоя, маслақ, дунёқараш ва характерни таркиб топтиришни функционал вазифаси деб билади. Бошқача айтганда, маънавий идеал инсоннинг онги ва тафаккуридаги энг илгор жиҳатларни умумлаштириш (ижтимоийлаштириш) йўлига асосланади.

3. Маънавий идеалда инсонийлик ва ахлоқийлик тамойилларига урғу берилади. Инсоннинг инсонийлиги ва ахлоқийлиги умумжамият дараҷасида намуна бўлиб хизмат қиласди.

4. Маънавий идеалдаги ғоя, маслак ва қарашлар тизими муайян жамиятнинг эҳтиёжини қондириши ёки муйян жамият учун ментал хусусият касб этиши мумкин.

Маънавий идеал ва ижтимоий идеал категориялари орасидаги бу тафовутлар кўзга кўринмас даражада бўлса-да, лекин маъно-мазмун жиҳатидан айрича тушунчалардир.

Шахсда маънавий идеалнинг эзгу мақсад (ғоя), чукур билим (дунёқараш) ва самарали фаолият (амал) элементларининг таркиб топиши учун кишида фуқаролик ҳис-туйғуси шаклланиши шарт. Бу ўринда таъкидлаш лозимки, фуқаролик ҳисси шахснинг жамият ахлоқий муҳитида маънавий идеалли киши сифатида фаолият юритиши учун муҳим ва асосий омил бўлади [13].

Фуқаролик ҳиссининг кўлами ва талаблари ҳар бир жамиятда ўзига хос хусусиятларга эгадир. Айни пайтда, фуқаролик ҳисси шахснинг ўз жамияти маънавий идеалларини ўзлаштириб олиш имкониятини беради.

Ууман, маънавий идеалнинг мазмуни кенг қамровли тушунчадир. Таъкидланганлардан қўйидаги хуносаларга келиш мумкин:

**Биринчидан**, маънавий идеал шахсда эзгу мақсад, мустақил дунёқараш ва самарали фаолият тушунчасининг таркиб топишидир. У шахсда фуқаролик ҳиссининг намоён бўлиши билан амалий аҳамият касб этади.

**Иккинчидан**, маънавий идеал шахсда имон, хулқ-одоб, адолат, инсонийлик, меҳнатсеварлик ва ташаббускорлик каби ахлоқий тушунча ва тамойиллар орқали ижтимоий фазилатларни таркиб топтириш натижасида ҳосил бўлади.

**Учинчидан**, маънавий идеал ғоя, маслақ, муддаодан иборат фалсафий-ахлоқий асосларга эга ва у тенглик, тараққиёт, фаровонлик қаби ижтимоий омиллар асосида шакллантирилади, бунда шахснинг ўзини ўзи англаб бориши муҳим ўрин тутади.

**Тўртинчидан**, маънавий идеал бу шахс ахлоқий онгини шакллантирувчи, йўналтирувчи ва ҳаракатлантирувчи намуналар мажмуидир. У ғоя, тимсол ва манба сифатида намоён бўлади, маънавий идеалнинг асосий вазифаси шахсни эзгу мақсадлар сари йўналтиришdir.

**Бешинчидан**, маънавий идеалнинг ахлоқий категориялари учта: эзгулик, эътиқодлилик ва эркинлик. Буларнинг зидди ҳам учта: ёвузлик, эътиқодсизлик ва мутелик. Ахлоқий тарбия ишлари инсонда эзгулик, эътиқодлилик ва эркинлик туйғуларини ғолиб тарзда шакллантиришга асосланиши керак.

**Олтинчидан**, маънавий идеални шахс онгига шакллантиришда кишининг ақлий ва руҳий жиҳатларини уйғун ривожлантиришга диққат қилиш мақсадга мувофиқдир. Ақлий ва руҳий имкониятнинг устувор бўлиши шахсда маънавий идеалнинг кутилган даражада шаклланнишига олиб келади. Зоро, маънавий идеал шахс ахлоқий етуклигининг мезони бўлиши лозим.

### Библиографик рўйхат

1. Ўзбекистон жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш йўлида. – Тошкент : Akademiya, 2005. – Б. 588.
2. Каримов И. А. Истиқолол йўли: муаммолар ва режалар // Ўзбекистон: миллый истиқолол, иқтисод, сиёsat, мафкура. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. 1-жилд. – Б. 11.
3. Каримов И. А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. – Тошкент : Ўзбекистон, 2008. 16-жилд. – Б. 33.
4. Қаранг Большаков А. Арабско-русский словарь. – М. : Наука, 1999. – С. 480.
5. Қаранг: Ильин И. А. Сочинения. В 2-х т. – М. : Медиум, 1994. Т. 2. – 277 с.
6. Фахриддин Али Сафий. Рашоҳату айнил-ҳаёт. – Тошкент : Абу Али Ибн Сино, 2004. – 282 б.

7. Қаранг: Ильенков Э. В. Философия и культура. – М. : Ипл, 1991. – С. 204.
8. Қаранг: Ильин И. А. Сочинения. В 2-х т. – М. : Медиум, 1994. Т. 2. – С. 326.
9. Фалсафа: қомусий луғат / Тузувчи ва масъул мұхаррир Қ. Назаров. – Тошкент : Шарқ, 2004. – Б. 146.
10. Қаранг: Румий Жалолиддин. Маңнавий маснавий. – Тошкент : Шарқ, 1999. – Б. 368.
11. Фалсафа: қомусий луғат / Тузувчи ва масъул мұхаррир Қ. Назаров. – Тошкент : Шарқ, 2004. – Б. 255.
12. Румий Жалолиддин. Маңнавий маснавий. – Тошкент: Шарқ, 1999. – Б. 368.
13. Трубецкой Е. Н. Смысл жизни. – М. : Проспект, 2004. – 144 б.



## **IV. INTERACTIVE LEARNING AS AN EFFECTIVE MEANS TO STRENGTHEN INDEPENDENT THINKING**

---

### **ИНТЕРФАОЛ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ОРҚАЛИ БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА ФУҚАРОЛИК ПОЗИЦИЯСИНИ ШАКЛАНТИРИШ**

**А. А. Акрамов,  
О. Б. Нематжонова**

*Мустақил тадқиқотчи,  
талааба,  
Низомий номидаги Тошкент давлат  
педагогика университети,  
Тошкент, Ўзбекистон*

---

**Summary.** This article is devoted to education of civic consciousness and patriotism of teenagers and youth. In article actual problems of formation of a civic stand of school pupils and students youth in educational institutions are considered. The author carries out thought that the role of youth is very important in the modern world, and patriotic education is important for development of society. An important factor of efficiency of this process, according to the author, professionalism of teachers and the developed sociocultural environment promoting education of civic consciousness of the younger generation.

**Keywords:** civic consciousness, active civic stand, sociocultural environment, formations of a civic stand, education system, process of educational process, education, action, political process, general secondary school, professional college, higher educational institution.

---

Фуқаролик позициясини шакллантириш умуммаданиятнинг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланиб, у ўзида фуқаронинг шахслараро, жамият ва давлат ҳамда давлатлараро жараёнларда кечадиган барча жабҳадаги ижтимоий муносабатларини ифодалайди. Фуқаролик позицияси бевосита шахс ҳусусиятлари билан боғлиқ жараён эканлигини ҳисобга оладиган бўлсақ, фуқаролик – фуқаронинг шахсий, иқтисодий-ижтимоий, маданий-маънавий, сиёсий ҳуқуқларини амалга ошириши, жамият ва давлат ишларида иштирок этиши давомида бажарадиган вазифалари, имкониятлари ва имтиёзлари, бурч ва мажбуриятлари, шунингдек, бошқа давлат (жамият) ва унинг фуқаролари билан муносабатларга киришиши ва бу жараёнда меъёрларнинг давлат томонидан муҳофаза этилиши каби белгиларни қамраб олади. Мухтасар қилиб айтганда, фуқаролик – фуқаронинг давлат миқёсида кечадиган жараёнларда объектив ва субъектив тарзда ҳуқуқий боғлиқлиги ва бу боғлиқлик давлат худудидан ташқарида ҳам вужудга келадиган муносабатларда кафолатланиш жараёнларини ўз ичига олади. Демак, фуқаролик позицияси бу – инсоннинг муносабатларда иштирок этиш фаоллиги, муносабатларга нисбатан туттган позицияси, муносабатларни ўзлаштириш даражаси ва

муносабатлардан фойдалана олиш маҳоратидир. Фуқаролик позитцияси кенг қамровли тушунча сифатида ҳуқуқий маданият, экологик маданият, сиёсий маданият, иқтисодий маданият, касбий маданият ва ҳоказоларга оид муносабатларни жамулжам акс эттиради. Шунинг учун фуқаролик позитцияси янги феномен тарзида фанга XX асрнинг 60-йилларида кириб келган бўлса-да, ҳозирги кунда деярли аксарият ижтимоий-гуманитар фанларнинг тадқиқот мавзусига айланди.

Юксак даражада такомиллашган фуқаролик жамиятини барпо этиш бевосита фуқаролик позициясининг шаклланганлиги билан изоҳланади. Бу борада таълим муассасалари муҳим ўрин тутади. 1993 йилда БМТ томонидан ташкил этилган Инсон ҳуқуқлари бўйича иккинчи жаҳон конференцияси (Вена шаҳрида) фуқаролик жамияти қуришда таълим муасасаларининг ўрни хусусида илгари сурилган «таълим – демократия асоси» даъвати мактаблар, лицей ва коллежлар, олий ўқув юртлари ва педагоглар ушбу вазифани ҳал этишда катта роль ўйнашидан далолат беради. Конференцияда инсон ҳуқуқлари бўйича таълим бериш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, ҳуқуқий демократик жамият барпо этиш кўп жиҳатдан фуқаровий-ҳуқуқий таълим даражасига боғлиқлиги эътироф этилди.

Бу борада эса таълим тизимини такомиллаштириш ва ривожлантириш, таълим муасасаларида таълим жараёнининг сифатини ошириш, таълим беришда инновацион технологиялар, педагогик маҳорат ва интерфаол усулларни дарс жараёнига узвий татбиқ этишда малака ошириш тизимининг ҳам ўзига хос ўрни мавжуд.

Айниқса таълим муасасаларида ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишида фуқаролик позициясини шакллантириш учун инновацион технологияларни татбиқ этиш кутилган натижаларга олиб келади. Хусусан:

**«Кейс таҳлил»** усули инсон-шахс-фуқаро ёки фуқаросиз шахсларчет эл фуқаролари-фуқаролар контекtsida уларнинг моҳиятини, бирбиридан фарқли жиҳатларини, белгиларини ўзаро таққослаш баробарида тушунчаларга кенг қамровли жавоб излаш ва топиш яхлит билимни, белгиланган ҳуқуқ ва бурчлар билан қонуний боғлиқликни ва фуқаролик маданиятининг асоси фуқаролик мақомини англатишга хизмат қиласди.

**«Эврика»** методи мураккаб ва муаммоли вазиятларни кўтариб чиқиши натижасида масалани ҳал этишда ҳар бир талабанинг ёндашувини, ҳаракатларини, ўзини тутиш ҳолатларини, имкониятларини ишга солиши, бу муаммони ечимини топишда, биринчи навбатда, билим ва қўнималарга эга бўлиш шартлиги ҳамда билим ва қўнималарини ишга sola олишини, асосийси эса қўллаш позициясининг муҳимлигини ҳам шакллантиришда қўл келади.

**«Бадиий-ролли лойиҳалаштириш»** технологиясини ташкиллаштириш натижасида бадиий қаҳрамоннинг фазилатларини, фаолиятини, ҳатти-

ҳаракатлари йўналишини кўрсатиш ва таҳлил қилиш давомида фуқаролик аҳамиятига оид билимлар мажмуи ва уйғунлигини сингдиришда қулай шароит яратади ва фуқаролик ҳиссини, фуқаровий фидойиликни ва фуқаровий ғурурни уйғотишга кўмаклашади. Масалан, Юсуфбек ҳожи (А. Қодирий «Ўтган кунлар») образи, Жалолиддин Мангуберди (М. Шайхзода «Жалолиддин Мангуберди») образларини намойиш қилиш мумкин.

«Зx4» методи фуқаролик позитциясини шакллантириш жараёнини оддийдан мураккабга, элементдан компонентга ёки таҳлилдан синтезга олиб чиқиш орқали фуқаролик позитциясининиг жиҳатларини, атрибуларини тўлиқ таҳлил ва мушоҳада этилиши комплекс билимни юзага келтириб, фуқаролик позитциясини шаклланишида фундамент вазифасини бажаради.

Хуллас, фуқаролик позициясини шакллантиришда ижтимоий-гуманитар фанларнинг инновацион технологиялардан фойдаланиши ҳал қилувчи восита ҳисобланади. Чунки инновацион технологияларни таълим тизимиға жорий этиш бу борада нафақат билим бериш, шу билан бирга амалда эркин ва фаол фаолият юритиш имконини ҳам яратиб беради. Бу борада малака ошириш тизимида педагоголарни фаолиятини такомиллаштириш, уларда ёш авлод онгига фуқаролик позициясини шакллантира олиш кўникмаларини такомилаштириб бориш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

## MUSTAQIL O'QITISHNING ZAMONAVIY USULINI SHAKLLANTIRISHDA MASOFAVIY TA'LIM TIZIMINING O'RNI

M. N. Begmatova

Assistant,  
Toshkent axborot  
texnologiyalari universiteti,  
Toshkent, O'zbekiston

---

**Summary.** This article observes the concept of increasing ability of independent thinking learner to distance learning in system of education. It also given preferences, conveniences and disadvantages of independent learning.

**Keywords:** system of education; independent thinking; distance learning; independent work.

---

Kadrlar tayyorlash Milliy dasturi hamda O'zbekiston Respublikasining «Ta'lim to'g'risida»gi qonuni zimmamizga zamonaviy bilimlar sari keng yo'l ochish ta'limotni takomillashtirishda yangi informatsiya texnologiyalardan umumi foydalanishni yuklaydi.

Ta'lim tizimda bir qator sezilarli o'zgarishlar ro'y berayotganligi yaqqol namoyon bo'lmoqda. Turli ta'lim shakllari qatori ayniqsa, masofaviy ta'lim

keng qo'llanimoqda. «Internet»ning imkoniyatlari kundan-kunga oshib bormoqda. «Internet»dan foydalanishning yangi bosqichi boshlandi.

Bugungi kunda taraqqiyot juda tez rivojlanmoqda va juda tez o'zgarmoqda. Har bir kunimiz kuchli informatsiya oqimi ostida kechmoqda. Informatsiya oqimi bizni har joyda ta'qib etadi. Hayotni anglash, uni o'rganish informatsiyalarni yig'ish va o'zlashtirish orqali kechadi. Insonning bilimlilik darajasi ham ma'lum davr ichida shaxs tomonidan o'zlashtirilgan informatsiyalarning ko'p yoki ozligi bilan belgilanadi.

Masofaviy ta'lim - bu o'qituvchi va o'quvchi bir biri bilan masofa yoki vaqt orqali ajratilgan sababli, informatsion texnologiyalardan fodalanilgan ta'lim turi. Masofadan o'qitish bu mustaqil o'qishdir. Mustaqil o'qish insonning mustaqil fikrlash, holatni baholash, xulosa va bashorat qilish qobiliyatlarini rivojlan-tiradi. Ta'lim tizimida masofadan o'qitish uslubi turli shakllari qo'llanilmoqda.

Masofadan o'qitishning afzalligi shundaki, unda o'quvchi o'ziga qulay vaqtida va hattoki ishdan ajralmagan holda o'qishi mumkin. Aynan shu afzalliklar tufayli bu uslub dunyoda hozirgi kunda keng tarqalgan. O'quvchi berilgan programmani qanchalik tez o'zlashtirsa, shunchalik tez o'qishni tugatadi va guvohnoma oladi. Programmani o'zlashtira olmasa, unga mustaqil ishlab, o'qishni davom ettirishga imkoniyat beriladi.

Ushbu uslubning ko'plab afzallik tomonlari borligi ko'pchilikka ayon. Barcha oliy o'quv yurtlarida masofadan o'qitish texnika va texnologiyasini amalga oshirish borasida qator ishlar olib borilmoqda. Axborot texnologiyalarni rivojlanishi masofadan o'qitishni tashkil etishga yangicha yondashuvni taqozo etadi. Masofadan o'qitishni tashkil etishni hozirgi zamon modellarining asosida kommunikatsiya va tarmoq texnologiyalari yotadi.

Masofaviy ta'lim turining bir necha modellari mavjud, ular masofaviy ta'lim tashkil qilinishiga sabab bo'lgan vaziyatlari bilan farqlanadi: geografik sabablar (mamlakat maydoni, markazlardan geografik uzoqlashgan regionlar mavjudligi), mamlakatni kompyuterlashtirish va informatsiyalashtirish darajasi, transport va kommunikatsiyalar rivojlanish darajasi, masofaviy ta'lim uchun mutaxassislar mavjudligi, ta'lim sohasida informatsion va kommunikatsion texnologiyalardan foydalanish darajasi, mamlakatning ta'lim sohasidagi odatlari.

Masofaviy ta'limning metodik yutuqlari va afzalliklari	
Dars jadvalini qulayligi	O'quvchi o'ziga ma'qul bo'lgan vaqtda o'quv jarayoniga qatnashishi mumkin
Qulay foydalanish manzillari	O'quvchi internet kafe, uy, mexmonxona, ish joyida va boshqa joylardan o'quv jarayoniga qatnashishi mumkin
Qulay o'qish tempi	Ta'lim, o'quvchilar yangi bilimlarni tushunish tempida o'tkaziladi
Qulay o'quv reja	O'quv rejani talabalarga individual va davlat ta'lim talablariga mos holatda tashkil qilish mumkin
Ma'lumotlar bazasini to'planishi	Oldingi o'qigan talabalar bilimlarini

	to‘plash va undan foydalanish imkoniyati
Kurgazmali qulayliklari	Multimediya imkoniyatlaridan to‘lik foydalanish imkoniyati
<b>Iqtisodiy yutuqlar va afzalliklar</b>	
Cheksiz masofaga ta’lim berish	O‘qituvchi va o‘quvchilar o‘rtasidagi masofa hech qanday ahamiyatga ega emas
Ish jarayoniga xalaqit bermasligi	O‘quvchi ishdan ajralmas holatda ta’lim oladi
O‘quvchilar sonini oshirilishi	Masofaviy ta’lim texnologiyalarni to‘lik qullagan o‘quv muassasa talabalar soni 2-3 barobar oshishi mumkin
<b>Ijtimoiy yutuqlar va afzalliklar</b>	
Ijtimoiy guruhlarga ajratish yo‘qligi. Masofaviy ta’lim kursida ikkinchi oliy yoki qo‘sishma ma’lumot oluvchilar, malaka oshirish va qayta tayyorgarlik o‘tash istagida bo‘lganlar; ikkinchi paralel ma’lumot olishni xohlagan talabalar; markazdan uzoqda, kam o‘zlashtirilgan mintaqalar aholisi; jismoniy nuqsonlari bo‘lgan shaxslar; armiya xizmatida bo‘lgan shaxslar; erkin ko‘chib yurishi cheklangan shaxslar; va boshqalar qatnashishi mumkin.	
Yosh cheklanishlari yo‘qligi	O‘qishga jalb qilinuvchilarning yosh cheklanishlarini istisno qilinadi
<b>Masofaviy ta’limning salbiy tomonlari</b>	
Elektron holatdagi ta’lim va muloqot jarayonlarga ishonchhsizlik	
Davlat masofaviy ta’lim standartlari yo‘qligi va natijada davlat nusxasidagi diplom berilmasligi. Shu sababdan ko‘pgina masofaviy ta’lim kurslari bitiruvchilariga faqat ushbu kursni bitirganligi haqida sertifikat yoki guvoxnomalar berishadi	
Virtual muhit va texnika ta’midot bilan bog`liqligi. Masofaviy ta’lim internet borligi, undan foydalanish narxi, tezligi va servislar mavjudligiga, maxsus kommunikatsion texnikalar mavjudligi va ular ishlashiga taalluqli	
<b>Masofaviy ta’limning asosiy texnologiyalari</b>	
INTERAKTIV texnologiyalar	Internet masofaviy ta’lim portali. Video va audio konferentsiyalar. Elektron pochta orqali ta’lim. Internet orqali mustaqil ta’lim olish. Uzoqdan boshqarish sistemalar. Onlayn simulyator va o‘quv dasturlar. Test topshirish sistemalari.
INTERAKTIV texnologiyalar bo‘lmagan	Video, audio va bosmaga chiqarilgan materiallar. Televizion va radio ko‘rsatuvlar. Disklarda joylashgan dasturlar

O‘zbekiston o‘ziga xos bo‘lgan ta’lim sohasini jahon standarlariga olib kelishda ko‘p harakatlar qilmoqda. Mamlakatimizning maydoni kattaligi va markazdan geografik uzoqlashgan regionlar mavjudligi elektron ta’limni rivojlanishiga asosiy sabab bo‘lib, unga katta ahamiyat berilishiga olib kelmoqda. Hozirgi moliyaviy tanqislik davrida, ta’limning bu turidan keng miyosda foydalanish lozim. Mazkur ta’lim turini joriy qilish bilan bog`liq ayrim

muammolar asosan mablag`lar, texnika ta'minoti va shu sohada malakali mu-handis hamda pedagog kadrlar etishmovchiligi, lekin biz shu muammolarni im-koniyat darajasida hal qilishimiz zarur chunki, O'zbekiston sharoitida masofaviy ta'limni tashkil qilinish katta samara berishi aniq.

## ВОПРОСЫ МОДЕЛИРОВАНИЯ УЧЕБНОГО ПРОЦЕССА ПРИ ПРЕПОДАВАНИИ НАЧЕРТАТЕЛЬНОЙ ГЕОМЕТРИИ И ИНЖЕНЕРНОЙ ГРАФИКИ

Ф. И. Джумабаева,

Ассистент,

Ташкентский институт ирригации

и мелиорации,

г. Ташкент. Узбекистан,

преподаватель,

Ташкентский автомобильно-дорожный

институт, г. Ташкент, Узбекистан

З. Т. Холмухаммедова

**Summary.** Questions of modeling of the scholastic process are considered in article in process of the teaching to descriptive geometry and engineering graphs.

**Keywords:** graphic organizer; descriptive geometry; independing thinking.

Современная педагогическая наука характеризуется появлением принципиально новых методов взаимодействия преподавателя и учащихся, новых идей управления учебным процессом, новыми подходами к развитию образования.

В последнее время в педагогических исследованиях стали появляться работы, в которых делаются попытки использовать математические методы для описания учебного процесса, получения количественных характеристик влияющих на эффективность обучения. Использование теории графов, факторного анализа [1], теории вероятностей нечеткого моделирования [2] может служить подтверждением тому, что математическое моделирование проникает в педагогику.

Идея моделирования учебного процесса лежит в основе всех педагогических инноваций, т. е. прогрессивных изменений, вносящих в образовательную среду элементы, улучшающие характеристики её отдельных элементов и образовательной системы в целом.

Учебный процесс – это, прежде всего процесс, связанный с передачей, трансформацией, усвоением, хранением и применением учебной информации. На каждом занятии предстоит передача определенного объема учебной информации, усвоение ее в нужном качестве, и объективная оценка усвоенной информации. Содержание каждой темы, разделов предмета начертательной геометрии и инженерной графики находится в тесной взаимосвязи. Некоторые понятия и темы разделов усваиваются до того проис-

ходит подробное изучение раздела. При этом, чтобы учащиеся правильно усваивали научные термины и грамотного овладевали логической структурой и теоретической сущностью самой предмета, специалистами разработаны вспомогательные средства обучения – графические организаторы [3].

Графический организатор – средство наглядного представления мыслительных процессов, способы и средства структурирования и деструктурирования информации, установления связей и взаимосвязей между изучаемыми понятиями (явлениями, событиями, темами и пр.)

Графический организатор, «клuster» уместно использовать для определения объема и базы начального знания, устанавливать логические взаимосвязи между понятиями.

По порядку календарного плана предмета в начале раздела происходит частичное знакомство с плоскими кривыми циркульными, дальше усваиваются лекальные кривые в качестве конических срезов. Дальше изучается тема «Пространственные кривые» из раздела «Кривые». Видно, что сам раздел «Кривые» состоит из нескольких широких тем, содержащих конкретный объем информации. Взаимосвязь между темами в разделе имеет огромное значение. Студентам для целостного усвоения раздела кривых необходимо прочитать определенный объем теоретического материала. Не все студенты легко понимают взаимосвязь между темами раздела, так как предметы начертательной геометрии и инженерной графики требует индивидуальных способностей обучаемых.

Использование техники кластера на занятиях дает возможность каждому учащемуся при выполнении учебных действий устраниТЬ выше указанные недостатки и, самое главное, сэкономить время.

С графическим организатором, диаграммой «Вены», уже усвоенная путем синтеза-анализа информация, уточняется, расширяется, закрепляется. Используется для сравнения или сопоставления или противопоставления 2-х или 3-х аспектов и показа их общих черт. Развивается системное мышление, умение сравнивать, сопоставлять, навыки анализировать и синтезировать.

На рисунке 1 приведено соотношения геометрических образов. Преимущество данной техники состоит в сущности функционирования мышления по принципу усвоения и понимания. Его можно легко и быстро применить для усвоения всех тем и понятий.




рис. 1 Диаграмма венна

#### Библиографический список

1. Майер Р. В. Моделирование процесса формирования системы эмпирических знаний. <http://clck.yandex.ru/redir>.
2. Астанин С. В. Сопровождение процесса обучения на основе нечеткого моделирования // РФФИ. [http://www.e-joe.ru/cod/00/5\\_00/as/html](http://www.e-joe.ru/cod/00/5_00/as/html).
3. Голиш Л. В. Проектирование и планирование педагогических технологий : учебно-методическое пособие для тренинга // Серия «Современные технологии обучения». Издание 3-е, исправленное и дополненное. – Т. : ТГЭУ, 2011. – 147 с.

# ГРАФИК ТАЪЛИМДА МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШНИ МУСТАҲКАМЛОВЧИ ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАРНИНГ ТАДБИҒИ

Ф. И. Джумабоева

*Ассистент,  
Тошкент ирригация  
ва мелиорация институти,  
Тошкент, Ўзбекистон*

**Summary.** This article describe approaches to interacting methods of teaching graphics discipline to managing independently work of students.

**Keywords:** descriptive geometry; influence self-contained.

Замонавий ўқитувчи менеджер-координатор, тьютер, йўналтирувчи сифатида талабаларнинг мустақил фикрлаш қобилиятини тўғри шакланишига йўл кўрсатувчи, кўникмаларни изчил мустаҳкамлаб борилишида, талабаларнинг мустақил таълимини оқилона ташкил этиш ҳамда самарали бошқариш маҳоратига эга бўлиши керак.




График таълим сифат ва самарадорлилиги, талабаларнинг етарли фазовий тассавури ёрдамида изчил мустақил фаолият олиб боришига боғлиқдир. Педагогик адабиётларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, талабаларнинг мустақил таълимини мувафаққиятли ташкил этишда тўртта гурух: ташкилий, услубий, мотивацион ҳамда психолого педагогик омилларнинг таъсири аҳамият касб этади [1]. «Чизма геометрия» фани масалаларини мустақил бажаришда юқорида келтирилган охирги иккита омиллар орқали ўз тажрибаларимда олинган натижаларни келтириб ўтмоқчиман.

Мен меҳнат фаолиятимда кичик уй ишлари орқали талабанинг индивидуал салоҳияти ҳамда ўқув материали хажм ва мазмунига кўра талабаларнинг мустақил фикрлаш кўникмасини мустаҳкамлаб бораман. Ҳар бир машғулот мавзуси учун уй ишлари тегишли кўрсатмалари билан берилиб борилади. Кейинги машғулотгача талабаларнинг мустақил ўзлаштирган ўқув материали индивидуал, зарур бўлса жамоавий назорат қилинади.

Уй иши шаклдаги мустақил таълим назоратини интерфаол усуллар ёрдамида жонлантириб қизиқарли тарзда ўтказиб бораман. “Бугунги энг тезкор ўйинчи”, “Энг уюшқоқ жамоа”, “Самовий саёҳат”, “Space war- Ҳаво жанги”, “Рассомлар мусобақаси”, “Фикрлар майдони”, “Геометрик тирнишонга тўғри отиш”, “Геометрик мозаика” каби турли хил завқли руқивлар остида конкурс, аукцион, турнир, викторина, эстафета, чайнворд, лабиринт, лотто, лоторея, фейерверк, тегирмон, халқа принципига асосланган жамоавий ё индивидуал ўйин шаклида амалга оширилади.

“ГЕОМЕТРИК МОЗАИКА”


Тасвирдаги геометрик шаклларни сонини аниқланг



“ГЕОМЕТРИК ТИР” - Нишонга түғри отиш

Проекциялари билан тасвирланган нұқталарнинг фазодаги

геометрик ўринларини айтинг




РАССОМЛАР МУСОБАҚАСИ

Берилған нұқталарнинг координаталари остида яшириңган суратни топинг


	$x$	$y$	$z$
$A$	(30, -5, 15)		
$B$	(0, 0, 25)		
$C$	(-10, -30, 5)		
$D$	(-20, -25, 25)		
$E$	(-15, 0, 20)		
$F$	(0, 30, 0)		

$x (-y)$



	$x$	$y$	$z$
$A$	(70, -20, -20)		
$B$	(40, 0, -35)		
$C$	(25, 0, 25)		
$D$	(10, -60, 35)		
$E$	(0, -50, 50)		
$F$	(5, -15, 45)		

$x (-y)$



Юқоридаги келтирилген натижаларни хulosаси сифатида келтириб үтиш жоизки, талабаларнинг мустақил фикрлаш маданияти, умуман тегишли масала ва муоммолар устида ақлий амалларни бажариш малакаси ўз-ўзидан шаклланадиган жараён әмбап. Бундай юқори интеллектуал салоҳият әгасини түғри ривожлантиришда эса бутун бир бошли педагогик тизим мухити зарурдир. Мен мустақил ақлий фаолиятга ундовчы фанга

доир машқлар тизимини яратиш, уларни доимий янгилаб бориш ва уларга ўйин технологияларни жорий этиб талабаларнинг мустақил таълимини жонлантириш, шунингдек ўқув жараёнида имкон қадар бевосита, билвосита ижобий омилларни яратиб улардан ўринли фойдаланиш усули билан чизма геометрия фани мутахассислари, педагог-ўқитувчилари кўзлаган мақсадга эришишлари мумкин деб ўйлайман.

### Библиографик рўйхат

1. Ефремова О. Н. Опыт организации самостоятельной работы студентов. Томский политехнический университет // Высшее образование в России . – № 8–9. – 2013. – С. 160–162.

## ТАЛАБАЛАРДА КРЕАТИВЛИК ФУНКЦИЯЛАРИНИНГ ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ ШАРОИТИДА НАМОЁН БЎЛИШИ

Г. Н. Ибрагимова,  
Г. Т. Ибрагимова

*Катта ўқитувчи,  
малаба,  
Низомий номидаги Тошкент давлат  
педагогикауниверситети,  
Тошкент, Ўзбекистон*

---

**Summary.** In article role of interactive educational technologies in developing creative activity of students considered. Substantiated pedagogical-psychological tasks, solved in the process of creative thinking on the basis of educational technology.

**Keywords:** interactive technology; process of education; knowledge; skills; formation; independent education; creative education.

---

Ҳозирги глобаллашув жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари таълим-тарбия жараёнида, хусусан бўажак ўқитувчилар тайёрлаш тизимида шахснинг интеллектуал қобилиятларини ўстириш орқали унда мавжуд ахборотлар оқимини қабул қилиш, тушуниш, фикрлаш ва қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган ижодкорлик қўникмаларини шакллантиришга кўпроқ эътибор қаратиш заруратини юзага келтирмоқда. Чунки, шахс бу таълим тизимида ахборотлар оқимининг фаол истеъмолчиси бўлиши билан бир қаторда, уни тахлил қилиш ва амалга ошириш жараёнида хам етакчи субъект вазифасини ўтайди. Бу эса ундан ижодкорлик, изланувчаник ва ностандарт тафаккурни талаб этади.

Креативлик – шахс ёки жамиятнинг табиий, ижтимоий ва маънавий оламни исоннинг мақсад ва вазифаларига, унинг эҳтиёжлари, истаклари, имкониятларига мувофиқ тарзда ўзгартириш борасидаги фаоллигиdir. Креативлик – бу шакланган стеротиплар, одатлар, анъаналар шартиликлар доирсаидан онгли равишда четга чиқиш демакдир.

Креативлик инсонни ақл-заковатининг барча ижобий сафатларини ўзида мужасамлаштирган янгилик яратиш билан боғлиқ бўлга алоҳида фаоллик ва мустақиллик тури саналади.

Креативлик турли фаолият соҳаларига, яъни техника, саноат, ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда намоён бўлиб, шу соҳа тараққиёти ва ривожи учун хизмат қилгандагина самарали саналади.

Креативлик психологиясининг асосчиси Дж. Гильфорднинг фикрича, шахснинг ижодкорлиги кўпроқ унинг интеллектуал салоҳияти, ақлий қобилиятлари билан боғлиқ бўлиб, улар асосан таълим-тарбия жараёнида шаклланади ва ривожланади. Демак, таълим-тарбия жараёни шахсадаги, хусусан, бўлажак мутахассис шахсидаги креативлик функцияларини ривожлантиришда етакчи феноменлардан бири сифатида баҳоланаар экан, унинг шаклланиши бевосита таълим жараёнини ташкил этишга нисбатан ўзига хос инновацион ёндошувни талаб этади.

Маълумки, бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш тизимиға нисбатан инновацион ёндошувнинг асосини шахсга йўналтирилган фаолиятли муносабат ташкил этиб, бунда интерфаол таълим мухим ўрин тутади.

Интерфаол таълимда ўқитувчи ўқув фаолиятнинг фаол ташкилотчиси бўлиб, ўқувчи бу фаолиятнинг субъекти сифатида намоён бўлади. Бунда ўқитишнинг мақсад ва вазифалари, унинг мазмуни ва кутилаётган натижалар бевосита таълим олувчининг индивидуал имкониятлари доирасида белгиланади ва шунга мослаштирилади. Интерфаол таълимни амалга оширишнинг мухим воситаси – интерфаол ўқитиш методлари. Интерфаол ўқитиш методлари ўқувчилардан ахборотларни ўзлаштириш жараёнидаги фаолликни, ижодкорлик, мустақилликни шакллантирибгина қолмай, ўқитиш мақсадларининг тўлақонли амалга ошишига ёрдам беради. Бугунги кунда ўқитиш тизимидағи энг самарали интерфаол ўқитиш методларига қўйидагиларни киритишимиз мумкин бўлади: «Кейс-стади», «SCORE», «SWOT-таҳлил», «Синквэйн», «ФСМУ», «Хулосалаш» (Резюме), «Кластер», «Лабиринт», «Қора қути», «Чархпалак» ва ҳ.к.

